

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: -----

МАХМУДОВА МУХЛИСА ҚОДИРЖОН ҚИЗИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”

Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Н.Х.Жумаев

ТОШКЕНТ – 2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I БОБ. БАНКЛАРДА РИСКНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Рискнинг назарий тушунчаси, иқтисодий моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари

1.2. Банк фаолиятида рискларнинг тавсифи ва уни бошқариш усуллари

1.3. Банк рискларини бошқаришнинг илғор хориж тажрибалари

Биринчи боб бўйича хулоса

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....

2.1. Ўзбекистон банкларида кредит қўйилмаларининг таркиби ва уларни бошқаришдаги рисклар

2.2. Тижорат банкларининг кредит портфели ва уларда таркибий риск омиллари

2.3. Ўзбекистон тижорат банклари активлари сифатининг амалдаги ҳолати ва унинг банк рискларига таъсири таҳлили

Иккинчи боб бўйича хулоса

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Тижорат банклари фаолият riskини камайтиришда капитал монандлиги барқарорлигини таъминлаш

3.2. Тижорат банклари фаолиятида рискларни бошқариш усуллари тақомиллаштириш

3.3.	Банк рискларининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари
	Учинчи боб бўйича хулоса
	ХУЛОСА
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
	Иловалар

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрда банк фаолиятининг янги босқичи айнан ахборот даври ва иқтисодиётни рақамлаштириш бошланганлиги билан ифодаланади. Ўтган даврда банк фаолияти молиявий барқарорлиги миқдор жиҳатдан баҳоланган бўлса, бизнинг асримизга келиб ушбу услубиятларни ўзгартириш заруриятини кўрсатиб бермоқда. Ўз навбатида, банк молиявий барқарорлиги рискларни максимал даражада минималлаштириш билан ўлчанади. Бу эса, банк рискларини янада мураккаблик касб этаётганлиги биринчидан жаҳон иқтисодиётининг янада чуқур интеграциялашувининг ривожланиши, иккинчидан рақамли технологияларни молиявий хизматлар бозорига жадал кириб келиши, учинчидан хулқ-атвор иқтисодиётининг тадқиқ этилиш зарурати каби омиллар билан ўз аксини топади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, молия сектори томонидан тақдим этилган маҳаллий кредитларнинг ЯИМга нисбатан улуши 1960 йилда 50 фоизни, 1997 йилда 100 фоизга етган. 2000 йилдан бошлаб мазкур рақам ўсиб, 2009 йилда 126 фоизни ташкил этган. 2008 йилдан бошланган иқтисодий инқироз сабаб ушбу рақам яна пасая борган, аммо 2016 йилда эса ўзининг энг юқори 140 фоизли нуқтасига етган¹. Ушбу тенденциялар активлар капиталга нисбатан ошиб кетаётганлиги ва ўз навбатида молиявий рискларни ортишини кўрсатиб беради.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози банк тизимининг мавжуд кўрсаткич мезонларининг тўлиқ асосланмаганлигини юзага чиқариб берди. Бу борада, банк назорат бўйича Базель қўмитаси томонидан 2004 йилдаги Базель-II талабларининг ишлаб чиқилишида хатоликлар мавжудлигини тан олиши айнан 2008-2009 йилларда юз берди. Мазкур жараёнлардан сўнг 2010 йилда ишлаб чиқилган ва 2013 йил 1 январдан бошлаб амалга татбиқ этила бошлаган Базель-III талаблари инқироз

¹ The World Bank Domestic credit provided by financial sector (% of GDP). <https://data.worldbank.org/indicator/FS.AST.DOMS.GD.ZS>

тажрибаларини инобатга олинганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳозирги кунда, банк рискларини бошқариш борасида биринчидан, сифат кўрсаткичларини аниқлашга имкон берадиган, иккинчидан хулқ-атвор иқтисодиётини инобатга олган ҳолда кредит скоринг амалиётини жорий этиш, учинчидан капитал монандлигини барқарорлаштириш, тўртинчидан активлар сифати, диверсификацияси ва рентабеллиги каби кўрсаткичларни доимий мониторинг қилишга қаратилган тадқиқотлар банк рискларини бошқариш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон банк амалиётини ривожланишининг янги босқичи масофавий банк хизматларини жорий этилиши, банк фаолиятининг либераллаштирилиши ва 2020 йилга келиб давлат банкларининг улушини хусусий секторга ўтказишга қаратилган ислоҳотларнинг амалга оширилиши билан ўз аксини топади. Банк рискларини миқдор жиҳатдан баҳолашда асосий эътибор молиявий кўрсаткичларнинг ҳажми ва улушлари нисбатларига эътибор қаратилиши инобатга олинса, банк рискларини тўлиқ баҳолашга имкон вужудга келмайди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда банкларда давлат улушини камайтиришга қаратилган ислоҳотларнинг амалга оширилиши банк рискларини сифат жиҳатдан ижобий томонга ҳаракатланаётганлигини кўрсатиб беради. Сабаби, банклар ўз капиталларини мустақил тарзда миқдорнинг молиявий ҳолатини баҳолаш орқали кредитларни тақдим этиши ва макропруденциал талабларни бажариши банк рискларини фундаментал жиҳатдан бошқаришга тўлиқ имкон беради. Шу боисдан, ҳозирги жадал ислоҳотлар даврида банк рискларини бошқариш усулларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида “2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва

даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади²” – деб таъкидлаб ўтди. Ушбу ғоянинг туб заминида банкларнинг барқарорлигини таъминлаш ва рискларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кенг қўламли амалга ошириш назарда тутилмоқда. Ушбу тадқиқотимиз юқорида қайд этилган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва содалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2746-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз тилида олиб борилган кўплаб тадқиқотларда банк фаолияти рискларини бошқариш ва уни самарали ташкил этиш борасида илмий хулосалар шакллантирилган. Хусусан, G.Adam, H.Jaroslav, C.Charles, F.Sean, A.Daniel, O'. John, S.Frederic, S.Mishkin, M.Oliver³ каби олимлар ўзларининг илмий хулосаларида мамлакат ва жаҳон миқёсида банк рисклари муаммосига қаратилган жиҳатларни қамраб олган.

² Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатнома 2020. 24.01.2020 й.

³ Adam Gersl and Jaroslav Hermanek, “Financial stability indicators: Advantages and disadvantages of their use in the assessment of financial system stability”, page 69.; Charles Collier, Sean Forbush, Daniel A. Nuxoll, and John O’Keefe The SCOR System of Off-Site Monitoring Its Objectives, Functioning, and Performance. FDIC Banking Review, 2003, volume 15, No. 3. p. 6.; Frederic S. Mishkin “The Economics of Money, Banking, and Financial Markets”, page 216, 11th edition 2016.; Oliver M. Sprague History of Crises under the National Banking System. Augustus m Kelley Pubs; New issue of 1910 ed edition (June 1, 1968).

Россиялик олимлар банк фаолиятида рискларни юзага келиши ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишган. Жумладан, М.Байбородина, А.Вишневский, А.Давыденко, Ю.Кибардина, М.Круи, Ю.Кудрявцева, О.Лаврушин, Е.Трофимова, Д.Чичуленков, А.Якубова⁴ тадқиқотларида банк рискларини юзага келишига таъсир этувчи омиллар, молиявий рискларнинг тизимлиги ва молиявий рискларнинг алоҳида хусусиятлари тўғрисида илмий хулосалар шакллантиришган.

Ўзбекистонлик олимларидан Ш.Абдуллаева, О.Абдурахмонов, А.Амонов, Б.Бердияров, Т.Бобокулов, Н.Жумаев, Н.Идиев, Т.Каралиев, Н.Каримов, Ж.Мажидов, Ф.Мирзаев, Э.Муминова, Ф.Насриддинов, Д.Нафасов, В.Пшеничников, М.Тожиев⁵ илмий асарларида банк

⁴ Байбородина М.Н. Слияния и присоединения кредитных организаций в стратегии достижения лидерства на рынке банковских услуг: автореферат ... к.э.н. – М.: ФГБОУ ВПО «Государственный университет управления», 2012. – 32 с.; Вишневский А.А. современные тенденции развития структурообразующих институтов банковского права: сравнительно-правовое исследование: автореферат ... д.ю.н. – Москва. Национального исследовательского университета «Высшая школа экономики», 2014. – 43 с.; Давыденко А.К. Совершенствование системы управления внутренними рисками коммерческого банка: автореферат ... к.э.н. – Москва. Российской академии предпринимательства, 2011. – 25 с.; Кибардина Ю.С. Международная деятельность российских банков в условиях трансформации мировой банковской системы: автореферат ... к.э.н. – Москва. Институте региональных экономических исследований, 2013. – 21 с.; Круи М., Галай Д., Марк Р. Основы риск-менеджмент: -М.: Издательство Юрайт, 2019. – 390 с.; Кудрявцева Ю.В. Развитие рынка кредитных услуг населению в России: автореферат ... к.э.н. – М.: Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации, 2011. – 26.; Лаврушин О.И. Банковское дело. - М.: Финансы и статистика. 2001. – 342 с.; Трофимова Е.А. Оценка эффективности деятельности коммерческого банка в условиях межбанковской конкуренции: автореферат ... к.э.н. – Екатеринбург. Уральский федеральный университет, 2016. – 24 с.; Чичуленков Д.А. Совершенствование управления портфелем банковских активов: автореферат ... к.э.н. – М.: ФА при правительстве РФ., 2009. - 32 с.; Якубова А.А. Управление банковскими рисками в Российской Федерации посредством страхования: автореферат ... к.э.н. – М.: ФГБОУ ВПО «Государственный университет управления», 2012. – 25 с.

⁵ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш: и.ф.д. ... автореферат. – Т.: БМА, 2000. – 46 б.; Абдурахмонов О.Б.Фоиш риси ва уни минималлаштириш йўллари: и.ф.н. ... автореферат. -Т.: БМА, 2007. – 22 б.; Амонов А., Нафасов Д. Банк таваккалчиликларини бошқариш усулларининг долзарб жиҳатлари// "Biznes - эксперт" журнали. – Т. 2016. - №7(103)-2016.; Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. Монография. – Т.: Молия, 2020. -170 б.; Бобокулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммо ва ечимлар. -Т.: Фан ва технология, 2007. – 184 б.; Жумаев Н.Х. Жаҳон иқтисодиётининг янги инқирози – иқтисодий ҳаракатсизлик. 03.04.2020 й. <https://review.uz/oz/exg>; Идиев Н,Ф. Тижорат банклари аудиторлик рискларини баҳолашни такомиллаштириш: и.ф.н. ... автореферат. -Т.: БМА, 2011. – 22 б.; Каралиев Т. Усмонов Б. Аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юки таҳлили ва уни оптималлаштириш//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – Т.: 2020. - № 1, февраль.; Каримов Н.Ф. Риски и проблемы формирования прибыли коммерческих банков: автореферат ... к.э.н. – Т.: БФА, 1998. – 23 с.; Мажидов Ж. Тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлик рискинн бошқаришнинг такомиллаштириш йўллари//Молия журнали. -Т., 2017. -№4. – Б.57-61.; Мирзаев Ф.И. Молия бозори операциялари рискларини баҳолаш усуллари (кимматли қоғозлар бозори мисолида): и.ф.н. ... автореферат. - Т.: БМА, 2002. – 22 б.; Муминова Э.А.Тижорат банкларида ипотека кредити рискларини бошқаришни такомиллаштириш: и.ф.н. ... автореферат. -Т.: БМА, 2011. – 22 б.; Насриддинов Ф.Н. Тижорат банкларида риск-менеджмент тизимини такомиллаштириш йўллари: и.ф.н. ... автореферат. -Т.: ТДИУ, 2012. – 26 б.; Нафасов Д.Б. Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. (PhD) диссертация автореферати. – Т.: ТМИ, 2017. – 56 б.; Пшеничников В.В.

рискларинининг турли компонентларига эътибор қаратишган. Масалан, проф. Ш.Абдуллаева кредит рискларини ўрганган бўлиб, уларни олдини олишда кредит скоринг методларидан фаол фойдаланишни тавсия этиб ўтган. Проф. Ф.Мирзаев молия бозори билан боғлиқ рискларни тадқиқ этган ва уларни баҳолаш бўйича ёндашувларни баён этиб берган. Доц. Э.Мўминова эса, ипотека кредити рисклари бўйича илмий хулосаларини шакллантирган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда банк фаолияти рискларини бошқариш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Рискнинг назарий тушучаси, иқтисодий моҳияти ва ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

Банк фаолиятида рискларнинг тавсифи ва уни бошқариш усулларини тизимлаштириш;

Банк рискларини бошқаришнинг илғор тажрибаларини тадқиқ этиш
Ўзбекистон шароитида жорий этиш йўлларини ишлаб чиқиш

Ўзбекистон банкларида кредит қўйилмаларининг таркиби ва уларни бошқаришдаги рисклар амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

Тижорат банкларининг кредит портфели ва уларда таркибий риск омилларини тизимлаштириш асосида таҳлил этиш;

Природа банковских рисков и пути их снижения автореферат ... к.э.н. – Т.: БФА, 2000. – 23 с.; Тожиев М.М. Банк рисклари ва уларни бартараф қилишнинг долзарб масалалари//Иқтисод ва молия илмий-амалий журнал. – Т., 2018. - №8(116). – Б. 14-17.

Ўзбекистон тижорат банклари активлари сифатининг амалдаги ҳолати ва унинг банк рискларига таъсири аниқлаш ва баҳолаш;

Тижорат банклари фаолият riskини камайтиришда капитал монандлиги барқарорлигини таъминлашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тижорат банклари фаолиятида riskларни бошқариш усулларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банк ва АТ Асака банкнинг кредит операциялари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда банк фаолияти ва кредит фаолияти riskларини бошқариш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий абстракциялаш, мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш, корреляцион ва регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

банклар активлари ва пасивлари таркибида долларлашув даражасини пасайтириш орқали хорижий валютадаги кредитлар улушининг миллий банк фаолияти молиявий барқарорлигига таъсири пасайтириш таклиф этилган;

истеъмол кредитларининг аҳоли даромадларига боғлиқ равишда ўсишини инобатга олиб, уларнинг муддати ва фоизларини дифференциаллашган тарзда оптималлаштириш ва “содиқ мижозлар”га алоҳида тарифларни шакллантириш таклифи асосланган;

банк riskларининг олдини олишда капитал рентабеллиги, активлар рентабеллиги ва капитализация кўрсаткичларининг уйғунлигини таъминлаш учун ҳар йили тасдиқланадиган бизнес режада белгиланган фойдани таъминлаш, банк фаолиятида фойдаланилмайдиган асосий воситалар, даромад келтирмайдиган активлар салмоғини оширмаслик таклифи асосланган;

кредити муддатини миждоз томонидан таклиф этиш имконини такдим этиш орқали кредит фоиз ставкасини пасайтиришга таъсир кўрсатиш имконини яратиш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

банк рискларини бошқаришнинг назарий асослари тизимлаштирилган ва унга нисбатан мустақил муаллифлик ёндашуви шакллантирилган.

банк рискларини макропруденциал тартибга солишда монетизация коэффицентини инобатга олиш шарт-шароитлари аниқланган ва баҳоланган.

ипотека кредити муддатини миждоз томонидан таклиф этиш имконини такдим этиш ва бунда, миждоз қисқароқ муддатни танлаши орқали кредит фоиз ставкасини пасайтиришга таъсир кўрсатиш имконини яратиш тавсия этилган.

танланган банкларда активларнинг нобарқарорлашувини аниқлашга қаратилган регрессион таҳлиллар жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг сезиларли таъсири мавжудлиги аниқланган ва баҳоланган.

Жисмоний шахсларнинг кредит тўлов қобилиятини аниқлашда Блек-Шоулз моделини қўллаш мақсадга мувофиқлиги ва жорий этишнинг йўллари ишлаб кўрсатилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, ТИФ Миллий банки, Асака АТБнинг молиявий ҳисобот кўрсаткичлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларидан муайян меъёрий ҳужжатлар, тегишли идора ва ташкилотларнинг ҳисоботларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари амалиётларида жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятида рискларни бошқариш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда кредитлаш амалиётини

такомиллаштиришга оид илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда илмий-услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида рискларни бошқариш йўллари ва методларини ишлаб чиқиш, кредитлаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек, мустақил илмий тадқиқотлар олиб боришда, илмий лойиҳа, олий таълим муассасаларида “Банк иши”, “Банк риск менежменти”, “Молиявий рискларни бошқариш” каби фанларнинг ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва унинг амалий базасини мустаҳкамлаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банклари томонидан рискларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хорижий валютадаги кредитлар улуши миллий банк фаолиятининг молиявий барқарорлигига таъсир этишини банклар активлари ва пасивлари таркибида долларлашув даражасини камайтириш орқали камайтириш таклифи Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки АЖ ва “Асака” АТ банки фаолиятида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки АЖнинг 2020 йил 7 августдаги 02/3-5591/38-сон ва “Асака” АТ банкининг 2020 йил 3 июлдаги 1904/3663-сон маълумотномалари). Мазкур таклиф натижасида банкда долларлашув даражасини пасайтиришга ҳамда халқаро валюта бозоридаги мазкур валюталар позициясини салбий таъсирдан ҳимоя қилиш билан вужудга келадиган рискларнинг камайишига олиб келган;

истеъмол кредитлари аҳолининг даромадларига боғлиқ равишда ўсишини инобатга олиб, уларнинг муддати ва фоизларини дифференциаллашган тарзда оптималлаштириш ва “содиқ мижозлар”га алоҳида тарифларни шакллантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки АЖ Активлар ва пасивларни бошқариш қўмитасининг 2020 йил 31 январдаги 19-сон ҳамда “Асака” АТ банки Активлар ва пасивларни бошқариш қўмитасининг 2020 йил 25 майдаги 41-сон баённомаларига асосан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки АЖнинг 2020

йил 7 августдаги 02/3-5591/38-сон ва “Асака” АТ банкининг 2020 йил 3 июлдаги 1904/3663-сон маълумотномалари). Натижада, аҳолига ажратилаётган кредитларнинг фоиз ставкаларини табақалаштириш имконияти вужудга келган;

банк рискларининг олдини олишда капитал рентабеллиги, активлар рентабеллиги ва капитализация кўрсаткичларининг уйғунлигини таъминлаш учун ҳар йили тасдиқланадиган бизнес режада белгиланган фойдани таъминлаш, банк фаолиятида фойдаланилмайдиган асосий воситалар, даромад келтирмайдиган активлар салмоғини оширмаслик таклифи “Асака” АТ банки томонидан фойдаланилган (“Асака” АТ банкининг 2020 йил 3 июлдаги 1904/3663-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этиш натижасида капитал ва активлар рентабеллиги кўрсаткичларини мўлжалдаги даражада сақлаб туриш ҳамда фойда миқдорининг доимий ошишини назорат қилиш, қўшимча акцияларни жойлаштириш, қўшилган капитал кўрсаткичини ошириш билан бирга риска тортилган активларнинг мўътадил даражасини таъминлашга эришилган;

кредит муддатини миждоз томонидан таклиф этиш имконини тақдим этиш орқали кредит фоиз ставкасини пасайтиришга таъсир кўрсатиш таклифи Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки АЖ Активлар ва пассивларни бошқариш қўмитасининг 2020 йил 31 январдаги 19-сон қарорига киритилиб, амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки АЖнинг 2020 йил 7 августдаги 02/3-5591/38-сон маълумотномаси). Натижада, жорий йилнинг шу даврига қадар 1351 та миждозга 11,6 млрд. сўм ҳажмидаги кредит пастроқ (21%) фоиз ставкасида ажратилган, кредитлар ажратиш ва рискларининг олдини олишда миждозлар билан самарали мулоқот имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий гоя ва хулосалари 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 12 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий илмий нашрларда 10 та, нуфузли хорижий журналларда 3 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, тўққизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 151 бетни ташкил этади.

I-БОБ. БАНКЛАРДА РИСКНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Рискнинг назарий тушунчаси, иқтисодий моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари

“Риск” сўзи эски италян сўзидан келиб чиққан бўлиб, “risicare” сўзининг эволюцияси билан боғлиқ деган қарашлар мавжуд. Унинг ўзбек тилидаги мазмуни “журъат этмоқ” деган маънода келади. Бу эса, инсониятнинг келажакка бўлган муносабатини акс эттиради. Мазкур ҳолатнинг мавжудлиги инсон фаолиятининг таъсирларга учрашини ўзида акс эттирган. Шу боисдан, инсонлар ўзларининг фаолиятида келажакдаги жараёнларни инобатга олиш ва фаровон ҳаёт кечиришга эришишни режа қилишган.

Демак, мазкур категориянинг иқтисодиётга кириб келиши истиқболда даромад олиш билан боғлиқ фаолиятда турли таъсирларнинг вужудга келиши билан боғланган. Умуман олганда, немис математиги Г.Лейбниц (XVIII аср) катта сонлар қонунияти ва статистика жараёнлари назариясини ишлаб чиқди ва илгари сурди. Шундан сўнг Англия ҳукумати ўлимлар сонини акс эттирган ҳисоботларни юритишини бошлаганидан кейин ушбу усул дунё бўйлаб кенг тарқала бошлади.

Француз математиги А.Муавр нормал тақсимот ва стандарт оғишлар тушунчасини фанга олиб кирди. Натижада олимларнинг изланишлари орқали кутилмаган таъсирларни олдини олишда ахборотга эгалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади.

Ҳаёт ва иқтисод қонуниятларининг статистик таҳлил этилиши бошланиши билан рискларни атрофлича ўрганиш кириб келди. Зотан риск ҳаётнинг барча жабҳаларида вужудга келаса-да, тадқиқотимиз давомида кўпроқ биз иқтисодий рискларни ўрганишга эътиборни қаратамиз.

Кундалик ҳаётимизда ҳар биримиз мавҳумликни акс эттирувчи бир нечта вазиятларга дуч келамиз. Келажакда нима содир бўлишини билмаган пайтимиз ноаниқлик пайдо бўлаверади. Қачонки, бу каби ноаниқлик бизнинг

қарорларимиз ва амалларимиз, соғлигимиз, ёки молиявий ҳолатимизга таъсир қиладиган бўлса, бундай мавҳумлик риск деб аталади. Мавҳумлик рискнинг пайдо бўлишида муҳим ўрин тутаяди, лекин унинг яқка ўзи етарли эмасдир.

Одатда, биз қутаётган натижа салбий бўлиш эҳтимоли юқори бўлган вазиятларни рискли, деб ўйлаймиз. Масалан, биз маблағларингизни ташкилотнинг акцияларига инвестиция қиладиган бўлсангиз, акцияларнинг баҳоси тўсатдан тушиб кетиш ҳолатида ўз маблағларингизни йўқотиш бўйича риск қиламиз. Агар акцияларнинг баҳоси ошадиган бўлса, аксинча, сиз даромад кўриш имкониятимиз вужудга келади.

Кундалик турмушда кўпчилик одамлар рискдан қочишади, яъни бир нечта тенг шароитларда баланд рискдан кўра минимал рискни афзал кўради. Шундай бўлсада, бу каби ҳаракатлари учун мос қўшимча ҳақ олишини қутаётган бўлишса, одамлар ўзларига шу рискни қабул қилишга тайёр бўлишади. Риск даражаси ва қўшимча ҳақ тўлови ҳажми ҳар бир шахснинг индивидуал қарорларига боғлиқ бўлади.

Биз юқорида таъкидлаганимиздек, рискни бошқа комплекс активлар йиғиндиси ва вазиятлар билан алоқадорлигидаги таъсирини ўрганиш керак бўлади. Рискни баҳолаш бу унинг миқдорий ўлчови ҳисобланмай, у билан боғлиқ барча харажатларни аниқлаш ҳам тушунилади. Рискни бошқаришда, рискни баҳолаш энг қийин масалалардан бири ҳисобланади. Уни аниқлашда энг биринчи бўлиб бизларга ахборот керак бўлади. Бу каби ахборот тарихий маълумотларга таянишини кўришимиз ҳам мумкин. Масалан, инвестор маблағларини компаниянинг акцияларига тикмоқчи, бунда у акцияларнинг баҳосини тушиб кетишидан хавотирда бўлади. Бизлар юз фоиз аниқлик билан келажакда қандай ҳолатлар ва вазиятлар юз беришини билмаймиз, лекин статистик анализ методидан фойдаланган ҳолда, бизлар ушбу акциясининг тарихий ўзгаришларига баҳо берган ҳолда акцияларнинг келажакдаги баҳосини башорат қилишимиз мумкин.

Умуман олганда, иқтисодиётда ноаниқлик ва риск категориялари ёнма-ён тургани каби ўрганилишга ва таҳлил этишга эътибор қаратилади. Ноаниқлик

– бу ахборотларнинг тўлиқ эмаслиги ёки тўғри эмаслиги натижасида юзага келади. Ноаниқлик реал ёки спекулятив хусусиятга эга бўлиши мумкин. Спекулятив ноаниқлик молиявий натижа кутиладиган юқори ёки қуйи томонга оғиши мумкин. Реал ноаниқлик эса, рискнинг муқаррар вужудга келишини ўзида акс эттиради.

Риск эса ноаниқликнинг бир элементи сифатида вужудга келади. Масалан, эҳтимоллиги мавжуд бўлган аммо етарли ахборотлар мажмуи мавжуд бўлмаган ҳолат билан тўқнаш келинса, демак риск элементлари юзага чиқади. Бу эса, рискни олдини олиш ва бошқариш заруриятини келтириб чиқаради.

Рискни камайтиришнинг асосий 4 та ёндашув мавжуд:

- рискни четлаб ўтиш;
- назорат ва зарарларни олдини олиш;
- риск тўлови;
- рискни ўтказиш.

Рискни камайтиришга қаратилган ёндашувларда уни четлаб ўтиш етарли маълумотларни олдиндан олиш билан боғлиқ ҳисобланади. Ўз навбатида, молиявий қарорлар қабул қилишнинг иккинчи вариантини амалга оширишни тақозо қилади. Натижада, рискни четлаб ўтиш учун имконият юзага келади. Рискни назорат қилишда самарали стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан ифодаланади. Риск тўлови – бу юз бериши олдиндан маълум бўлган молиявий зарарнинг олдини олиш ва уни қоплаш учун суғурта механизмидан фойдаланишни назарда тутаяди.

Хулоса қилиб айтганда, рискни камайтиришда етарли ахборотларга эгаллик қилиш, уни бошқариш учун тўлиқ имконият яратиб бериши мумкин экан.

Риск борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, иқтисодий, молиявий ва бизнес билан боғлиқ бўлган рисклар шулар жумласидандир. Тадқиқотчи И.Шеримбетов тадбиркорлик доирасида юзага келиши мумкин

бўлган рискларни тизимлаштиришга ҳаракат қилган. Уларни ўзига хос белгиларига асосланган ҳолда турларга ажратиб берган⁶.

1.1-жадвал

Тадбиркорлик фаолиятидаги рисклар таснифи

Гуруҳлаш белгилари	Риск турлари
Юзага келиши	Ташқи, объектив (ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва б.)
Давомийлигига кўра	Узоқ муддатли – компаниянинг қайси тармоққа тегишлилиги; Қисқа муддатли – банк кредитларидан фойдаланиш даври, товарларни етказиш даври ва бошқалар
Рисклар юзага келишининг таъсирига кўра	Мақбул – кутилаётган фойдадан ошмайдиган йўқотиш; Критик – кутилаётган даромад (тушум)дан ошмайдиган йўқотиш; Ҳалокатли – мулкларни йўқотиш хавфи; Ўта ҳалокатли – бизнесни йўқотиш, банкротлик.
Башоратлаш эҳтимолига кўра	Кутилаётган (содир бўлиш эҳтимолини ҳисоблаш мумкин); Башорат қилиб бўлмайдиган (математик ва статистик методларни асосида ҳисоблашнинг имкони йўқ).
Такрорланишига кўра	Систематик; Эпизодик.

Тадқиқотчи томонидан рискларни бизнес нуқтаи назаридан гуруҳлашга эътибор қаратилган. Шундай бўлишига қарамадан, мазкур тизимлаштириш омилларида кўпроқ ноиктисодий хусусиятларни қамраб олган. Тадбиркорликнинг асосий молиявий фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳолатларни инобатга олиниши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Масалан, бизнес субъекти капиталининг қайтмаслиги ёки етарли тўлов қобилиятига эга бўлмаслиги кабиларни шулар жумласига киритиш мумкин. Шунингдек, муддати ва такрорланиш хусусиятлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилмаслиги ушбу категорияларни қайта кўриб чиқишни тақозо қилиши мумкин. Бизнингча, рискларни тизимлаштиришда уларнинг биринчи навбатда

⁶ И.Шеримбетов Рискка асосланган аудит ва унинг аҳамияти//Бозор, пул ва кредит. – Т., 2017. -№10. – Б. 4-9.

молиявий ёки техник хусусиятга эга эканлигини инобатга олиш зарур ҳисобланади.

Рус олимларидан В.Вяткин, В.Гамза, Ф.Маевский риск иқтисодий категория эканлиги, уни аниқлаш ва баҳолаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида хулосаларини баён қилишган. Уларнинг фикрига кўра, ҳар қандай тижорат ташкилоти (фирма, банк ва б.) фаолиятида рискларнинг юзага келиши, уларни баҳолаш ва бартараф этиш йўллари тўғрисида тизимлаштирилган тушунтиришни келтиришади⁷. Уни қуйидаги 1.2-жадвалда кўриш мумкин.

Бизнингча, рус олимлари томонидан рискни аниқлаш усулига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, рискни олдиндан аниқлаш ва уни бартараф этишда босқичларни ажратилиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда риск манбаини аниқлаш, баҳолаш ва натижада унинг оқибатларини юмшатишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш методологияси диққатга сазовор ҳисобланади.

Иқтисодий таълимотлар тарихида ҳам рискка нисбатан ёндашувлар мавжуд бўлган. Жумладан, классик иқтисодчилардан А.Смит ва бошқа олимлар рискни тадбиркорлик даромади таркибида бўлишини ва у қуйидаги элементлардан ташкил топишини қайд этишади:

- капитал қўйилмадаги фоиз ёки “ишлаб топилган тўлов” сифатида;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги рискнинг ўрнини қоплаш учун олдиндан тўланган тўлов.

Классик иқтисодиёт назариясида тадбиркорликни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларнинг ўрнини қоплаш учун олдиндан бадал тўловини амалга оширилишини назарда тутишади. Бошқача айтганда, суғурта механизми орқали қопланишини тавсия этишади.

Неоклассик иқтисод мактаби тарафдорлари тадбиркорлик фойдасини режа қилинган ҳажмидан оғиш даражаси билан белгиланишини таклиф

⁷ Вяткин В.Н., Гамза В.А., Маевский Ф.В. Риск менеджмент: Учебник. – 2-е изд., перераб. И доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019. – 365 с.

этишади. Жумладан, Ж.Кейнс рискни муқаррар воқелик сифатида қайд этиб, унинг учта турини ажратиб кўрсатади:

– тадбиркор томонидан режалаштирилган фойдани олишга бўлган ишончсизликни юзага келиши. Мазкур риск тури тадбиркор ўз маблағларидан фойдаланганда вужудга келади, деб қайд этади;

– кредит rischi – мазкур риск кредит операцияларини амалга оширилиши билан юзага келиши таъкидланади. Ушбу жараёнда банкротликнинг вужудга келиши ёки белгиланган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги билан ифодаланиши тушунилади.

– инфляция туфайли пул бирлиги қийматининг йўқотилиши билан изоҳланади. Шу боисдан, мулк пулдан кўра рискка кам учрайдиган объект сифатида қаралади.

Хулоса қилиб айтганда, риск иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида юз бериш эҳтимоли юқори эканлиги, даромаднинг бир қисми бўлиши ва молиявий муносабатларнинг ажралмас бўлаги эканлиги маълум бўлмоқда. Умуман олганда, риск молиявий муносабатларда ўз ва қарз маблағлари асосида юзага келишидан турли ёндашувлар мавжуд экан. Шундай бўлсада, риск даромаднинг бир қисми бўлиб қолиши эътиборга молик бўлишини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Умумий риск масаласида ўзбекистонлик кўплаб олимлар ҳам ўзларининг илмий хулосаларини баён қилганлар. Жумладан, профессор Ф.И.Мирзаев молия бозоридаги рисклар тўғрисида илмий хулосаларни келтирган. Молиявий рискларга нисбатан муаллифлик тарифини беради: “молиявий риск деганда – молия операцияларини амалга ошириш натижасида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олмаслик, керакли имкониятлардан тўғри фойдаланмаслик ва бир қанча бошқа омилларнинг таъсири натижасида кутилаётган молиявий даромаднинг кескин камайиш эҳтимоли тушунилади. Ёки қисқача қилиб айтганда, молия операцияларини амалга ошириш натижасида, кутилаётган молиявий даромаднинг бир қанча омиллар таъсири

натижасида камайиши ёки йўқотилиш эҳтимоли тушунилади⁸”. Шунингдек, молиявий рисклари қуйидаги турларга ажратади: валютали (операцион валюта риск, трансляция валюта риси, иқтисодий валюта риси), портфел (тизимли, тизимсиз), фоизли (позицияли фоиз риси, портфелли фоиз риси, иқтисодий фоиз риси) шулар жумласидандир.

1.2-жадвал

Рискларни аниқлашнинг таркиби ва оқибатлари

Босқич	Риск манбаини аниқлаш	Рискни баҳолаш	Устуворликни белгилаш
Таянч фаолият	Умумий келишув.	Риск сифат баҳолаш.	Рисклар харитасини баҳолаш.
	Лойиҳа конфигурациясини аниқлаш.	Риск миқдорий баҳолаш.	Фирма рисклари тўғрисида биринчи ҳисоботни тузиш.
	Лойиҳа иштирокчиларини шакллантириш ва жойлаштириш.	Интервью қилиш.	Муқобиллари билан қиёслаш.
	Материалларни йиғишни бошлаш.	Сифат ва миқдор баҳолашни интеграциялаш.	Ҳисобот сўнгги вариантини тузиш.
	Интервью усулларини танлаш.	Рискни тизимлаштириш.	
	Интервью графигини тузиш.		
Асосий натижалар	Ишлар аниқ режаси.	Рисклар харитаси	Фирма рисклари тўғрисида ҳисобот.
	Лойиҳа иштирокчиларининг аниқ доираси		Рискларни бошқариш тизимини
	Интервьюнинг методик асослари		лойиҳалаш бўйича техник вазифалари

Рус олимларидан М.Круи, Д.Галай, Р.Марк молиявий рискларни иккига ажратишади. Уларнинг кўрсатган таснифига биноан молиявий риск бу бозор

⁸ Мирзаев Ф.И. Молия бозори операциялари рискларини баҳолаш усуллари (кимматли қоғозлар бозори мисолида): и.ф.н. ... автореферат. -Т.: БМА, 2002. – 22 б.

риски ва кредит рискига ажратилади. Ўз навбатида, бозор риси – акциялар баҳоси ўзгариши риси, фоиз ставкалари риси, валюта риси ва товарлар нархи ўзгариши рисидан ташкил топишини, кредит риси эса, операцион риск ва портфел концентрация риси кабилардан ташкил топишини таъкидлаб ўтади⁹.

Молиявий рисклар тўғрисида доц. Д.Р.Рустамов ва тадқиқотчи М.Абдуллаева ўзининг илмий мақоласида илмий хулосаларни келтириб ўтади. Жумладан, Кўплаб молиявий рисклар ичида банк соҳасида қуйидаги энг муҳим рискларни келтиришиб ўтишади¹⁰:

– кредит риси. Банкнинг қарз олувчилар билан тузган шартномасида белгиланган шартларни тўғри қўймаслиги туфайли юзага келиши мумкин бўлган риск.

– баланслашмаган Ликвидлилик риси. банк ўз ликвидлигини таъминлаш учун юқорироқ фоиз ставкаларда ресурслар жалб қилиши ҳолатида юзага келадиган зарарлар риси ҳисобланади.


– бозор риси. Банк активларни шакллантиришда ишлатилган молиявий инструментларнинг бозор котировкалари тебраниши ҳолатида юзага келувчи риск.

– валюта риси. Банкда валюталар курси тебраниши натижасида юзага келадиган зарарлар.

Қайд этиш лозимки, молиявий рисклар дейилганда кўпроқ банк рисклари категориясига ёндашув юзага келиши тадқиқотларда кўзга ташланмоқда. Фикримизча, молиявий рисклар фақатгина банк рискларини эмас, балки молиявий муносабатларни ташкил этишда бевосита иштирок этадиган категорияларни ҳам қамраб олиши зарур.

⁹ Круи М., Галай Д., Марк Р. Основы риск-менеджмент: -М.: Издательство Юрайт, 2019. – 390 с.

¹⁰ Рустамов Д.Р., Абдуллаева М.Х. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида риск менежментидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2018 йил



1.1-расм. Молиявий рискларнинг таснифланиши¹¹

Юқоридаги олимлар томонидан молиявий рискларни гуруҳларга ажратишда молиявий муносабатларни қамраб олишни тўлиқ ўзида акс эттирмаган, деб ўйлаймиз. Ўйлаймизки, молиявий рисклар тизимлаштирилганда қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқдир(1.1-расмга қаранг).

Тадқиқотчи Х.Акбаров ўзининг илмий хулосаларида молиявий рискларнинг замонавий тенденцияларига эътибор қаратган. Унинг хулосаларини ўзига хос жиҳати норасмий молия бозорининг янги тенденцияларига эътибор берилганидир. Унга кўра, “жаҳон валюта тизимидаги янги йўналиш, яъни “Блокчейн” технологияси ва унинг асосидаги криптовалюталарни чуқур ўрганиш давр талабидир. Bitcoin замонавий халқаро молия бозорларининг инновацион таркибий қисми саналади ва ривожланишда юқори салоҳиятга эгадир. Пулларни легаллаштириш, келиб чиқиши шубҳали бўлган пулларни қонунийлаштириш ва тозалаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий масалалар ўз ечимини топса, Bitcoin билан боғлиқ молиявий рисклар ҳам пасаяди, ўз навбатида криптовалютанинг бу тармоғини кейинги ўсишига олиб келади¹²”.

¹¹ Тадқиқотчи томонидан тузилган

¹² Акбаров Х.М. Жаҳон валюта тизимининг ривожланиш босқичлари ва глобал молиявий барқарорлик//Молия ва банк иши электрон илмий журнал. – Т., 2019. - №2, март-апрел. -Б.3-7.

Ўрганишларимиз натижасида молиявий рискларни таҳлил этишда дастлаб уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тизимлаштириш муҳим ҳисобланади. Бизнингча, молиявий рискларни умумий ҳолда фискал, банк, суғурта ва фоиз rischi билан боғлаш мақсадга мувофиқдир. Фискал rischi деганда одатда бюджет сиёсатининг даромадлар ва харажатларини шакллантириш билан боғлиқ хатарларни ўзида акс эттиради. Масалан, бюджетнинг харажатлар сиёсатида маблағларнинг мақсадли ва натижавийликка йўналтирилган ҳолда фойдаланилмаслигини келтиришимиз мумкин.

Тадқиқотчи Т.Атамуродовнинг давлат харидлари борасида олиб борган тадқиқотларида бюджет харажатларидан фойдаланишда юзага келадиган самарасизликни тушунтириб берган. Жумладан, тадқиқотчи давлат харидларини амалга оширишда товар (хизмат)ларни сотиб олиш махсус ахборот порталида жойлаштириладиган техник талаблар умумқабул қилинган мезонларга тўғри келмаслиги бюджет харажатларидан самарасиз фойдаланишга шароит яратишини таъкидлаб ўтади¹³.

Солиқ рискининг мавжудлиги нафақат солиқ қонунчилигини бузилиши билан балки, мавжуд меъёрларни четлаб ўтиш назарда тутилади. Масалан, солиқ қонунчилигига биноан йирик бизнеснинг солиқ юки кичик бизнесга нисбатан юқори бўлиши фирмаларнинг кичик бизнесда фаолият олиб боришини “рағбатлантиради”. Натижада, йирик бизнесга эгалик қилувчилар кичик бизнес мақомида норасмий йирик бизнесни юритишни маъқул кўрадилар. Бу эса, ўз навбатида бюджетнинг солиқли даромадларини ошишига тўсқинлик қилади. Божхона рискининг хусусияти асосан протекционизм сиёсати натижасида юзага келиши мумкин. Масалан, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тариф ва нотариф тўсиқларнинг юзага келиши оқибатида чегарани айланиб

¹³ Атамуродов Т.Т. Давлат харидини ташкил этиш назарий асосларива услубий шарт-шароитлари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019 йил

ўтишлар ёки божхона декларациясини тўғри тўлдирмаслик ҳолатлари вужудга кела бошлайди. Бу эса, божхона рискани юзага келтиради.

Банк рискларини молиявий рискларнинг ичида нисбатан кўп ўрганилган объект сифатида қарашимиз мумкин. Сабаби, ўзбекистонлик олимлар томонидан фискал ёки суғурта рискни билан боғлиқ тадқиқотлар кам амалга оширилган. Шундай бўлсада, тадқиқотчи Ш.Закирходжаева банк ва суғурта компанияларининг ҳамкорлик йўналишларига эътибор қаратиб ўтган. Хусусан, “Суғурта иқтисодиёт молиявий секторининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, турли хилдаги рисклардан ҳимояланиш вазифасини ўтайди ва маълум бир вақтда ноаниқлик рискани камайтириб, банк тизимининг барқарор ривожланишига кўмак беради” деб таъкидлаб ўтади¹⁴. Фикримизча, Ш.Закирходжаева молиявий рискларни олдини олишда икки молиявий институтнинг ҳамкорлик масалаларига тўхталиб ўтган ва унинг истиқболлари тўғрисида илмий хулосалар берган.

Шу билан бирга, рус олимларидан А.Якубова ўзининг тадқиқотларида суғурта ва банк муносабатларига тўхталиб ўтади. Жумладан, банк рискларининг олдини олиш ва унинг оқибатларини юмшатиш мақсадида суғурта муносабатларини банк амалиётида қўллаш юзасидан қарашларини баён этган. Унга кўра, суғурта ихтиёрий ва мажбурий турларга ажратиб кўрсатилади ва мажбурий суғуртага аҳоли омонатларини ҳимоялашни акс эттирувчи суғуртани келтиради. Ихтиёрий суғуртага эса қуйидагиларни киритишни тавсия этади: 1) шахсий суғурта (банк хизматчиларининг соғлигини суғурталаш); 2) мулк суғуртаси (банкнинг моддий ва номоддий активларини суғурталашни ва молиявий (кредит, фоиз, валюта) фаолиятини суғурталашни назарда тутаяди); 3) жавобгарликни суғурталаш (банк ходимларини учинчи шахс олдидаги жавобгарлиги)¹⁵.

¹⁴ Закирходжаева Ш.А. Суғурта ташкилотлари ва тижорат банкларининг ҳамкорлик йўналишларини ривожлантириш истиқболлари//Иқтисод ва молия. – Т., 2015. -№3. – Б. 45-53.

¹⁵ Якубова А.А. Управление банковскими рисками в Российской Федерации посредством страхования: автореферат ... к.э.н. – М.: ФБГОУ ВПО «Государственный университет управления», 2012. – 25 с.

Таъкидлаш лозимки, молиявий рискларнинг таркибида суғурта рисклари ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Тадқиқотларимиз давомида суғурта rischi юзага келишини қайд этиб ўтдик. Шундай бўлсада, масаланинг бошқа жиҳати молиявий рисклар сирасига кирувчи банк рискларининг олдини олишда суғурта муносабатларининг алоҳида хусусиятлари олимлар томонидан қайд этиб ўтилган. Бу борада, юқорида келтириб ўтилган ҳолатлар шулар жумласидандир.

Бу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 14-июлдаги 2696-сонли "Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Банклар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, уларда мавжуд рискларни минималлаштириш масалаларидан бири кредит рисклари, уларнинг сифати ва даражасини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Доц. И.Рабыконинг фикрига кўра, банк рисклари стратегик риск билан боғлиқдир. Шу билан бирга, банк капитали йўқотилиши riskини баҳолаш тизими, банк стратегик рискларини бошқаришни баҳолаш меъёрлари каби кўрсаткичлар назарда тутилади¹⁶.

Шу боисдан, банклар бошқа кредит ташкилотларга нисбатан riskдан кўп ҳимояланувчи ёки қочувчи бўлишлари керак. Бунинг сабаби шундаки, банк бошқа кредиторларга нисбатан ўз маблағи билан эмас, балки жалб қилинган маблағлар, яъни жисмоний, юридик шахсларнинг вақтинча банкда турган маблағлари билан ишлайдилар. Банкнинг кредит бериш имкони у жалб қилган ресурсларга боғлиқ бўлади. Банк ўз навбатида, жалб қилинган маблағларни талаб қилинган вақтда мижозга қайтариб бериш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу имконият эса банк фаолиятида мавжуд рискларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишни тақзо этади .

¹⁶ Рабыко И.Н. Методика оценки управления стратегическим риском банка//Иқтисод ва молия илмий-амалий журнал. – Т., 2018. - №5(113). – Б. 27-32.

Ликвидлилик ва валюта rischi каби иқтисодий категорияларни тадқиқ этилиши кўпроқ кузатилади. Мазкур жиҳатни биз диссертациямизнинг кейинги қисмларида кенгроқ ўрганишга ва муносабат билдиришга ҳаракат қиламиз.

Ўзбек олимларидан, академик С.Гулямов, профессорлар Н.Жумаев ва Д.Рахмоновлар ҳаммуаллифлигида нашр этилган монографияда саводхонлик даражасининг иқтисодий ўсишга таъсири қайд этиб ўтилган. Уларнинг тадқиқотларига кўра, ижтимоий тараққиётнинг омилларига эътибор бериш лозимлиги таъкидланади. Унда ақл ва билимга асосланган омилни алоҳида тадқиқ этишади. Уларнинг хулосаларида, халқнинг (IQ, intelligence quotient – интеллект даражаси) интеллект даражаси коэффиценти бир пунктга ошиши ЯИМнинг киши бошига 229 АҚШ долларга, энг юқори интеллект эгаларининг 5 фоизи доирасида эса 468 АҚШ долларга ортиши асослаб берилган¹⁷.

Таъкидлаш лозимки, саводхонлик даражаси иқтисодий барқарорликда муҳим ўрин тутар экан. Шу боисдан, аҳолининг, айниқса молиячиларнинг билим даражаси молиявий муносабатларни тўғри йўлга қўйилиши ва амалга оширишга имкон беради. Акс ҳолда тушунарсизлик билан боғлиқ бўлган хатарлар юзага келади ва иқтисодий хавфсизлик нобарқарор ҳолатга келиши мумкин.

Умуман олганда, аҳолининг молиявий саводхонлиги юқорида санаб ўтилган молиявий рискларни юзага келишида таъсир этувчи омиллардан бири бўлиб қолади. Мисол учун, солиқларнинг ўз вақтида тўланмаслиги, солиқ тўғрисида тасаввурнинг онгли тарзда шаклланмаганлиги ёки банкдан кредитлар олишда молиявий хизматлардан оқилона фойдалана олмаслик ҳолатлари юзага келишни бошлайди.

Фикримизча, молиявий рискларни бошқаришни таъминлашда уларнинг хусусиятларини, юзага келиш сабабларини, муддатларини ва таъсир

¹⁷ Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. –Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 335 б.

даражаларини инобатга олишни аниқлаш ва баҳолашни жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Риск турлари бир – бири билан боғлиқ бўлиб, улар фаолиятига турли даражада таъсир кўрсатади. Бу ҳолат рискларнинг олдини олиш бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқиш ва рискнинг аниқ бир турларини таҳлил қилиш, уларни юзага келиш сабабларини аниқлашни қийинлаштиради.

Риск билан боғлиқ барча даромад ва харажатларни аниқлаш жараёни ҳамда уни пасайтириш мақсадида чора тадбирлар ишлаб чиқиш ва қарор қабул қилиш рискни бошқариш деб аталади. Шу нарса муҳимки, барча чора тадбирлар риск ҳодисалари содир бўлишидан олдин ёки айна ўша пайтда қўлланилган бўлиши керак.

Рискларни бошқариш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- рискни аниқлаш.
- рискни бошқариш.
- рискни камайтириш чораларини ишлаб чиқиш.
- рискни камайтириш чораларини танлаш.
- натижани баҳолаш.

Рискни аниқлаш субъектнинг асосан қандай рискларга кўпроқ таъсирчан эканлигини аниқлаш ва улар орасидаги боғланишни топишдан иборатдир.

Умуман олганда, рискларни баҳолаш учун сифат ва миқдор жиҳатдан ёндашувни амалга ошириш мумкин. Сифат таҳлили – бу рискларнинг манбалари ва потенциал риск ҳудудлари омилларини аниқлашга қаратилган таҳлили бўлиб, ҳар бир банк rischi ихтисослашуви рўйхати ва омилларини аниқ шакллантириш орқали ўз ифодасини топади.

Миқдор жиҳатдан таҳлил – бу рискни сон жиҳатдан тизимлаштириш бўлиб, унинг даражасини шакллантиришни акс эттиради. Ўз навбатида, миқдорий таҳлил таркибига қуйидагилар кириши мумкин:

- риск даражасини аниқлаш мезонларини танлаш;

– алоҳида рисклар бўйича банклар учун йўл қўйилиши мумкин бўлган рисклар таркибини аниқлаш;

– маълум усуллардан фойдаланган ҳолда рискнинг ҳақиқатдаги даражасини аниқлаш;

– истиқболда рискнинг ошиш ёки камайиш имкониятларини баҳолаш.

Ҳар қандай рисклар даражасини аниқлаш умумий ёки ихтисослашган баҳолаш мезонларидан фойдаланиш мумкин.

Умумий мезонлар деганда макроиктисодий кўрсаткичларнинг мажмуавий таҳлилидан келиб чиқиб шаклланадиган ҳолатни айтиш мумкин. Ихтисослашган баҳолаш мезони эса, молиявий рискнинг айнан хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Бунга мисол сифатида, валюта рискин баҳолашда унинг курсига таъсир қилувчи омилларни тизимлаштирган ҳолда аниқланади. Айтайлик, валюта биржасида ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанати – бу валюта курсига таъсир этувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади ва бу рискни баҳолашда инобатга олиниши мақсадга мувофиқдир. Ушбу омилларни корхонанинг маҳсулотлар реализацияси билан иқтисодий рискни баҳолашда фойдаланиш имкони мавжуд эмас. Шу сабабли ихтисослашган ёндашувни рискларни аниқлаш ва баҳолашда муҳим рол ўйнайди.

Хулоса қилиб айтганда, рисклар ва уларни юзага келиши иқтисодий воқелик бўлиб, уни вужудга келмайди деган ғояни илгари сурилиши мақсадга мувофиқ эмас. Шу боисдан, рискларни бошқариш самарадорлигини оширишда рискларни аниқлаш, баҳолаш ва тизимлаштирилган ҳолда бошқарув стратегия, усулларини ишлаб чиқиб амалиётга жорий этиш молиявий зарурий омил ҳисобланади.

1.2. Банк фаолиятида рискларнинг тавсифи ва уни бошқариш усуллари

Айни вақтда бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсирида вазият шундай шаклланиши мумкинки, бунда қўрилган барча чора-тадбирларга

қарамасдан, фақат кредитни ундириш стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин эмас. Кредитларни бериш шартларини турлича эканлиги ва муаммоли ссудаларнинг юзага келишидаги шароитларнинг бир хилда эмаслиги ҳар бир муаммоли ссудага индивидуал ёндашувни талаб қилади. Аммо шунга қарамасдан муаммоли кредитларни ундириш юзасидан умумий тизим ишлаб чиқилиши лозим. Шуниси характерлики, кредитни ундириш стратегиясини миждоз аҳволини олдиндан таҳлил қилмасдан туриб, аниқлаш мумкин эмас.

Шу боисдан миждознинг молиявий аҳволини баҳолаш ва вазиятини келгусида ривожланиш прогнозини ишлаб чиқиш зарур.

Шуни тушуниш керакки, рискни бошқариш маҳорати илмий асосланган қарорлар қабул қилиниши билан боғлиқдир. Бу қарорлар ҳозирги шароитда мавжуд бўлган энг фойдали ва аниқ ахборотларга асосланган бўлиши керак. Амалиётда тор хулосалар билан узоқни кўзлаб қилинган қарорлар натижалари ўртасидаги фарқни аниқлаш мумкин бўлмайди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, республикамизнинг йирик тижорат банкларида кредитларнинг асосий қисмини маълум тармоқларга мансуб корхоналарда тўпланганлиги кузатилмоқда. Бундан ташқари, кредитларни айрим мулк шаклидаги миждозларда тўпланиши банк учун юқори кредит рискини вужудга келтиради. Масалан, давлат корхоналарининг мулк шакли ўзгариши билан унга берилган кредитни қайтаришда жиддий муаммолар юзага келиши мумкин.

Фикримизча, тижорат банклари кредит портфели диверсификациясини кенгайтириш ва кредит қўйилмаларидан самарали фойдаланиш банкларни универсаллаштиришда ва рақобатбардошлигини оширишда ёрдам беради ҳамда кредит рискини пасайтиришни таъминлайди. Банк ликвидлигини бошқаришда ва Марказий банк томонидан иқтисодий нормативга риоя этиш мақсадида жалб қилинган ва жойлаштирилган маблағларни муддати бўйича диверсификация қилиш натижасида, ўз кредит операцияларини режалаштиришга ёрдам беради. Бу билан тижорат банки зарур бўлган ликвидлилик даражасини таъминлаган ҳолда максимал даражада юқори

даромадга эришади. Кредит портфелини шакллантириш жараёни оптимал кредит сиёсатини аниқлаш нуктаи-назаридан унинг диверсификацияланишини кўзда тутлади. Кредитларнинг бир неча мижозлар ичида жамланиш даражаси ва кредитлашнинг умумий ҳажмининг ошиши билан банк кредит риси хам ўсиб боради.

Шунинг учун банклар доимо бир-биридан мустақил бўлган кўп сонли мижозларга озроқ ҳажмдаги кредитларни тақдим қилишга ҳаракат қилишлари лозим. Бундан ташқари, кредитларни қуйидаги йўналишлар бўйича диверсификациялашлари мақсадга мувофиқдир:

Банк рисклари қаторида кредит рискларининг сезиларли аҳамияти борасида Х.Отамуродов хам ўзининг илмий ишларида келтириб ўтади. Унинг фикрига кўра, тижорат банки кредит портфелини бошқаришнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкинлиги қайд этиб ўтилади¹⁸:

- кредит риси даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш;
- кредитларни риск гуруҳлари бўйича таснифлаш;
- кредит портфелини кредит рисклари, мижозлар таркиби ва кредитлар таркиби бўйича оптималлаштириш;
- қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини ва унинг молиявий аҳволининг кредит рискинни прогноз қилиш мақсадида ўзгариши эҳтимолини аниқлаш;
- муаммоли кредитларни олдиндан аниқлаш;
- яратилаётган захиранинг етарлилигини баҳолаш ва уни ўз вақтида тўғрилаб бориш;
- кредитларни диверсификация қилишни, уларнинг ликвидлилигини ва даромадлилигини таъминлаш;

¹⁸ Отамуродов Х. Тижорат банклари кредит портфели ва уни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2017 йил

– банкнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни кредит портфелининг сифати таҳлилига асосланган ҳолда тўғрилаб бориш ва бошқалар.

Банк рискларини олдини олишнинг яна бир усули – бу рискларни диверсификацияси. Бошқача айтганда, риск юзага келувчи фаолиятларни горизонтал ва вертикал тарзда кенгайтиришни назарда тутати. Банк хизматлари турларини кўпайтириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш;

– банк фаолияти қонунчилигини замонавий шароитларга мослаштириб бориш;

– банкларнинг капиталлашув ва молиявий барқарорлигини ошириш.

Уларнинг ресурс базасини кўпайтириш учун аҳоли жамғармаларини ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банклардаги муддатли омонатларга жалб қилиш ва молия бозорини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўриб чиқиш зарур. Тижорат банкларининг актив ва пасивларини бошқаришнинг замонавий усулларида фойдаланган ҳолда ликвидлилигини таъминлаш чоралари кўрилиши керак.

Таниқли иқтисодчи олим О.Лаврушин “Банк rischi эҳтимолий ҳодисанинг қиймат ўлчови бўлиб, у йўқотишларга олиб келади¹⁹” деган хулосани беради. Риск ҳамма вақт ҳам йўқотишларга олиб келмаслиги мумкин. Ҳар бир хўжалик субъекти ёки жисмоний шахс бирор рискли фаолиятни амалга оширишни мўлжаллаганда, у доимо юқори фойда олишни мўлжаллайди. Шунинг учун биз бу фақат йўқотишларга олиб келади, деган фикрга тўлиқ қўшилмаймиз.

Яна бир рус иқтисодчиси Г.Панова “Риск қутилмаган ҳодисалар юзага келганида йўқотиш хавфи ёки имкониятидир²⁰” деб таъриф беради. Г.Панова ўз таърифида икки асосий йўналишни асослаб берган. Биринчидан, проф. О.Лаврушиннинг риск тўғрисидаги фикри билан ўхшаш бўлиб, у ҳам риск

¹⁹ Лаврушин О.И. Банковское дело. - М.: Финансы и статистика. 2001. – 342 с.

²⁰ Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. - М. ИКС “ДИС”, 1997. - с. 186.

йўқотишларни ифодалайди, деб таъкидласа, иккинчидан, риск бу қутилмаган ҳодиса эканлигини қайд этади.

Банк рисклари бўйича ўзбекистонлик етакчи олимлардан профессор Ш.Абдуллаева²¹ ўзининг илмий асарларида банк рисклари тўғрисида илмий хулосалари шакллантириб берган. Банк rischi – банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида маблағлардан фойда ололмаслик эҳтимоли юзага келган ҳолда ҳам ижобий натижага умид боғлаб банк операцияларини амалга ошириш тушунилади, деб тарифлаб ўтади.

Банк рискнинг юзага келишида қуйидагилар сабаб бўлиши таъкидланади:

- бозорни яхши ўрганилмаганлиги;
- ресурсларни жалб этиш ва уларни жойлаштириш соҳасида маълумотларнинг етарли эмаслиги;
- кредитланадиган объект, лойиҳа ва субъектларнинг молиявий аҳволи тўғрисида маълумот ва ахборотларнинг тўлиқ эмаслиги;
- тармоқ фаолияти хусусиятларининг инобатга олинмаслиги;
- банк маълумотларидан фойдаланувчи субъектлар ёки мижозларнинг иқтисодий билимларнинг етарли эмаслиги.

Ш.Абдуллаева рискларни бошқаришда қуйидаги тамойилларга риоя этишни тавсия этади:

- ўз капитали миқдоридан ортиқ суммага риск қилмаслик;
- рискларни сифат жиҳатдан баҳолаш, уларнинг оқибатларини ўйлаш ва зарарларни қоплаш манбаларини прогноз қилиш;
- рискларни камайтиришни рағбатлантириш ва уларни молиялаштириш;
- кам даромад олиш шароитида юқори риск қилмаслик;
- банкнинг барча бўлимларида рискларни назорат қилиш.

Профессор Н.Каримов ўзининг тадқиқотида тижорат банкларида фойдани шакллантириш муаммолари ва rischi бўйича илмий хулосаларни

²¹ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш: и.ф.д. ... автореферат. – Т.: БМА, 2000. – 46 б.

ишлаб чиққан. Тижорат банкларида рискларни юзага келишида қуйидаги сабаблар асосий омиллардан бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади²²:

– универсал банкларнинг қайта ташкил топиши, рақобат туфайли бозор структурасидаги ўзгариш, иш режимининг ўзгариши, миждозларни аниқ белгиланиши;

– пул ва рақобат сиёсати натижасида ташқи омилларнинг ўзгариши;

– нархларнинг ошишиш, хизматлар сонининг қисқариши;

– банк харажатларининг ортиши;

– риск ва унинг таркибини ўзгариши;

– иқтисодий ўсиш тенденциялари шароитида бошқа ўзгаришлар;

Ушбу олим тадқиқотлари давомида рисклар даражасини пасайтириш учун эса, қуйидагиларни эътиборга олишни тавсия этади:

– юқори рискли операцияларни амалга оширмаслик;

– рискларни бошқариш орқали даражасини пасайтириш;

– банк баланси бўйича рисклар ҳисобини юритиш.

Банклар фаолиятининг риск билан боғлиқ бўлиши харажатлар, зарарлар ва йўқотишлар доимий учраб туришини ва улар банк амалиётининг кундалик мониторингида бўлишини тақоза қилади. Банкларда харажатларнинг бўлиши, зарар ёки йўқотишлар булар ўз-ўзидан риск ҳисобланмайди. Бу тушунчаларнинг ҳар бири ўзининг мазмун моҳиятига эга.

Банкнинг зарар кўриши, банк фаолиятида учрайдиган рискларнинг олдини ололмаслик, уни четлаб ўтолмаслик натижасида юзага келади. Банк фаолиятида рисклар келажакда амалга ошириладиган операцияларни олдиндан таҳлил қилмаслик, ҳолатни яхши ўрганмаслик, маблағларни самарали жойлаштирмаслик, бозор имкониятларига тўғри баҳо бермаслик натижасида юзага келиши мумкин. Зарарларнинг юқори бўлиши банкларда катта йўқотишлар бўлишига олиб келади.

²² Каримов Н.Ф. Риски и проблемы формирования прибыли коммерческих банков: автореферат ... к.э.н. – Т.: БФА, 1998. – 23 с.

Т.Қоралиев ва Э.Қодиров банкларда рискларни пайдо бўлишига ахборот технологияларининг соҳага кириб келиши билан боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтади. Бу борада, давлатлар ўртасида халқаро ҳисоб-китобларнинг амага оширилиши, жумладан, валюта-кредит ва молиявий сиёсатнинг мураккаблашиши билан боғлаб изҳоланади. Хусусан, “интернет банк” категориясининг пайдо бўлганлиги натижасида халқаро пул оқимларини бошқариш регламентидаги камчиликлар ва бўшлиқлар туфайли банк рисклари ривожланаётганлиги таъкидлаб ўтилади. Натижада эса, жиноий даромадларни ҳам легаллаштиришга бўлган уринишларнинг сезиларли ўсаётганлигини кузатиш мумкинлиги қайд этилади²³.

Профессор Т.Бобокулов банк фаолиятидаги рискларни таҳлил этиб валюта муносабатларига эътибор қаратади²⁴. Тижорат банкларининг очик валюта позицияларини Марказий банк томонидан тартибга солишдаги фаолиятини ривожлантиришни тавсия этади. Хусусан, Марказий банк очик валюта позицияларининг ҳажмини кунлик тарзда назорат қилиб туришини таклиф этади. Мазкур ҳолат банкларда валюта rischi билан боғлиқ жараёнларни юмшатишга шарт-шароит беради.

Бизнингча, банк рискларини юзага келишида ахборот технологияларининг ривожланиши ва уларни жадал тарзда банк тизимида жорий этилиши рискларни келтириб чиқарса, бошқа жиҳатдан валюта рисклари ҳам банк рискининг ажралмас қисмларидан бири ҳисобланади.

Банк рискларини ўрганилган тадқиқотларни таҳлил қилар эканмиз, унда ликвидлилик рискига албатта эътибор қаратилганлигига дуч келамиз. Хусусан, профессор А.Абдуллаев ўзининг илмий асарларида банк рискларига доир илмий хулосаларни келтиради²⁵. Унинг фикрига кўра, ликвидлилик рискини бошқаришнинг усуллари таркибига ГЭП таҳлили, стресс-тест

²³ Қоралиев Т., Қодиров Э. Халқаро ҳисоб-китоблардаги рискларни бошқариш масалалари//Молия журнали. – Т., 2014. - №3. – Б.52-55.

²⁴ Бобокулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммо ва ечимлар. -Т.: Фан ва технология, 2007. – 184 б.

²⁵ Абдуллаев А. Тижорат банкларининг ликвидлик рискини бошқариш//Бозор, пул ва кредит журнали. – Т., 2017. - №10. – Б.36-41.

таҳлили, сценарий таҳлили, коэффициент таҳлили кабиларни киритиш тавсия этилган. Шу билан бирга, тижорат банкларида ликвидлилик рискени бошқаришнинг қоидалари сифатида қуйидагиларга эътибор қаратилади:

– банкда ликвидлилик рискининг юзага келиши зарурлигини англаш. Банк томонидан ликвидлилик рискининг юзага келиши манбаларини тўлиғича бартараф этишда жавобгарликни ҳис қилиш ҳамда мазкур риск пайдо бўлишига йўл қўйилганлигини англаб етиш лозим;

– банкда ликвидлилик рискининг бошқарувчанлиги. Банк томонидан ликвидлилик рискининг бошқарувчанлиги қабул қилинади ва у бошқаришга лаёқатли бўлганлиги сабабли бошқарув қарорларини қабул қилиш орқали ликвидлилик рискени минималлаштиради;

– банкда ликвидлилик рискени миқдорий баҳолаш. Банк ликвидлилик рискининг юзага келишини баҳолашга доир ички меъёрий ҳужжатлар ва усуллар ёрдамида ликвидлилик рискининг юзага келишини баҳолаш имкониятига эга.

Банкнинг ликвидлилик риски билан боғлиқ ҳолатларни ўрганган тадқиқотчилардан М.Тожиев²⁶ ўзининг мақоласида мажбуриятларни бажариш учун банк ликвидлилик рискининг олдини олишда қуйидаги ликвид активлардан фойдаланишини таъкидлаб ўтади: пулли ва бошқа активлар, активларни сотиш, банклараро бозорлардан ёки Марказий банкдан зудлик билан олиниши мумкин бўлган кредитлар. Тадқиқотчи ликвидлилик риски мажбуриятлар бўйича маблағларни таъминлаб бера олмасликни англантишини қайд этади. Шунингдек, М.Тожиевнинг бошқа бир мақоласида банк операциялари хусусиятига кўра рисклар: балансга кирувчи операцион рисклар, балансдан ташқари операцион рисклар ва молиявий хизматларни амалга ошириш билан боғлиқ рискларни гуруҳларга ажратиб беради²⁷.

²⁶ Тожиев М.М. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш риск бошқарувининг муҳим омили сифатида //Иқтисод ва молия илмий-амалий журнал. – Т., 2018. - №7(115). – Б. 14-17.

²⁷ Тожиев М.М. Банк рисклари ва уларни бартараф қилишнинг долзарб масалалари//Иқтисод ва молия илмий-амалий журнал. – Т., 2018. - №8(116). – Б. 14-17.

Ликвидлилик рискинни ўрганган тадқиқотчилардан Ж.Мажидов тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискинни ўрганади. Унинг фикрига кўра, ликвидлилик риски 2 хил кўринишда бўлиши таъкидланади²⁸:

- тижорат банкининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида ортиқча пул маблағларининг тўпланиб қолиши;
- банкларнинг вакиллик ҳисобрақамларида пул маблағларининг етишмаслиги.

Таниқли иқтисодчилар таъкидлаганидек, банк фаолияти ҳар томонлама риск билан боғлиқ бўлиб, “банк берган кредит ўз вақтида қайтадими? Кейинги ойлар кесимида депозитлар салмоғи ошадими? Банк акциясининг баҳоси ошганлиги сабабли банк фойдаси ошадими? Келгусида аҳамиятли бўлган фоиз ставкалари қанақа бўлади, улар банк фойдасига қандай таъсир кўрсатади?”, каби эҳтимоллар билан боғлиқ фаолият олиб боради. Шу ҳолатларнинг таҳлилини ҳисобга олган ҳолда маблағларни инвестиция қилади, ижобий натижага эришишни мақсад қилиб кўяди.

Тижорат банклари фаолиятида активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги ўзаро номувофиқлик турли даражадаги молиявий нобарқарорликларни юзага келтиради. Мазкур тенденциянинг мавжудлиги ва унинг салбий жиҳатлари тўғрисида тадқиқотчи И.Жўраев қуйидаги фикрларни келтириб ўтади²⁹:

- ресурслар самарадорлигини пасайтиради ва уларни бошқаришда муаммолар келтириб чиқаради;
- банкларда трансформация рискинни вужудга келтиради;
- банкларда ликвидлик ва уни таъминлаш бўйича қийинчиликлар юзага келади;
- банкларнинг харажатлари ошади ва молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади;

²⁸ Мажидов Ж. Тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискинни бошқаришнинг такомиллаштириш йўллари//Молия журнали. -Т., 2017. -№4. – Б.57-61.

²⁹ Жўраев И.И. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш: и.ф.б.ф.д. (PhD) диссертация автореферати. – Т.: ТМИ, 2020. – 56 б.

– банкларнинг даромадлари ва фойдаси камайиши натижасида банкка бўлган ишонч ва қизиқишлар ҳам камаяди.

Хулоса қилиб айтганда, ликвидлилик rischi банк рискларининг муҳим қисмларидан бири бўлиб юзага чиқмоқда. Шу нуқтаи назардан мазкур категория сезиларли аҳамиятга эга деган фикрга келиш мумкин.

Фикримизча, банк rischi молиявий рискларнинг бир қисмини ташкил қилиб, банк билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги молиявий муносабатларга таянади. Банк рискларининг моҳиятини тадқиқ қила туриб, биз банк фаолиятида юзага келувчи рискларни ўзига хос хусусиятлари мавжуд, деган фикрни билдирмоқчимиз.

Банк рискларини ўрганган тадқиқотчилардан Д.Нафасов ўз изланишларида банк рискларини бир нечта турларга ажратган³⁰. Хусусан, банк фаолияти билан боғлиқ рисклар ва боғлиқ бўлмаган рискларга ажратиб беради. Банк фаолияти билан боғлиқ рискларга – кредит, ликвидлилик, операцион, мажбурият кабиларни киритса, боғлиқ бўлмаганларига бозор rischi, ташқи рискларва ижтимоий-иқтисодий рискларни киритиб ўтади. Шунингдек, банк рискларини бошқариш усулларига: рискнинг олдини олиш, рискни меъёрлаш, рискни диверсификация қилиш ва риск ҳимояланиш кабиларни келтиради. Д.Нафасовнинг ҳам илмий хулосаларида ликвидлик, кредит ва операцион риск кабилар банк рискининг муҳим таркибий қисми эканлиги қайд этиб ўтилмоқда.

Ф.Насриддиновнинг тадқиқотларидан фарқли тарзда ушбу тадқиқотчи банк рискларини банк фаолияти билан боғлиқ бўлган ва бўлмаган рискларга ажратганлиги сезиларли аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, бизнингча банк рискларини фаолиятга боғлаб ўрганиш зарур деб ҳисоблаймиз. Ф.Насриддинов рискларни бошқариш даражаси ва уларнинг зарар келтириш миқёси билан баҳолаб хулосаларни шакллантириб берган.

³⁰ Нафасов Д.Б. Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. (PhD) диссертация автореферати. – Т.: ТМИ, 2017. – 56 б.

Доцент Ф.Насриддинов ўзининг монографик ўрганишларида банк рискларини тизимлаштирган ҳолда тушунтириб берган³¹. Хусусан, “банк рискларини бошқариш тизими кредит ташкилотини ташқи ва ички таҳдидлар таъсиридан ҳимояловчи ҳамда қонунчилик меъёрлари доирасида амал қилувчи, ўзаро муносабат ва алоқаларда муайян яхлитликни ифода этувчи элементлар мажмуини ташкил этади”-деб, қайд этади.

Шунингдек, тадқиқотчи Ф.Насриддинов банк рискларининг ўзига хос асосий белгиларини баҳолашни таклиф этади ва уларни тизимлаштирган ҳолда кўрсатиб беради .

1.3-жадвал

Банк рискларининг ўзига хос асосий белгиларини баҳолаш

№	Риск тури	Амалга ошиш эҳтимоли	Зарар миқдори	Бошқарилиш даражаси
1.	Кредит rischi	юқори	юқори	ўрта
2.	Валюта rischi	юқори	юқори	паст
3.	Ликвидлилиқ rischi	паст	паст	юқори
4.	Операцион риск	юқори	ўрта	юқори
5.	Мамлакат rischi	юқори	юқори	паст
6.	Ҳуқуқий риск	паст	паст	паст
7.	Мавқенинг пасайиш rischi	юқори	юқори	паст
8.	Стратегик риск	ўрта	юқори	юқори

Фикримизча, банк рисклари гуруҳларга ажратилган ва уларнинг таъсир этиш даражаси ҳам ўзаро фарқли тарзда кўрсатиб берилган. Мазкур тизимлаштирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бошқарилиши юқори бўлган рисклар банк фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эканлигига эътибор бериш лозим. Айтайлик, кредит rischi бошқарилиши ўрта

³¹ Насриддинов Ф.Н. Тижорат банкларида риск-менежмент тизимини такомиллаштириш йўллари: и.ф.н. ... автореферат. -Т.: ТДИУ, 2012. – 26 б.

даражада бўлиши уни бошқариш имконини билвосита эканлиги, сабаби кредит олувчи кредитни бошқаришни ўз ихтиёрида қолиши билан изоҳланади. Шу боисдан, банк фаолият билан боғлиқ бўлмаган рискларни бошқаришни тўлиқ назорат қилиш имкони юқори эмас. Шу билан бирга, ликвидлилик рискнинг бошқарилиши юқори бўлишига сабаб уни бевосита банк фаолияти билан боғлиқ эканлиги билан ифодалаш мумкин (1.3-жадвалга қаранг).

Бизнингча, банк рискларини бошқариш методларининг айрим камчиликлари тўғрисида олиб борилган тадқиқотларда кўплаб хулосалар келтирилган. Шунини таъкидлаш лозимки, банк рискларини аниқлаш ва баҳолаш жараёнидан келиб чиқиб бошқариш усулларининг фақатгина биттасидан фойдаланиш самарали бўлмаслиги мумкин экан. Шу боисдан, банк рискларини бошқаришда бир неча усуллардан тизимли фойдаланиш орқали қарорлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кредит рисклари тўғрисида олиб борилган тадқиқотларга эътибор берсак бошқача ёндашувни кўриш мумкин. Тижорат банкларида ипотека кредити рискни баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида Э.Муминова ўзининг монографик тадқиқотида хулосаларни баён этган. Унинг фикрига кўра, ипотека кредити рискни бошқаришга таъсир этувчи омилларни ташқи ва ички омилларга гуруҳланади. Ички омилларга банкнинг кредит сиёсати, кредит олувчи молиявий фаолиятининг таҳлили, кредит ҳужжатларининг етарлилиги, гаров қиймати ва бошқалар. Ташқи омилларга қарз олувчининг молиявий ҳолати, ҳукуматнинг сиёсати ва мамлакатдаги макроиқтисодий ҳолат, фонд ва молия бозорларидаги ўзгаришлар каби ҳолатлар келтириб ўтилади³².

Бизнингча, кредит рискнинг ички омилларга боғлиқ тарзда эканлиги таъкидланган бўлсада, унинг тўғри қарорлар асосида берилиши уни тўлиқ рисклардан ҳоли қила олмаслиги маълум. Сабаби, кредит олувчи кредитни олгандан сўнг маблағларни ўзлаштиришда юқори молиявий саводхонликка эга бўлмаслиги банк учун хатарларни келтириб чиқаради, деб ўйлаймиз.

³² Муминова Э.А.Тижорат банкларида ипотека кредити рискларини бошқаришни такомиллаштириш: и.ф.н. ... автореферат. -Т.: БМА, 2011. – 22 б.

Рискни баҳолаш усулларининг камчиликлари

Рискни баҳолаш моделлари	Камчилик мазмуни
Оптималь портфель назарияси модели	– “валютанинг даромадлиги” тушунчасини аниқлашнинг қийинлиги; – қисқа муддатли даврий оралиқларнинг зид келиши; – вақт омилининг ҳисобга олинмаслиги; – ҳисоб-китобларни амалда қўллаш чекланганлиги.
SARМ модели	
Блек-Склоуз модели	– активларни харид қилиш ва сотишда баҳо шаклланишига алоҳида ёндашув талаб этилади; – қисқа муддатли даврий оралиқларда рискларни баҳолашнинг ноаниқлиги; – рискни баҳоланган миқдорининг амалда қўллаш қийинлиги.
VaR модели	– валюта курси ҳаракатининг йўналишини ҳисобга олмайди;
Shortfall модели	– кутилаётган зарарларга мос равишда олинмаган даромадни ҳисобга олмайди; – инвесторга ноаниқ ва тўлиқ бўлмаган маълумотларни беради; – қўшимча портфель ости хусусиятларни ҳисобга олмайди.

Д.Ибрагимов тижорат банкларида рискларни баҳолашда валюта рискларига эътибор қаратишни тавсия этади. Рискни баҳолашга қаратилган моделларни таҳлил этади ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида хулосаларни асослаб беради. Жумладан, У томонидан рискни баҳолаш усулларининг камчиликлари сифатида кўрсатиб ўтади (1.4-жадвалга қarang)³³:

Д.Ибрагимов ўзининг тадқиқотиغا асосланиб, рискларни бошқариш имкониятларини таҳлил этиб ўтган. Бизнингча, келтириб ўтилган усулларни

³³ Ибрагимов Д.Р. дилинг операцияларини амага оширишда валюта рискларини баҳолашни такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. ... автореферат. -Т.: БМА, 2010. – 26 б.

маълум бир рискни аниқлаш ва баҳолашда камида иккитасидан фойдаланиш ўзининг ижобий натижасини беради. Шунингдек, рискларни бошқаришда асосли хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Тижорат банклари фаолиятида фоиз рискни ўрганган тадқиқотчилардан О.Абдурахмоновнинг ҳам хулосалари рискни бошқаришда ўзига хос аҳамиятга эга. Жумладан, “тижорат банки фаолияти самарадорлигини ошириш ва фоиз rischi омилини камайтириш мақсадида банклар томонидан мақсадли давлат дастурлари ҳамда мусаффо ривожланиш механизми доирасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларига ажратилган кредитлар борасида олинadиган даромадларни солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташлаш, банклар томонидан жалб қилинган депозитларга тўланадиган фоиз миқдори иқтисодиётдаги кетаётган инфляция ва инвестицияларни муқобил вариантларидан олинаётган даромадлилик даражасини қатъий ҳисобга олган ҳолда ўрнатилиши мақсадга мувофиқлиги³⁴”ни аниқлаб берган.

Ўйлаймизки, О.Абдурахмонов банк рискларини бартараф этишда солиққа тортиш механизми орқали амалга оширишни таклиф этади. Унга кўра, давлат дастурларини бажаришда олинadиган даромадларни солиқдан озод қилиш орқали натижаларни мустаҳкамлашни тавсия этган. Шунингдек, депозит сиёсатини ишлаб чиқишда инфляция ва молия бозори даромадлигини инобатга олишнинг муҳим элемент эканлигини таъкидлаб ўтади.

Инфляциянинг рискка таъсири тўғрисида В.Пшениников фикрларини баён этади. У ўзининг тадқиқотларида банк рискнинг табиати тўғрисида қарашларни келтиради. Инфляция ва фоиз ставкалари ўзгариши натижасида молиявий йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида банк амалиётига

³⁴ Абдурахмонов О.Б. Фоиз rischi ва уни минималлаштириш йўллари: и.ф.н. ... автореферат. -Т.: БМА, 2007. – 22 б.

молиявий қўйилмаларнинг самарадорлигини кўрсатиб берувчи соф жорий қиймат методини жорий этишни таклиф этади³⁵.

Тижорат банклари фаолиятида кўплаб рисклар қаторида аудиторлик rischi ҳам ўрганилган бўлиб, унинг алоҳида турлари ва аҳамияти тадқиқотчи Н.Идиев томонидан баҳолаб берилган³⁶. Унга кўра, “Аудиторлик riskини тўлиқ бартараф этиш мумкин эмас, шу сабабли, аудитни режалаштириш жараёнида турли хилда бўлиши мумкин бўлган омилларни ҳисобга олиш орқали рискларни имкони борича камайтиришга ҳаракат қилинади”. Умумий аудиторлик riskи қуйидаги турлардан иборат эканлиги қайд этиб ўтилади: ички хўжалик riskи, назорат riskи, топа олмаслик riskи.

Умуман олганда, риск банк фаолиятининг ажралмас бўлаги эканлигини таъкидлаш лозим. Шу боисдан, банк ўз фаолиятида илмий асосланган ҳолда рискларни назорат қилса, чегаравий қийматларига мувофиқлаштира ва ўзининг молиявий компетенцияси доирасида бўлишига эришса барқарорликни таъминлаган бўлади. Молиявий хизматларни юқори рентабеллиги туфайли банклар катта маблағларга эга бўлиши мумкин, агарда зарарлардан ҳоли тарзда вазиятни бошқарса.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида банк рискларини бошқариш тизими тўғрисида хулосаларни шакллантиришга ҳаракат қилдик. Банк рискларини бошқариш тизими – бу банк фаолиятининг ноаниқлик шароитида ижобий молиявий натижаларга эришиш учун банк ходимининг усул ва методларни қўллаган ҳолдаги мажмуи деб қараш мумкин. Шунингдек, бўлиши мумкин бўлган рискларни башоратлаш ва унинг салбий таъсирини олдини олишга қаратилган чораларни амалга оширишни ўзида акс эттиради.

Мазкур тизим турли мезонлар билан ифодаланиши лозим. Биз банк рискларининг турига биноан уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

– кредит riskини бошқариш;

³⁵ Пшеничников В.В. Природа банковских рисков и пути их снижения автореферат ... к.э.н. – Т.: БФА, 2000. – 23 с.

³⁶ Идиев Н,Ф, Тижорат банклари аудиторлик рискларини баҳолашни такомиллаштириш: и.ф.н. ... автореферат. -Т.: БМА, 2011. – 22 б.

- балансланмаган ликвидлик рискни бошқариш;
- фоиз рискни бошқариш;
- операцион рискни бошқариш.

Қайд этиб ўтилган рискларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, унга кўра банклар даражасида рискларни бошқариш, молиявий марказлар даражасида ва мижозлар, банк маҳсулотлари миқёсида рискларни бошқариш кабиларга ажратилади. Келтирилган мезонлар доирасида банк рискларини бошқариш технологияси қуйидаги элементлардан ташкил топиши мумкин:

- рискни минималлаштиришга қаратилган банк фаолияти стратегиясини танлаш;
- рискни юзага келишини кузатиш тизимини ишлаб чиқиш;
- банкни рисклардан ҳимоя этиш тизимини танлаш.

Банк фаолиятида стратегияни танлаш банк хизматлари бозори ва алоҳида сегментлари хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади. Ўз навбатида, янги хизматларни янги мижозлар бозорига олиб чиқиб сотиш стратегиясига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Рискни минималлаштириш тизими уни аниқлаш ва баҳолаш, мониторинг қилиш кабиларни ўз ичига олади.

Банкни рискдан ҳимоя қилиш жорий ҳолатда рискни бошқариш ва уни минималлаштириш методлари билан ифодаланади. Рискни жорий бошқариш кўрсаткичларни критик нуқтасидан узоқлаштиришга қаратилган банк операциялар бўйича тезкор қарорларни қабул қилиш билан амалга оширилади.

Ниҳоят, рискларни бошқариш жараёни қуйидаги бошқарув элементларни бўлишини назарда тутаяди:

- бошқарув субъекти;
- рискни аниқлаш;
- риск даражасини баҳолаш;
- рискни мониторинг қилиш.

Рискларни бошқариш субъекти банкнинг тузилиши ва ҳажми билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, барча банклар учун қуйидагилар тегишли ҳисобланади, деб ўйлаймиз:

- йўл қўйилиши мумкин бўлган риск даражаси шароитида фойдани ошириш, стратегия ва тактикани шакллантирувчи банк раҳбарияти;
- фундаментал рисклар даражаси тўғрисида қарорлар қабул қилувчи банк қўмитаси;
- тижорат рискларига жавобгар ҳисобланган функционал таркибий бўлинма;
- банк рисклари бўйича қарорлар қабул қилишга ахборот тақдим этувчи аналитик бўлинма;
- рискли ҳолатлар юзага келиши юзасидан маълумотлар тақдим этувчи ва операцион рискларни минималлаштириш, критик индикаторларни аниқлаш бўйича ички аудит ва назорат хизмати;
- ҳуқуқий рискларни олдини олиш бўйича юридик хизмат.

Фикримизча, рискларни аниқлаш ва баҳолаш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан банкнинг тегишли бўлинмалари ва усуллари мажмуи бўлиши муҳим ҳисобланар экан.

Рискларни аниқлаш деганда, юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар омилларини олдиндан белгилаш ва мазкур омиллар пайдо бўлиши билан тегишли ахборотларни тақдим қилишни ўзида акс эттиради. Шунингдек, тегишли маълумотларга асосланиб тезкор қарорлар қабул қилиниши айтиш мумкин. Шу боисдан, рисклар тўғрисидаги ҳар бир ахборотни оқилона таҳлил этиш ва самарали чораларни қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1.3. Банк рискларини бошқаришнинг илғор хориж тажрибалари

Жаҳон иқтисодиётининг ўзаро алоқаларининг чуқурлашуви натижасида молиявий муносабатларнинг сезувчанлигини ва уларга бўлган таъсир этувчи омилларнинг сонини ортишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида, молиявий

рисклар, жумладан банк рискларини олдиндан аниқлаш, баҳолаш ва уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Бу борада, ҳар бир мамлакат ўзининг макроиктисодий ҳолати ва имкониятларидан келиб чиқиб рискларни бартараф этишга қаратилган чораларни тадбиқ этади.

Мамлакат банк тизими жаҳон иқтисодиётига интеграция бўлиши жараёнида ҳам ўзига хос рисклар юзага келади. Шу боисдан, халқаро тажрибасини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Бу борада, Ю.Кибардина банкларни халқаро майдонда қўшиб ёки сотиб олиниши жараёнида вужудга келадиган банк рискларини тизимлаштиришга ҳаракат қилган. Хусусан, банк холдингларини тузишнинг афзалликлари рақобатбардошликни ошириш ва молиявий барқарорликни таъминлашда муҳим эканлигини асослаб берган. Шунингдек, ушбу жараёнларда учта риск мавжудлигини қайд этиб ўтади, улар: акционерлик капитали; банк ресурслари; ташқи омиллар билан боғлиқ бўлган рисклар тарзида гуруҳланади³⁷.

Е.Егоркин олиб борган тадқиқотларга кўра, кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш моделлари қуйидаги турларга ажратилиб кўрсатилади³⁸:

1. Коэффициент таҳлили – BAKIS Германия ва Bank Monitoring Screens (BMS) АҚШда фойдаланилади. Мазкур усул банкларнинг фаолиятида мавжуд молиявий кўрсаткичларни белгиланган меъёр ёки бошқа банкларнинг ўртачасидан оғишини аниқлаш орқали амалга оширилади.

2. Баҳолашнинг рейтинг тизими инсайдерлик ва масофавий шаклларда назорат органлари томонидан амалга оширилиб банкларнинг ишончилиги ва барқарорлигига баҳо беради. Инсайдерлик усули АҚШ, Украина, Қозоғистон,

³⁷ Кибардина Ю.С. Международная деятельность российских банков в условиях трансформации мировой банковской системы: автореферат ... к.э.н. – Москва. Институте региональных экономических исследований, 2013. – 21 с.

³⁸ Егоркин Е.А. Зарубежные методические подходы, применяемые для оценки финансовой устойчивости региональной банковской системы//Региональной проблемы преобразования экономики. – М.: 2014. - №11. С. -143-147. www.rppe.ru

Чехия, Словакия, Польша ва Болтиқ бўйи мамлакатларида, масофавий усулдан эса Италия, Франция ва Аргентина фойдаланади.

3. Комплекс усул турли индексларга асосланган ҳолда ва эксперт баҳолаш орқали амалга оширилади. Бу усулдан Б.Британия ва Нидерландияда фойдаланилади.

4. Статистик модел банкротликни башоратлаш ва кутилаётган зарарларни аниқлаш учун ишлатилади. Бу кўпроқ SEER Rating, SCOR, SEER Risk Rank Bank Calculator (АҚШ) ва SAABA (Франция) каби моделлар билан ўз аксини топади.

5. Макропруденциал таҳлиллар орқали амалга оширилувчи максимал зарарни ҳисоблаш, портфелнинг сезувчанлиги ва сценарийлик асосида стресс-тестдан ўтказиш билан амага оширилади. Жумладан, CAMELS (АҚШ), Fitch, Standard & Poor's, Moody's Investors Service каби методлар шулар сирасига киради.

Фикримизча, банк рискларини баҳолашда маълум бир методнинг мутлоқ устунлигини мавжуд деб қараш тўлиқ ўзини оқламайди. Сабаби, биз кўриб ўтган рискни баҳолаш методлари молиявий фаолиятнинг турли жиҳатларини тизимлаштириш ва баҳолашга қаратилган хусусиятни ўзида акс эттиради. Шу нуқати назардан, мамлакатимизда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш учун макропруденциал ва мажмуавий усулларни қўллаш имкониятларини тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида банк фаолияти рискини таҳлил қилиш ва уларни тартибга солиш юзасидан турли ваколатли органлар фаолият олиб боради. Хусусан, , АҚШда тижорат банклари молиявий ҳолати назорат қилиб борилади. Шунингдек, АҚШ банклари стресс-тест тизимдан ўтишлари назорат органлари томонидан 2009 йилдан буён амалга оширилиб келинмоқда. Додда-Френк қонунига кўра мазкур синов тизим банк рискларини олдини олиш ва бартараф этишнинг самарали усули сифатида фойдаланилмоқда. Бу борада, тадқиқотчи И.Курбанов ўзининг илмий мақоласида АҚШ банклари

Федерал захира тизимига ўз капиталлари тўғрисида йиллик режаларини тақдим этадилар ва уларда қуйидагилар ўз аксини топади³⁹:

– кутилаётган ёки стресс шароитдаги тижорат банки операцияси ҳажми, мураккаблик даражаси, риск тури кабиларни инобатга олган ҳолда прогноз даври учун капитални шакллантириш ва ундан фойдаланиш юзасидан кутилаётган йўналишларини баҳолашни;

– капитал етарлилигини баҳолаш ҳар бир элементи бўйича тушунтиришни;

– капитали бошқариш сиёсатини;

– банк ликвидлиги ёки капитал етарлилиги даражасига таъсир этувчи тижорат банклари бизнес-режасига таъсир этиш эҳтимоллиги тўғрисида маълумотларни бериш назарда тутилади.

АҚШда банк рискларини назорат қилишда федерал ва штат даражасида фаолият олиб борувчи биттадан муассаса мавжуд. Пул муомаласини назорат қилиш хизмати (федерал миқёсда) ва штат ҳукуматлари ҳузуридаги банк фаолияти бўйича ваколатли бўлимлари шулар жумласидандир. Уларнинг функциялари қуйидагилардан иборат ҳисобланади:

– меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– банк раҳбарияти билан маслаҳатлашувлар ва инспекцион текширувлар ўтказиш;

– банк маълумотларини таҳлил этиш;

– банкларни ликвидация қилиш жараёнида банкларни молиявий соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш;

– истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

– холдинглар капитали структурасини бошқариш ва тартибга солиш;

– АҚШда фаолият олиб борувчи хорижий банкларни назорат қилиш ва бошқариш.

³⁹ Курбанов И. Стресс-тестирование как современный метод управления рисками в коммерческих банках: опыт США///Бозор, пул ва кредит. – Т., 2015. -№7. – Б. 52-56.

АҚШда банк фаолияти рискинни аниқлаш ва уни баҳолашда бевосита молиявий фаолиятнинг турли хусусиятлари инобатга олинган. Шу билан бирга, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилишни назарда тутди. Бундан ташқари, молиявий қийинчилик шароитида банкларга кўмак беришни ҳам назарда тутилиши рискнинг олдини олишда давлат бош ислоҳотчи бўлиши белгиланганлигини ўзида акс эттиради.

АҚШда молиявий рискларни аниқлаш ва баҳолашда учта методологиядан кенг фойдаланилади. Улар сирасига, CAMELS, SCOR (Statistical CAMELS Offsite Rating) ва SEER (System for Estimating Examination Rating) тизимлари киради.

CAMELS баҳолаш тизими банкларнинг молиявий кўрсаткичларини таҳлил этишга қаратилган бўлиб, уларнинг сифат жиҳатдан тадқиқ этишга имкон яратади. Ушбу тизим АҚШ Федерал захира тизими томонидан 1978 йилда жорий этилган. Дастлаб мазкур тизим “S” рискка сезувчанлик категорияси қўшилмаган ҳолда амалда бўлган. 1997 йилга келиб мазкур категория ҳам баҳолаш мезонлари таркибига киритилди.

Бу борада, тадқиқотчи Н.Карабаев ўзининг илмий мақоласида қуйидаги фикрларни келтириб ўтади⁴⁰:

CAMELS рейтинг тизимида банкларнинг ликвидлиги қуйидаги кўрсаткичлар орқали аниқланади:

– депозитларнинг барқарорлиги. депозитларнинг барқарорлигини аниқлаш учун барқарор депозитлар суммаси жами депозитлар суммасига тақсимланади ва олинган натижа 100 фоизга кўпайтирилади. ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражаси 75 фоизга тенг.

– активларнинг пул маблағларига айланиш даражаси. Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун ликвидли активлар брутто активлар суммасига бўлинади ва олинган натижа 100 фоизга кўпайтирилади.

⁴⁰ Карабаев Н.А. Тижорат банклари фаолиятини camels рейтинг тизими асосида баҳолаш амалиёти ва уни такомиллаштириш// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2017 йил

– тижорат банки учун ташқи манбалардан фойдаланиш имкони даражаси. Мазкур кўрсаткични ҳисоблаш учун бошқа банклардан олинган кредитлар банк томонидан жалб қилинган ресурсларнинг жами суммасига бўлинади ва олинган натижа 100 фоизга кўпайтирилади.

– банкнинг ликвидлилик бўйича ички сиёсатида белгиланган меъёрий даражаларга эришишнинг таъминланганлиги.

– банк активлари ва пассивларини бошқариш бўйича стратегиясининг самарадорлик даражаси. Ушбу самарадорлик даражаси ссудалар ва депозитлар ўртасидаги ҳамда бошқа банклардан олинган кредитлар ва жалб этилган маблағлар ўртасидаги нисбатнинг динамикасини таҳлил қилиш орқали баҳоланади.

Шунингдек, Н.Карабаев “Ғарб иқтисодчи олимларининг фикрига кўра, CAMELS тизими рискни аниқлаш концепциясига асосланади ва рискни баҳолаш жараёнида “юқоридан пастга” ёндашувни қўллайди. Бунда банк кенгаши ва бошқарув аъзолари ўз банкларида риск даражасини мустақил равишда аниқлашлари ва бошқаришлари кўзда тутилади. Улар банкни бошқариш мобайнида банк тамойилларига мувофиқ риск даражаси устидан назорат олиб боришга жавобгардирлар”, деб таъкидлаб ўтади.

CAMELS баҳолаш тизими 1 дан 5 гача бўлган балл асосида баҳоланади. Агар банк 1 ёки 2 балга эга бўлса, унинг рисклилиқ даражаси паст ҳисобланиб, ишончли банк сифатида қараш мумкин, деган хулосага асос бўлади. 3 балга эга бўлган банк айрим муаммолар борлигини аниқлаб, ушбу аниқланган вақтда баратаф этилмаса тўловга қобиллик муаммоларини келтириб чиқаради. 4 ёки 5 балл олган банк эса, жиддий мураккаблиқларга эга бўлиб, молиявий соғломлаштириш чораларни кўришни тақозо этади.

Умуман олганда, мазкур баҳолаш тизими орқали капитал ва активларни баҳолашга қуйидагича эътибор қаратилади. Хусусан, банк капитали муҳим элементларидан эканлиги ва уни баҳолашда активлар сифати билан боғлиқ эканлиги таъкидлаб ўтилади.

K1 = Банк асосий капитали / Рискка тортилган активлар.

Банк капитали ва активлари ўртасидаги нисбатни ўзида акс эттириб, активлар ҳисобидан йўқотишлар капитал ҳисобидан қопланиши назарда тутилади. Рискка тортилган активларни аниқлаштириш орқали молиявий ҳолатга аниқроқ баҳо бериш мумкин бўлади. Ушбу кўрсаткич 4 фоиздан камайган ҳолда капитал етарли эмас, деб топилади.

К2 = Банк умумий капитали / Рискка тортилган активлар.

Мазкур кўрсаткич 8 фоиздан юқори бўлиши ижобий ҳисобланади.

К3 = Банк асосий капитал / Банк активи.

Банк капитали ва активлари ўртасидаги нисбатни ўзида акс эттириб, активлар ҳисобидан йўқотишлар капитал ҳисобидан қопланиши назарда тутилади. Жами активлар рискка тортилган деб олинади ва молиявий ҳолатга аниқроқ баҳо бериш мумкин бўлади. Ушбу кўрсаткич 15 фоиздан ортган ҳолда капитал етарли, деб топилади.

К4.1 = Иммобилизация умумий ҳажми / Банк активи.

Иммобилизация умумий ҳажмига қуйидагилар киради:

- моддий активлардан эскиришни айириш;
- белгиланган манбалардан ортиқча ҳажмда капитал қўйилмаларни молиялаштириш;
- шакллантирилган захиралардан ортиқча муддати ўтган кредитлар;

Ушбу ҳолатнинг иқтисодий моҳияти капитални бино, муддати ўтган активлардан айирилишини англатади. Иммобилизацияланган маблағ капитал ҳажмини ортиради, натижада қўйилмалар ва мажбуриятлар бўйича кафолат функциясини бажаришига зарурият қолмайди.

К4.2 = (Асосий капитал – Иммобилизация умумий ҳажми) / Асосий капитал.

Мазкур тенглик иммобилизация қилинмаган капиталнинг умумий ҳажмини кўрсатади.

К5 = Банк капитали / Банк депозити.

Банк ўз капитали орқали омонатчиларнинг кафолати функциясини бажараётганлигини кўрсатади.

К6 = (Банк капитали + Банк захираси – Сифатсиз активлар) / Банк активлари.

Мазкур коэффициентни аниқлаштиришда уни гуруҳларга ажратган ҳолда диверсификация қилинади:

- ликвид активлар;
- кам ликвид активлар (кредитни қайтаришда камида бир маротаба асосий қарз ёки фоизлар бўйича камчиликларга йўл қўйилганлиги);
- шубҳали активлар (кредит муддатини бир маротаба узайтирилганлиги);
- ишончсиз активлар (кредитнинг асосий қарзини/фоизини вақтида тўламаслик, ёки муддатини узайтириш).
- ишончсиз, шубҳали, кам ликвидли активлар «сифатсиз» активлар ҳисобланади.

АҚШда банк рискларини аниқлаш ва баҳолаш тизимидан яна бири – бу SCOR (Statistical CAMELS Offsite Rating) усули ҳисобланади. Мазкур модел банк фаолиятининг истиқболдаги 4-6 ой давомида юз бериши мумкин бўлган рискларни етарли даражада аниқлаш учун расмий ҳисобот кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу модел Федерал депозитлар суғурта корпорацияси (ФДСК, The Federal Deposit Insurance Corporation (FDIC)) томонидан ишлаб чиқилган ва амал қилинадиган сифатида қаралади. ФДСК 1933 йилда АҚШда юз берган “Буюк инқироз” оқибатларини бартараф этиш ва Америка банкларига ишончни қайтариш мақсадида ташкил этилган.

Мазкур SCOR усули 1990 йилларда юзага келган бўлиб, тизимдан ташқари баҳолашни англатади. ФДСК CAMELS баҳолаш натижаларига кўра 3 ва ундан юқори балл олиш эҳтимоли бўлган кредит ташкилотлари мониторинг қилиб бориши учун ушбу моделдан фаол фойдаланади. Ушбу моделда икки шаклдаги хатоликлардан келиб чиқиб таҳлилларни амалга оширади. Булар “салбий хатолик” ва “ижобий хатолик” каби кўрсаткичлар орқали белгиланади. “Салбий хатолик” бу – банкнинг риск даражасини

юқорилашувини баҳолашда етарли хулосага эга бўлмаслиги билан изоҳланади. Бунда риск даражаси аниқлангандан сўнг унинг бирдан ўзгариб қолишининг вужудга келиши билан ифодаланади. Аксинча, “ижобий хатолик” бу банк рискларини юз бериши мумкинлигини аниқланганлиги, лекин навбатдаги баҳолашлар амалга оширилмаганлигини ўзида акс эттиради.

1.5-жадвал

Тахминий банк учун СКОР кўрсаткичлари ва уларнинг нисбати

№	СКОР индикаторлари	Жами активларнинг улуши
1.	Капитал	13,59
2.	Кредит ва зарарлар бўйича захиралар	1,31
3.	Муддати ўтган кредитлар (30-89 кунгача)	2,23
4.	Муддати ўтган кредитлар (90 кундан кўп)	0,89
5.	Сифатсиз кредитлар	1,51
6.	Бошқа асосий воситалар	0,45
7.	Амортизация	1,18
8.	Кредит йўқотишлари ва трансфер рисклари учун таъминот	1,28
9.	Солиқ тўлангунча ва фавқулодда тўловларгача бўлган фойда	0,10
10.	Мажбуриятлар	25,31
11.	Ликвид активлар	28,36
12.	Кредитлар ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар	68,79

К.Коллиер ва бошқалар иштирокида амалга оширилган тадқиқотларда ушбу моделнинг баъзи жиҳатлари тўғрисида илмий хулосаларини билдириб

ўтади⁴¹. Улар СКОР модели орқали рискларни баҳолаб кўрганда, қарзнинг ўсиши, ишчиларнинг ўртача иш ҳақларини ҳам инобатга олишган. Шунингдек, 1-даражали капитал ўрнига оддий капитал, жами активлар ўрнига ўртача жами активлардан фойдаланилган. Натижада, СКОР моделининг ижобий жиҳатлари ўзининг исботини топган. Олимлар томонидан тахминий банк кўрсаткичларини таҳлил этиш орқали 12 та индикатор шакллантирилган (1.5-жадвалга қаранг):

Мазкур олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида СКОР модели бўйича баҳолашга кўра рейтинг олиш эҳтимоллиги қуйидагича бўлиши қайд этиб ўтилади. Бошқача айтганда, рейтингни пасайиш эҳтимоллиги 41,8 фоизни ташкил этади. Яъни, $36,5+4,9+0,4=41,8$ фоиз эҳтимоллик билан рейтинг даражаси пасайиши мумкин .

1.6-жадвал

СКОР баҳолаш натижаларига кўра тахминий банк индикаторлари

Рейтинг	Эҳтимоллик
1	3,2
2	55,0
3	36,5
4	4,9
5	0,4
Даражанинг пасайиш эҳтимоллиги	41,8
СКОР рейтинги	2,44

ФДСК банкларнинг рейтинги пасайишини энг камида 35 фоиз даражасида белгилайди. Бошқача айтганда, банк рисклари доимий аниқланиши ва баҳоланишини амалга ошириб борилиши зарурлигини

⁴¹ Charles Collier, Sean Forbush, Daniel A. Nuxoll, and John O'Keefe The SCOR System of Off-Site Monitoring Its Objectives, Functioning, and Performance. FDIC Banking Review, 2003, volume 15, No. 3. p. 6.

англатади. Ушбу модел молиявий заиф бўлган банкларни аниқлаш имконини беради. Шунингдек, айнан қайси молиявий кўрсаткичлар паст рейтингга сабаб бўлаётганлигини аниқлашга шарт-шароит яратиб беради.

Тадқиқотларимиз натижасида айтиш мумкинки, АҚШ тажрибасидан қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади:

- капиталнинг етарлилигини активларнинг сифати билан боғлаш.
- банкда бошқарувнинг профессионаллик даражасини белгиловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш;
- ҳар бир сўмнинг сарфланиши ортидан унинг даромад олиб келиши миқёсини мезонлаштириш;
- тўловсизлик муаммосининг бўлмаслигига эриши;
- рискларни олдиндан аниқлашга қаратилган чораларни доимий амалга ошириб бориш;
- рискнинг юз бериши мумкинлигини инобатга олувчи ва уни баҳолашга имкон берадиган мезонлаштирилган тизимни жорий этиш.

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда Европа мамлакатлари тажрибасидан Буюк Британиянинг банк рискини бошқариш амалиётини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Банк рискларини бошқариш Б.Британияда Молия назорат ва бошқарув бошқармаси (Financial Services Authority (FSA)) томонидан амалга оширилади. Ушбу ваколатли орган сифатида қуйидаги функцияларни бажаради:

- банк маълумотларини таҳлил этиш;
- молиявий текширувларни ўтказиш;
- банк раҳбарияти доимий музокалар олиб бориш;
- банк фаолиятига нисбатан иқтисодий мезон ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш;
- молиявий соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш;
- зарурат туғилганда банк фаолиятига аралашиш.

Буюк Британияда фойдаланиладиган RATE банк рискларини мажмуавий баҳолаш сифатида эксперт баҳолаш ва индекс усулига асосланади. Ушбу метод рискни баҳолаш қисми – Risk Assessment, назоратни амалга ошириш методи – Tools ва мазкур инструментлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш – Evaluation сўзларининг бирикмасидан ташкил топган. Барча методларда бўлгани каби ушбу механизмлар орқали рискларни олдиндан аниқлаш, уларнинг даражасини баҳолаш ва натижада уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўришни ўзида акс эттиради.

Рус олимларидан А.Давыденко ўзининг тадқиқотларида тижорат банклари ички рискларини бошқаришга қаратилган илмий хулосаларни асослаб беради⁴². Ички рискларни баҳолашда икки жиҳатга эътибор қаратади: зарар ҳажми ва йўқотишнинг эҳтимоллиги. Мазкур омилларни аниқлашдаги муҳим мураккаблик – бу маълумотларни тўплашдир. Б.Британия банклари эса, операцион рисклар тўғрисидаги маълумотларни интеграциялаштириш орқали бу каби муаммоларни бартараф этишга эришишган.

Шу нуқтаи назардан, банк рискларининг олдини олиш бўйича Б.Британия банк фаолиятида қуйидагиларга эътибор қаратиш белгилаб қўйилган⁴³:


- банк мижозларни жалб этишда уларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда профессионал ва очиқ тарзда амалга оширилишини таъминлаши зарур;
- банк мижознинг манфаатлар устунлигига мувофиқ унинг мажбуриятларини яшириш ёки чеклаш каби ҳолатларни амалга оширмаслиги лозим;
- банк мижознинг молиявий хизматнинг барча хусусиятларини тушунтиришга ва рискларни инобатга олишга имкон бериши лозим.
- тақдим этилган молиявий хизматлар бошқа банкларнинг шу каби хизматлари билан таққослаш имконини бериши лозим.

⁴² Давыденко А.К. Совершенствование системы управления внутренними рисками коммерческого банка: автореферат ... к.э.н. – Москва. Российской академии предпринимательства, 2011. – 25 с.

⁴³ Вишнеvский А.А. современные тенденции развития структурообразующих институтов банковского права: сравнительно-правовое исследование: автореферат ... д.ю.н. – Москва. Национального исследовательского университета «Высшая школа экономики, 2014. – 43 с.

Бизнингча, рискларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда рискни баҳолаш, уни назорат қилиш методи ва амалга ошириш йўли муҳим роль ўйнар экан. Шу боисдан, Британия тажрибасидан маълум ўзига хос бўлган жиҳатларни Ўзбекистонда қўллаш ижобий натижасини беради. Масалан, банк томонидан мижозларни жалб этишдаги тенденцияларни янада такомиллаштириш орқали келадиган маблағларнинг ҳажмини оширишга имкон топиш мумкин.

Россия тажрибаси сифатида биз юқорида келтирилган ўрганишларимизни давом эттириб А.Давыденконинг банк ички рискини аниқлаш ва уни бартараф этишни келтириб, уни Ўзбекистонда қўллашни тавсия этамиз⁴⁴.



1.2-расм. Банк ички рискларини бошқариш тизими

Ушбу тизим кредит олувчининг тўлов қобилиятини баҳолашга асосланган бўлиб, 9 та молиявий кўрсаткичларни баҳолашга асосланган ҳолда

⁴⁴ Давыденко А.К. Совершенствование системы управления внутренними рисками коммерческого банка: автоферат ... к.э.н. – Москва. Российской академии предпринимательства, 2011. – 25 с.

амалга оширилган. Унинг қуйидаги афзалликларга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим:

- битта кредит рискинни баҳолаш учун зарурий вақтни қисқартиришга ёрдам беради;
- миждозлар базасини оширади;
- субъективликни мавжуд эмаслиги;
- персоналнинг малакасига талабнинг пасайиши;
- молиявий кўрсаткичлар тизимини соддалаштирилиши;
- корпоратив миждозларнинг тармоқ хусусиятини инобатга олиниши, ўз навбатида баҳолаш сифати ва аниқлигини таъминлашни акс эттиради.

Банк рискиннинг мазкур шаклида молиявий кўрсаткичлар иккита асосий мезон жавоб бериши лозим, улар: коэффициент миждознинг молиявий ҳолатини тўлиқ характерлаб бериши ва ўзаро такрорийликнинг олдини олиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1.7-жадвал

Тижорат банклари корпоратив миждозларининг кредит тўлаш қобилиятини экспресс-баҳолаш методи бўйича ўзаро нисбатлари

Кўрсаткич белгиси	Кўрсаткич номи	Кўрсаткичнинг ўрни	Кўрсаткичнинг моделдаги улуши (W)
1	2	3	4
X ₁	Жорий ликвидлик коэффициенти	1	0,18
X ₂	Савдо рентабеллиги коэффициенти	2	0,14
X ₃	Қоплаш коэффициенти	2	0,14
X ₄	Мустақиллик коэффициенти	3	0,12
X ₅	Дебиторлик қарздорликни айланиш коэффициенти	4	0,1
X ₆	Хусусий маблағларнинг таъминланганлик коэффициенти	4	0,1
X ₇	Кредиторлик қарздорликни айланиш коэффициенти	5	0,08

X ₈	Тайёр маҳсулотлар коэффициенти	айланиш	5	0,08
X ₉	Пул кўринишидаги коэффициенти	даромад	6	0,06
Жами				1

Умуман олганда, кредит олувчининг тўловга қобиллигини аниқлаш ва уни самарали баҳолашда 9 та кўрсаткични ўзаро нисбатини белгилаш ва уларни таҳлил этиш муҳим ҳисобланади. Олим томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, корпоратив мижозларнинг кредитни қайтариши таҳлил этилган ва уларнинг ўзаро улушида ижорий ликвидлик кўрсаткичи асосий ўринни эгаллаган (1.7-жадвалга қаранг).

Корпоратив мижозларнинг кредит рейтингни ҳисоблаш методидан фойдаланган ҳолда кредит рискинни ҳисоблаш мумкин. Шундан келиб чиқиб, мижозларни кредит беришда саралаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Уни куйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин.

$$R_j = \sum_{i=1}^n W_i \times P_i(1)$$

R_j – молиявий кўрсаткичларни баҳолаш жами қиймати, балда;

W_i – i-чи кўрсаткичнинг гуруҳдаги улуши;

P_i – гуруҳдаги i-чи кўрсаткичнинг баҳоси, балда;

n – кўрсаткичлар сони.

1.8-жадвал

Тижорат банклари корпоратив мижозлари кредит рискин баҳолаш мезонлари

Балл миқдори (R)	Риск гуруҳи	Риск гуруҳи характеристикаси
80 дан ортиқ	1	Кредит рискин минимал даражаси
60 дан 80 гача	2	Кредит рискин кичик даражаси
40 дан 60 гача	3	Кредит рискин ўрта даражаси
20 дан 40 гача	4	Кредит рискин юқори даражаси
20 дан кам	5	Кредит рискин жуда юқори даражаси (банк йўқотиш)

Кўрсаткичлар сони 9 та эканлигини инобатга олган ҳолда, максимал балл сифатида 100 эканлиги натижасида битта кўрсаткичнинг ўртача бали 11 келиб чиқади. Шунингдек, корпоратив миждозларнинг кредит rischi гуруҳини бешга бўлсак, унда интервал оралиқлар ҳам маълум бўлади (1.8-жадвалга қаранг).

Олим томонидан амалга оширилган тадқиқотлар давомида банк riskини баҳолаш ва аниқланган баллар гуруҳи асосида миждознинг кредит riskини аниқлаштириш мумкин.

1.9-жадвалда келтирилган мезонлар асосида 81,3 балл тарзидаги risk даражасини “Кредит riskи минимал даражаси”га эга деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

1.9-жадвал

Молиявий коэффициентларни ҳисоблаш натижалари

Кўрсаткич белгиси	Кўрсаткич номи	Кўрсаткич	Кўрсаткичнинг моделдаги улуши (W)	Балл миқдори	Риск даражаси
1	2	3	4	5	4x5
X ₁	Жорий ликвидлилик коэффициенти	0,56	0,18	100	18
X ₂	Савдо рентабеллиги коэффициенти	1,54	0,14	80	11,2
X ₃	Қоплаш коэффициенти	0,31	0,14	75	10,5
X ₄	Мустақиллик коэффициенти	16	0,12	100	12
X ₅	Дебиторлик қарздорликни айланиш коэффициенти	21	0,1	80	8
X ₆	Хусусий маблағларнинг таъминланганлик коэффициенти	53	0,1	60	6
X ₇	Кредиторлик қарздорликни айланиш коэффициенти	14	0,08	75	6
X ₈	Тайёр маҳсулотлар айланиш коэффициенти	1,6	0,08	75	6

X ₉	Пул кўринишидаги даромад коэффициенти	0,7	0,06	60	3,6
Жами					81,3

Олиб борилган тадқиқотлар асосида Россия тажрибасини мамлакатимизда банк рискини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган методларни амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

- рискларни баҳолашда рейтинг тизими асосланган методларни қўллашни жорий этиш;
- рискни келтириб чиқарувчи омилларни тизимлаштириш;
- рискни пасайтирувчи механизмлар ва унга банкнинг молиявий иммунитетини шакллантириш методини жорий этиш;
- рискларни баҳолашда экспресс-баҳолаш тизими асосида рисклилик даражасини гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, банк рискларини аниқлаш ва уларни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган усулларни тизимли равишда қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, банк рискларини олдини олишда молиявий иммунитет омилни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади, деб ўйлаймиз.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Диссертациямизнинг биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар асосидаги қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик.

1. Риск иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида юз бериш эҳтимоли юқори эканлиги, даромаднинг бир қисми бўлиши ва молиявий муносабатларнинг ажралмас бўлаги эканлиги маълум бўлмоқда. Умуман олганда, риск молиявий муносабатларда ўз ва қарз маблағлари асосида юзага келишидан турли ёндашувлар мавжуд экан. Шундай бўлсада, риск

даромаднинг бир қисми бўлиб қолиши эътиборли молик бўлишини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

2. Банклар бошқа кредит ташкилотларга нисбатан рискдан кўп ҳимояланувчи ёки қочувчи бўлишлари керак. Бунинг сабаби шундаки, банк бошқа кредиторларга нисбатан ўз маблағи билан эмас, балки жалб қилинган маблағлар, яъни жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинча банкда турган маблағлари билан ишлайдилар. Банкнинг кредит бериш имкони у жалб қилган ресурсларга боғлиқ бўлади. Банк ўз навбатида, жалб қилинган маблағларни талаб қилинган вақтда мижозга қайтариб бериш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу имконият эса банк фаолиятида мавжуд рискларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

3. Фикримизча, тижорат банклари кредит портфели диверсификациясини кенгайтириш ва кредит қўйилмаларидан самарали фойдаланиш банкларни универсаллаштиришда ва рақобатбардошлигини оширишда ёрдам беради ҳамда кредит рискинни пасайтиришни таъминлайди. Банк ликвидлигини бошқаришда ва Марказий банк томонидан иқтисодий нормативга риоя этиш мақсадида жалб қилинган ва жойлаштирилган маблағларни муддати бўйича диверсификация қилиш натижасида, ўз кредит операцияларини режалаштиришга ёрдам беради. Бу билан тижорат банки зарур бўлган ликвидлилик даражасини ушлаб турган ҳолда максимал даражада юқори даромадга эришади. Кредит портфелини шакллантириш жараёни оптимал кредит сиёсатини аниқлаш нуқтаи-назаридан унинг диверсификацияланишини кўзда тутаяди. Кредитларнинг бир неча мижозлар ичида жамланиш даражаси ва кредитлашнинг умумий ҳажми ошиши билан банк кредит риски ҳам ўсиб боради.

4. Фикримизча, банк рискларини баҳолашда маълум бир методнинг мутлоқ устунлигини мавжуд деб қараш тўлиқ ўзини оқламайди. Сабаби, биз кўриб ўтган рискни баҳолаш методлари молиявий фаолиятнинг турли жиҳатларини тизимлаштириш ва баҳолашга қаратилган хусусиятни ўзида акс эттиради. Шу нуқати назардан, мамлакатимизда макроиқтисодий мувозанатни

таъминлаш учун макропруденциал ва мажмуавий усулларни қўллаш имкониятларини тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади.

5. Бизнингча, рискларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда рискни баҳолаш, уни назорат қилиш методи ва амалга ошириш йўли муҳим роль ўйнар экан. Шу боисдан, Британия тажрибасидан маълум ўзига хос бўлган жиҳатларни Ўзбекистонда қўллаш ижобий натижасини беради. Масалан, банк томонидан мижозларни жалб этишдаги тенденцияларни янада такомиллаштириш орқали келадиган маблағларнинг ҳажмини оширишга имкон топиш мумкин.

6. Олиб борилган тадқиқотлар асосида Россия тажрибасини мамлакатимизда банк рискини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган методларни амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, ҳисобланади.

– рискларни баҳолашда рейтинг тизимига асосланган методларни қўллашни жорий этиш;

– рискни келтириб чиқарувчи омилларни тизимлаштириш;

– рискни пасайтирувчи механизмлар ва унга банкнинг молиявий иммунитетини шакллантириш методини жорий этиш;

– рискларни баҳолашда экспресс-баҳолаш тизими асосида рисклилиқ даражасини гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқ.

II-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистон банкларида кредит қўйилмаларининг таркиби ва уларни бошқаришдаги рисклар

Иқтисодий назариядан маълумки, банклар ўзининг асосий фаолият тури сифатида иқтисодиётни кредитлашни амалга оширади. Бунда у аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб этиш ва уларни жозибадор фаолият турларига моҳирона жойлаштирилишини амалга оширади. Умуман олганда, иқтисодиётнинг пул билан таъминланиши, яъни монетизация коэффициентини оширишнинг иккита каналлари мавжуд. Улар давлат бюджети харажатлари бўлса, иккинчиси банк кредит қўйилмалари орқали амалга оширилади.

Ўз навбатида, банк кредит қўйилмаларининг икки жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлар экан. Биринчидан, банклар томонидан кредит портфели таркибининг барқарорлиги баҳоланса, иккинчидан монетизация коэффициентининг Марказий банк томонидан тартибга солиб турилишида кредит қўйилмаларининг мамлакат миқёсидаги ҳажмининг ЯИМга нисбатан улуши аниқланади ва баҳоланади. Иккинчидан, банк кредит қўйилмалари микроиқтисодий миқёсдаги барқарорликни таъминлашда тадқиқ этилиши лозим бўлади.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда кредит қўйилмаларининг арзонлашуви ёки қимматлашуви Марказий банкнинг фоиз сиёсати орқали тартибга солинади. Натижада, ушбу фаолият иқтисодиётдаги инвестицион фаолликнинг ортиши, нархларнинг арзонлашуви ва аҳолининг сотиб олиш қобилияти барқарорлашувини вужудга келишига хизмат қилиши лозим бўлади. Умуман олганда, макропруденциал сиёсатни амалга оширилишига зарурият туғилади.

Микроиқтисодий барқарорлик албатта бу банкнинг бевосита ўз фаолияти билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бунда банк ўз фаолиятини молиявий

восита ва меъёрлар орқали тартибга солиш амалиётини амалга оширади. Бу эса, бирламчи ҳолатда активлар таркибини барқарорлаштиришни тақозо қилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, монетизация коэффициенти макропруденциал пул сиёсатини амалга оширишдаги бош мезон сифатида қаралади. Ушбу кўрсаткич орқали иқтисодиётнинг пул билан таъминланганлик даражаси, тўловга қобилликнинг барқарорлиги ва инфляцияни жиловлаш каби молиявий сиёсатларни амалга оширишга имкон беради.

Иқтисодий хавфсизлик индикаторларини тадқиқ этган ва уларни шаклланишида атрофлича илмий хулосаларни ишлаб чиққан россиялик олим проф. В.Сенчагов монетизация коэффициентига нисбатан ўзининг муносабатини баён этиб ўтади⁴⁵. Жумладан, давлат фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлайдиган инвестицион фаолиятни амалга оширса, ишлаб чиқариш жараёнлари ҳажмида юқори технологияли маҳсулотлар ташкил этса пул айланиш тезлиги секинлашади ва аксинча, қисқа муддатли даврда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши пул айланиш тезлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтади. Шунингдек, пул айланиш тезлигининг секинлашиши билан пул массасининг ортишига эришиш монетизация коэффициентини барқарорлаштиришга хизмат қилишини асослаб беради.

Шу билан бирга, А.Кайгородцев монетизация коэффициентининг мезонлари ҳақида фикр юритиб, унинг меъёри ЯИМга нисбатан 70 фоиз ва минимал 50 фоиз бўлиши иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим элементи эканлигини таъкидлаб ўтади. Шу боисдан, иқтисодиётда монетизация коэффициенти инфляцияни келтириб чиқармаслиги учун

⁴⁵ Экономическая безопасность России: Общий курс: Учебник / Под ред. В.К. Сенчагова. 2-е изд. — М.: Дело, 2005. — 896 с.

инвестицияларни юқори технологияли тармоқларга йўналтиришни тавсия этади⁴⁶.



2.1-расм. 2019 йилда Ўзбекистонда пул массаси ва унинг таркиби динамикаси⁴⁷, трлн. сўм ва фоизда

Мамлакатимизда муомаладаги пул массасини таҳлил этсак, монетизация коэффициенти (пул муассасини ЯИМга нисбати) 2019 йилда 17,8 фоиз атрофида бўлганлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида, август ойида валюта депозитларининг кўпайганлиги миллий валютадаги депозитларнинг камайишига олиб келганлиги билан изоҳланади. Ушбу тенденция аҳолининг хорижий валюта сотиб олишга бўлган қайфиятини оширишга хизмат қилган. Мазкур жараён валюта бозоридаги ялпи талаб ортиши билан юзага келган (2.1-расмга қаранг). Бизнингча, импорт товарларига нисбатан ҳам қўшилган қиймат солиғининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755-сонли фармони билан 2019 йил 1

⁴⁶ Кайгородцев А.А. Повышение уровня монетизации Российской экономики как фактор экономического роста //Научное обозрение. Экономические науки. – 2019. – № 3. – С. 11-14; URL: <https://science-economy.ru/ru/article/view?id=1010> (дата обращения: 29.04.2020).

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари

октябрдан жорий этилиши ушбу ҳолатни юзага келишига сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Фикримизча, монетизация коэффициентининг бу каби мураккаб вазиятда бўлиши уни барқарорлаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Бу эса, уни шакллантиришнинг икки воситасидан бири бўлган банк қўйилмалари таркиби ва уни ривожлантириш имкониятларини таҳлил этишни тақозо этади. Бу билан, кредит қўйилмаларини муддат ва ҳажм нисбати бўйича портфелини такомиллаштириш, шунингдек банк рискларини тўғри баҳолашни талаб этади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда монетизация коэффициентини ошириш имкониятини банклар капитал қўйилмаларини қайси йўналишлари орқали амалга ошириш мумкинлиги ёки мавжуд эмаслигини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон банклари фаолиятида кредитлашнинг муддати нуқтаи назаридан оптималлашуви юзага келгаётганлигини қайд этиш лозим. Жумладан, қисқа муддатли кредитлаш йирик лойиҳаларни ёки инвестицион фаолиятни амалга оширишга тўлиқ имкон бермайди. Чунки йирик лойиҳага ёки инвестицион кредитга узоқ муддат талаб этилиши маълум. Бу борада, проф. А.Вахабов ва проф. Т.Бобакуловлар ўзларининг мақолаларида илмий хулосаларни келтириб ўтишади⁴⁸. Жумладан, республикаимиз тижорат банкларининг кредит портфели таркибидаги узоқ муддатли кредитларнинг улуши 1990 йилдаги 23,4 фоиздан 75,2 фоизга ошганлиги буни яққол исботлаб турибди. Шунингдек, уларнинг фикрига кўра, кредит қўйималарининг ички манбалари орқали молиялаштирилиши ҳам муҳим эканлиги, ташқи манбалар эса халқаро нобарқарорликка олиб келиши мумкинлигини таъкидлаб ўтишади.

Тадқиқотларимизни амалга оширишда биз “Асака” АТБ ва Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкнинг молиявий кўрсаткичларини ўрганамиз ва таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

⁴⁸ Вахабов А.В., Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикаси банк тизими мустақиллик йилларида//Иқтисодиёт ва молия журнали. – Т.: 2011. - №9. – Б.33-37.

2.1-жадвал

Кредит қўйилмаларининг тақсимланиши, млн. сўм

Портфел таркиби номи	2015	2016	2017	2018	2019
«Асака» АТБ					
Қисқа муддатли	375 464	284 385	319 082	269 983	1 011 951
Узоқ муддатли	3 047 511	5 034 327	15 492 506	24 480 439	25 309 850
Жисмоний шахсларга	395 283	563 609	1 204 162	1 528 999	3 340 678
Юридик шахсларга	3 027 692	4 755 103	14 607 426	23 221 422	22 981 123
Миллий валютада	2 496 689	2 526 452	3 858 920	5 781 581	10 488 517
Хорижий валютада	926 286	2 792 260	11 952 668	18 968 841	15 833 284
ЎзР. ТИФ Миллийбанк АЖ					
Қисқа муддатли	172 377	120 886	830 966	710 696	1 997 512
Узоқ муддатли	9 802 750	12 884 623	34 350 871	45 862 882	52 991 040
Жисмоний шахсларга	794 199	1 202 720	1 890 428	3 289 040	4 545 470
Юридик шахсларга	9 180 928	11 802 789	33 291 409	43 284 537	50 443 082
Миллий валютада	2 359 895	3 151 748	6 022 806	9 716 937	18 685 977
Хорижий валютада	7 615 232	9 853 762	29 159 031	36 856 641	36 302 575

2.1-жадвал маълумотлари ёрдамида танланган банкларнинг кредит қўйилмаларининг муддат, субъект ва валюта мезонлари бўйича таркибий жиҳатдан таҳлил қилиб ўтамиз.

“Асака” АТБнинг кредит қўйилмаларини муддати нуқтаи назаридан олиб қарасак, узоқ муддатли кредитларнинг ортаётганлигини кўришимиз мумкин. Умуман олганда, узоқ муддатли кредитлар 2015 йилда 3 трлн. сўмдан

ошиқ бўлган бўлса, 2019 йилда эса ушбу кўрсаткич 25,4 трлн. сўмга етган. Бу эса умумий кредит портфелида мос равишда 2015-2019 йилларда 89 дан 96 фоизга ўзгарган. Ўз навбатида, қисқа муддатли кредитлар улуши камайиш тенденциясини акс эттирган, хусусан 2018 йилда уларнинг улуши 1 фоизга кадар тушиб кетган. Зотан, 2019 йилга келиб 2018 йилга нисбатан қисқа муддатли кредитлар ҳажми 741 млрд. сўмга ёки 3,7 баробарга ортган. Натижада, унинг жамидаги улуши 1 фоиздан 3,8 фоизга ўзгариб, 2,8 фоиз пунктга ўсишга эришган.

“ТИФ Миллий банк” АЖ муддат жиҳатидан кредит қўйилмалари таркибида қисқа муддатли портфелнинг ўртача улуши 2015-2019 йилларда 2 фоизни ташкил этган ва 2016 йилда ушбу рақам 1 фоизга ҳам етмаган. “Асака” АТБда кузатилгани сингари, ТИФ миллий банкда 2019 йилда ўтган йилга нисбатан қисқа муддатли кредит ҳажмининг ортиши юзага келган ва 2,8 баробарга сезиларли ўсган.

Бизнингча, узоқ муддатли кредит қўйилмаларнинг ортиши иқтисодиётда узоқ муддатли инвестициявий фаолиятнинг шаклланишига шароит яратиб бераётганлигини ўзида акс эттиради. Шунингдек, пулнинг арзонлашиши мумкинлигига олиб бориши билан изоҳланиши мумкин.

Бу борада, тадқиқотчи М.Аҳмедов ““узун маблағлар” деганда молиявий муассасалар ресурслари таркибидаги муддати жиҳатидан камида 3 йил, бўлмаса 5 ва 10 йилдан ортиқ муддатга сақланадиган маблағлар назарда тутилади. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, кредит муассасаларида “узун маблағлар” салмоғининг ортиши, нафақат корхона-лар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришга, балки бундан тижорат банклари бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан фаол иштирок этишига хизмат қилади⁴⁹” деган хулосани келтириб ўтади.

Банкларнинг кредит портфелларининг валюта бўйича таркибига эътибор қаратсак, ТИФ Миллий банкда хорижий валютадаги кредитларнинг доимий

⁴⁹ Аҳмедов М.У. Тижорат банклари узоқ муддатли ресурсларининг иқтисодиёт ривожини таъминлашдаги аҳамияти//Иқтисод ва молия журнали. –Т.2011. -№6. – Б.43-46.

устуворликка эга бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, 2015-2018 йилларда хорижий валютадага кредитлар улуши 75 фоиздан кам бўлмаганлигини, фақатгина 2019 йилга 66 фоизни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Шу билан бирга, ушбу рақам улуши 2017 йилда 83 фоизга қадар етганлигини қайд этиш лозим. Асака АТБ эса 2015 йилда хорижий валютадаги кредитлар улуши 27 фоиз атрофида бўлган бўлса, 2017-2018 йилларда эса ушбу рақам 75 фоизга етган. 2019 йилда унинг улуши анча пасайган.

Хулоса қилганда, ТИФ Миллий банк асосан хорижий валютадага кредитларни тақдим этишга эътибор қаратаётган бўлса, “Асака” АТБ банкдаги нисбат уйғунликда бўлаётганлигини кўриш мумкин. Бизнингча, 2017 йилда валютадаги кредитларнинг ортиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5177-сонли фармонини қабул қилиниши билан ҳам боғлиқдир. Сабаби, валютамининг икки баробар яқин девальвацияси юзага келди ва банклар орқали тўғридан-тўғри хорижий технологияларни сотиб олишга кредитлар олишга бўлган талаб ортди.

Таъкидлаш лозимки, кредит портфелида хорижий валютадаги кредитларнинг юқори бўлиши қуйидаги мураккабликларни келтириб чиқариш мумкин:

– хорижий мамлакатлар иқтисодиётидаги муаммоларнинг миллий банк тизимига кўчиши тезлашишиш мумкин. бу эса, банк рискинни ортишига олиб келади;

– хорижий валютадаги кредит олганларнинг тўлов қобилияти мамлакатдаги девальвациянинг давом этиши натижасида тушиши мумкин. Натижада эса, банклар активлари сифатининг пасайиши юзага келишига шароит яратилади.

Эндиликда 2.2-жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда танланган банкларнинг кредит қўйилмалари ривожланиш тенденцияларини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

“Асака” АТБ томонидан иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш амалиётида саноат ва қишлоқ хўжалиги етакчилик қилаётганлигини кўриш мумкин. Саноат тармоқларини кредитлаш 2015-2019 йилларда 1,9 трлн. сўмдан 16,5 трлн. сўмга қадар ошганлигини кўриш мумкин. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш эса салкам 10 баробарга ортиб 1,8 трлн. сўмга қадар етган. Саноат тармоқларини кредитлаш 2019 йилга келиб жамидаги улуши 63 фоизни, қишлоқ хўжалиги улуши эса 6,8 фоизга етган. 2017 йилда қишлоқ хўжалигининг улуши энг кичики 3 фоизни ташкил этган бўлиб, 2018-2019 йилларда сезиларли ўзгаришни ўзида акс эттирган.

Айниқса, саноат тармоқларини кредитлашда амалга оширилаётган ислохотларнинг роли муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4453-сонли қарорининг қабул қилиниши ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Унга кўра, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерларининг пахта хом ашёсини етиштириш бўйича харажатларини молиялаштириш учун 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг кредит ресурслари ҳисобидан тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар фақат 11 ой ўтганидан сўнг қайтарилади, ҳар бир транш учун қайтариш муддатини ҳисоблаш эса пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерларига маблағлар келиб тушган пайтдан бошланади. Худди шундай тартиб тижорат банклари томонидан Жамғарма кредит ресурсларини қайтаришда ҳам қўлланилади, деб белгилаб берилган.

2.2-жадвал

Банкларнинг кредит қўйилмаларининг тармоқлар кесимимда

Портфел таркиби номи	2015	2016	2017	2018	2019
АТБ «Асака» банки					
Саноат	1 966 590	3 532 699	11 548 839	17 802 106	16 526 713

Қишлоқ хўжалиги	187 862	221 225	470 005	1 305 910	1 783 464
Транспорт ва коммуникация	26 362	41 547	86 593	155 614	315 005
Қурилиш соҳаси	231 246	333 676	853 311	1 747 382	311 429
Савдо ва умумий хизмат	374 650	379 606	339 889	797 712	1 018 503
Моддий ва техник таъминот	70 515	90 002	26 554	132 671	3 742
Уй-жой коммунал	57 720	55 588	190 764	64 476	120 950
Бошқа соҳалар	508 030	664 369	2 295 633	2 744 550	6 241 994
ЎзР. ТИФ Миллийбанк АЖ					
Саноат	1 348 669	1 500 575	6 262 503	10 344 729	15 071 280
Қишлоқ хўжалиги	263 933	333 571	840 952	1 391 715	2 788 481
Транспорт ва коммуникация	3 756 185	5 305 430	13 532 974	16 562 576	17 615 846
Қурилиш соҳаси	264 101	337 675	766 262	991 652	1 296 458
Савдо ва умумий хизмат	405 617	526 169	1 159 276	1 641 767	1 604 587
Моддий ва техник таъминот	24 097	22 415	42 721	117 940	217 177
Уй-жой коммунал	47 077	109 382	208 138	811 374	1 068 932
Бошқа соҳалар	3 865 449	4 870 291	12 369 010	14 711 824	15 325 791

Бизнингча, саноат, айниқса енгил саноатни кредитлашда давлат жамғармаси кредит линияларидан фойдаланиш назарда тутилмоқда. Ушбу кредит линиялари орқали амалга оширилган кредит қўйилмаларини қайтаришда 1 йилгача бўлган муддат енгилликларини берилиши енгил саноат корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш давлат томонидан алоҳида эътибор билан таъминланиши белгилаб берилмоқда. Шунингдек, ушбу маблағларни жамғармага қайтарилишида тижорат банкларига ҳам уйғун

равишда муддат энгиликларини берилиши белгиланиши тижорат банклари активлари сифатини пасайтирмасликка бўлган эътиборни ўзида акс эттиради.

Шунингдек, “Асака” АТБ томонидан ажратилаётган кредитлар ҳажмида пасайиш тенденциясини акс эттираётган тармоқлар ҳам йўқ эмас. Улар сирасига “қурилиш” ва “моддий ва техник таъминот” тармоқларида кредит қўйилмаларининг устуворлиги сезиларли бўлмаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, қурилиш тармоғига 2018 йилда 1,74 трлн. сўм атрофида кредитлар ажратилган бўлса, 2019 йилга келиб ушбу рақам 311 млрд. сўмни ташкил этган. Моддий ва техник тармоғида эса, 2019 йилга келиб 3,7 млрд. сўм кредит қўйилмалари мавжуд бўлиб уларнинг умумий портфелдаги улуши 0,01 фоиз атрофида бўлаётганлиги тармоқнинг етакчи аҳамиятга эга бўлмаётганлигини ўзида акс эттиради (2.2-жадвалга қаранг).

Фикримизча, Асака АТБнинг тармоқлар кесимидаги кредит қўйилмаларида йиллар ва жамидаги улуши жиҳатидан барқарор тенденцияга эга бўлган тармоқни қайд этиш қийин. Сабаби, бир хил тақсимотга эга бўлган тарзда ривожланиш тенденциясини акс эттирган “транспорт ва коммуникация” ва “савдо ва умумий хизмат” тармоқларига ажратилган кредитлари ўзининг ўтган йилги ҳажмига нисбатан барқарор ўсган бўлсада, уларнинг умумийдаги улуши нобарқарорлик билан шаклланиши юзага келган. Бунинг сабаби эса, бошқа тармоқларда кредит қўйилмаларининг кескин ортиши ёки камайиши билан изоҳланиши мумкин, деб ўйлаймиз.

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда, 2.2-жадвал асосидаги маълумотлар бўйича ТИФ Миллий банкнинг кредит қўйилмалари таркибини таҳлил этиб ўтамиз. Асака АТБнинг тенденцияларида бўлгани каби саноат тармоғи ТИФ Миллий банкнинг кредит портфелида сезиларли аҳамиятга эга, лекин етакчи эмас. Мазкур банк томонидан, транспорт ва коммуникация тармоғига берилган кредит ҳажми умумий портфелда энг катта 32 фоиз улушга эга, лекин бу 1/3 қисмдан катта эмас. Ўз навбатида, Асака АТБнинг кредит фаолиятида етакчилик қилаётган тармоқ 2/3 қисм улушга эгалик қилишини таъкидлаш лозим. Лекин саноат тармоғига кредит қўйилмаларини

йўналтириш улуши 2015 йилда 13,5 фоиз бўлган бўлса, 2019 йилга келиб ушбу рақам 27,4 фоизга етган. 2017 йилдан бошлаб тармоқдаги кредитлар ҳажми кескин ортишни бошлаган. Шу билан бирга, ушбу йилларда транспорт ва коммуникация тармоғининг улуши 37,6 фоиздан 32 фоизга ўзгарган.

Эътиборли жиҳати “моддий ва техник таъминот” тармоғи учун ажратилаётган кредит қўйилмаларининг ҳажми ТИФ Миллий банкда ҳам 1 фоизга етмаслигини маълум бўлади. Хулоса қилганда, Ушбу тармоқни кредитлаш амалиётининг ривожланиши танланган банкларимиз кредит портфелида сезиларли аҳамиятга эга эмас. Шундай бўлсада, мазкур тармоқни кредитлашда Асака АТБга нисбатан ТИФ Миллий банк 58 баробар кўпроқ маблағлар ажратганлигини қайд этиш лозим, зотан умумий кредит портфелидаги мос нисбатан 2,1 баробарни ташкил этади. Демак, ТИФ Миллий банк амалиётида Асака АТБга нисбатан сезиларли маблағлар йўналтирилмоқда.

ТИФ Миллий банкнинг кредит портфелида энг барқарор тарзда шаклланган кредит қўйилмаларига эга бўлган тармоқ – бу қишлоқ хўжалиги тармоғи ҳисобланади. Ушбу тармоқдаги кредит қўйилмалари ўтган йилга нисбатан ҳажми ва жамидаги улуши динамик ўсишга эга бўлмоқда. Ваҳоланки, ушбу тармоқни устуворлик нуқтаи назаридан АТ Агробанк кредитлашни амалга оширсада, ТИФ Миллий банкда ушбу тармоқда кредит тенденцияларини барқарор сақлаб турилишига эришилмоқда.

Бизнингча, ТИФ Миллий банк кредит портфели таркибида саноат ва транспорт тармоғининг етакчи аҳмиятга эга бўлмоқда. Ўз навбатида эса, ушбу тенденциянинг сақланиб қолишига юқорида қайд этиб ўтган (ПҚ-4453) қарор шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги “2018 — 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3422-сонли қарорининг қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу эса, давлат банклари томонидан давлат

иқтисодиётни қўллаб-қувватлашдаги ролини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

ТИФ Миллий банкнинг молиявий фаолияти тадқиқотчи Р.Бозоров томонидан ҳам ўрганилган. Унинг фикрига кўра, ТИФ Миллий банкнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари юзасидан ўзининг қуйидаги хулосаларини шакллантиришга муваффақ бўлган⁵⁰:

– Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кассали активлари 2014-2018 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса банк ликвидлигига салбий таъсир этиши мумкин;

– активлар рентабеллик кўрсаткичининг меъёр даражаси 1 фоизлигини инобатга олсак, Ўзбекистон Республикаси ТИФМиллий банк активлари рентабеллик кўрсаткичи динамикаси 2014-2016 йилларда меъёр даражасидан бир оз паст бўлган. Лекин 2017 йилда амалга оширилган девальвация сиёсатидан сўнг валюта активлари сўмга қайта баҳоланганида банкда катта маблағ келиб чиқди ва банкнинг соф фойдаси кескин ошиши ҳисобига мазкур кўрсаткич 4,4 фоизни ташкил этган. Лекин 2018 йилда банк активлари рентабеллик даражаси 1,4 фоиз ташкил этгани банк молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади;

– Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки маблағлари асосан икки хил активларда тўпланган;

– Миллий банк акциядорлик капитали 2014-2016 йилларда пасайиши тенденциясига эга бўлган, бу эса банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. 2017-2018 йилларда акциядорлик капиталининг бир оз ошганлиги кўринса-да, лекин буни меъёр деб айтиб бўлмайди. Сабаби, акциядорлик капитали активларга нисбатан 10 фоиздан паст бўлмаган ҳолатда бўлиши нормал ҳолат ҳисобланади. Бу эса келгусида миллий банкнинг Базель қўмитаси тавсияларини тўлиқ бажаришида турли муаммоларга дуч келиши мумкинлигидан далолат беради.

⁵⁰ Бозоров Р.Х. Тижорат банки молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил этиш амалиёти//Молия ва банк иши электрон илмий журнали. – Т.: БМА, 2019 сентябр-октябр. – 5-сон. – Б.4-10.

доц. Х.Рахматов томонидан республикамиз тижорат банкларида кредитларнинг даромадлилик даражасининг нобарқарорлигига сабаб бўлган асосий омиллар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтади⁵¹:

Биринчидан, муддати ўтган кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғининг пассайиш тенденциясига эга эканлиги. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғининг пасайиш суръати бир неча марта кузатилди.

Иккинчидан, тижорат банклари активлари таркибида даромад келтирувчи активларнинг пасайиш тенденциясининг мавжудлиги. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, муддати ўтган кредитлар миқдорининг ўсиш суръатига эга эканлиги, кредитларнинг ўртача фоиз ставкасининг пасайиш тенденциясининг мавжудлиги, брутто-кредитларнинг мураккаб суммада ўсиш суръатининг юқори эканлиги, пировард натижада, брутто-кредитларнинг ўсиш суръати билан кредитлардан олинган фоизларнинг ўсиш суръати ўртасидаги номутаносибликни юзага келтирди.

Учинчидан, тижорат банклари активлари ва пасивларини бошқаришда асосан фиксирланган фоиз ставкаларининг қўлланилиши сабабли банкларнинг бозор конъюктурасининг ўзгаришига тезда мослашиш ва даромадини ошириш имконияти анчагина чекланган.

Тўртинчидан, тижорат банклар актив операцияларида қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоиз белгилаш амалиётининг кенг тарқалганлиги. Холбуки, қайта молиялаштириш ставкаси фақатгина кредит ресурслари бозоридан сотиб олинган ресурслар ҳисобидан амалга ошириладиган актив операцияларда қўлланилиши лозим.

Тадқиқотимизнинг мазкур қисми юзасидан амалга оширган изланишларимиз ва ўрганишларимиз асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

⁵¹ Раҳматов Х.У. Тижорат банклари активларини макро ва микро таксимоти инструментларини қўллашнинг асосий жиҳатлари//Молия ва банк иши электрон илмий журнали. – Т.: БМА, 2019 сентябр-октябр. – 5-сон. – Б.36-41.

Банкларнинг кредит каналлари орқали иқтисодийни қўшимча маблағлар чиқарилиши инфляцияга жиддий таъсир кўрсатмайди, сабаби Ўзбекистонда монетизация коэффиценти юқори эмас. Шу боисдан, банклар томонидан юқори илмий сиғимкор ишлаб чиқариш тармоқларини кредитлашни кенгайтириши тавсия этилади;

Тижорат банкларининг кредит портфели таркибида, айниқса ТИФ Миллий банк фаолиятида хорижий валюталар асосида берилган кредитларнинг ҳажми йирик улушга эга бўлмоқда. Бу эса, валюта сиёсати ва халқаро иқтисодий муносабатларга бўлган банк рисклари сезувчанлигини ошишига сабаб бўлиши мумкин;

Банклар фаолияти саноат, айниқса Асака АТБ кредитлаш амалиётида сезиларли йирик улушга эга бўлмоқда, лекин ТИФ Миллий банкда транспорт ва коммуникация тармоғи ҳам устуворлик касб этмоқда;

Моддий ва техник таъминотни кредитлаш танланган банклар учун устувор кредитлаш тармоғи сифатида акс этмаган, унинг жамидаги улуши энг кичикни ташкил этмоқда;

Ўрганилган даврда танланган банкларнинг энг сезиларли рискларидан бири – бу кредит қўйималарининг тармоқлар кесимида диверсификация қилинмаганлиги ва айрим тармоқларнинггина етакчилик қилиши бунини янада ортишига олиб келмоқда;

Танланган банклар давлат банклари бўлганлиги сабабли давлат дастурлари ва ислохотларини амалга оширишда ўзининг ўрнига эга бўлмоқда ва кредит линияларини ташкил этилишида уларнинг ролига эътибор қаратилмоқда.

2.2. Тижорат банкларининг кредит портфели ва уларда таркибий риск омиллари

Иқтисодийни либераллаштириш доирасидаги амалга оширилаётган шароитда бизнес субъектларининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжлари ва шу асосда ишлаб чиқариш жараёнларини қайта қуролантириш мақсадида

инвестицияларнинг зарурати бирламчи рол ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, бизнес субъектлари ўзларининг молиявий ресурслари таркибини диверсификация қилиш орқали бизнес фаолиятини янада ривожлантиришга бўлган талабнинг жадаллашиши вужудга келмоқда.

Бу эса, иқтисодиётда молиявий локомотив вазифасини бажарувчи молия институтлари ресурсларидан фойдаланишнинг оптимал ечимини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш эса долзарблик касб этади. Тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган молиявий фаолиятларнинг марказий бўғинида тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиёти муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш молиявий воситачилар орқали таъминланиши ва айниқса тижорат банкларининг бу борадаги имкониятларидан фойдаланиш муҳимдир. Бу билан эса, банк ресурслари кредит-инвестицион фаолиятида эса молиявий ресурслар эса ишлаб чиқариш асосига айланади. Ушбу омилнинг мавжуд эканлиги тижорат банкларининг молия институтлари ичида энг аҳамиятлиси бўлиб қолишига имконият яратиб беради.

Бу билан, банк кредитлари алоҳида хусусиятли мазмун касб этиши юзага чиқади. Тижорат банкларининг кредит фаолияти инвестицион жараён сифатида қаралиши уларнинг билвосита иштироки мавжудлигини ўзида акс эттириб беради. Мазкур ҳолатда, тижорат банкларининг кредит фаолияти уларнинг молиявий ролини юқори босқичга олиб чиқади. Бу эса, тижорат банкларининг бозор иқтисодиёти шароитида бизнес субъектларининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини молиялаштирилишига ёрдам беради ва пул-кредит муносабатларини тартибга солиш вазифасини амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқотимиз доирасида танлаган банкларимизнинг кредит сиёсати ва унинг рискга тортилганлик даражасини таҳлил этишда давом этамиз.

2.3-жадвал

**«Асака» АТБ банки томонидан тадбиркорлик субъектларига
ажратилган кредитлар бўйича, млрд. сўм**

№	Тармоқлар бўйича ажратилган кредитлар	2015	2016	2017	2018	2019
1.	Инвестицион кредитлари миқдори	1 384	1 381	3 017	10 268	7 077
2.	Хорижий валютада ажратилган кредитлар миқдори	683	789	1 757	7 747	6 167
3.	Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга ажратилган кредитлар миқдори	104	28	250	522	396
4.	Кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитлар миқдори	75	97	121	129	267
5.	Жисмоний шахсларга берилган кредитлар миқдори	194	238	763	589	2 738
6.	Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга	69	326	270	579	242
7.	Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга	590	306	721	1 120	933
8.	Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга	12	16	20	32	40
9.	Касб-ҳунар коллежи битирувчиларига	12	15	13	6	-
10.	Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ажратилган кредитлар	100	129	143	415	238

Асака АТБнинг тадбиркорлик субъектларига ажратган кредитларни таҳлил этадиган бўлсак, банкнинг инвестицион кредитлари энг йирик улушга эга бўлаётганлигини кўриш мумкин. 2017-2018 йиллардаги ўсиш тенденцияси сезиларли даражада бўлганлиги ва 3 трлн.дан 10 трлн. сўмга ортганлигини қайд этиш мумкин. 2019 йилга келиб пасайиш кузатилган, лекин 2015 йилга нисбатан эса, 5 баробар ўсишга эришилган.

Умуман олганда, Ўзбекистонда тажорат банкларнинг инвестицион фаолиятига эътибор қаратилаётган бўлсада, инвестицион банкларнинг вужудга келишига шарт-шароит яратиш муҳим ҳисобланади. Ўз навбатида, банкларнинг инвестицион фаолияти ва инвестицион банкларга нисбатан ёндашув ўртасидаги ўз фарқли жиҳатларни аниқлаштириш лозим.

Тадқиқотларимиз асосида айтишимиз мумкинки, инвестицион банклар кредит бериш амалиётини амалга оширмайди, балки улар тўғридан-тўғри

лойиҳаларни молиялаштиради. Бунда банклар бевосита бошқарувда иштирок этишади. Аксинча, тижорат банклари эса кредит берганда лойиҳанинг корпоратив бошқарувида иштирок этмайди. Мазкур омиллар ўзаро фарқли жihatларни ўзида акс эттириб беради.

Инвестицион банкларни ривожлантириш имкониятларини тадқиқ этган тадқиқотчилардан С.Игамбердиев ҳисобланади. У айнан инвестицион банклар фаолиятини шакллантириш ва уларни ривожлантиришга қаратилган илмий хулосаларини асослаб беради. Жумладан, “Республикамиз банкларининг кредит портфели таркибида уч йилдан ортиқ муддатга берилган инвестицион кредитлар салмоғининг ўсиш тенденциясига эга эканлиги, шу билан бирга айрим йирик тижорат банклари кредит портфелининг етарли даражада диверсификация қилинмаганлиги, юқори ликвидли қимматли қоғозлар ҳажмининг чекланганлиги каби омиллар кредит ташкилотлари инвестицион фаолиятини бошқариш заруратини оширишга хизмат қилади⁵²” деган фикрни айтиб ўтади.

Шунингдек, доцент Ф.Додиев тижорат банклари томонидан синдициялашган кредит бериш амалиётини йўлга қўйиш орқали банкларнинг инвестицион фаолиятини янада ривожлантиришнинг зарурлигини таъкидлаб ўтади⁵³.

Бизнингча, Асака АТБ томонидан инвестициявий кредитларни амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- инвестицион кредитларининг узок муддатли шакллари ҳажмини янада ошириш;
- инвестицион фаолиятни қимматли қоғозлар бозорида ҳам амалга оширишни йўлга қўйиш;

⁵² Игамбердиев С.Х. Инвестицион банклар фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферати. – Т. ТДИУ, 2018. – 61 б.

⁵³ Додиев Ф.У. Тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўллари//Иқтисод ва молия журнали. – Т.: 2014. -№3. Б.23-29.

– тижорат банклари фаолиятида синдициялашган кредит механизмларидан фойдаланиш ва кредит йўналишларини диверсификациялаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

2.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Жисмоний шахсларга берилган кредитлар” ҳажмининг 2019 йилга келиб кескин ошганлигини кузатиш мумкин. Ушбу тенденциянинг ривожланишига асосий сабаблардан бири – бу аҳолини микрокредитлаш механизми орқали тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган ислохотнинг амалга оширилиши билан боғлиқ. 2015-2019 йилларда жисмоний шахсларга берилган кредитлар ҳажми 4,5 трлн. сўми ташкил этган бўлса, унинг 60 фоиздан ортиқ қисми – 2,7 трлн. сўми 2019 йилнинг ўзида амалга оширилган.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “«Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сонли қарорининг қабул қилиниши жисмоний шахсларга бериладиган кредитлар ҳажмини ошишига туртки берди.

Бизнингча, жисмоний шахсларга берилган кредитларнинг бу замида ошиб кетиши банк рискларини ошишига жиддий таъсир кўрсатади. Бунга сабаб, микрокредитлашда тўлов қобилияти юқори бўлмаган аҳоли қатламига эътибор қаратилиши истиқболда банк активларининг сифатини пасайтиришга жиддий таъсир этиши мумкин. Шу боисдан, кредитлар таркибида йирик бизнес вакиллари ва уларнинг фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш – кредитлаш амалиётини ривожлантириш ижобий натижа бериши мумкин. Масалан, жисмоний шахсни яқка тартибда бизнесга йўналтириш учун унга микроқарз берилиши бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Жумладан, банк кредитининг маълум фоизларга эга эканлиги молиявий ресурс нархини оширади. Бошқа томондан эса, иш ўрнининг таннархи ошишига олиб келади.

Агар йирик бизнесга кредит йўналтириладиган бўлса, йирик бизнесда “иш ўрнининг” таннархи бир нечта иш ўрни яратилиши ҳисобига камаяди. Иккинчидан, яратилган иш ўрнида жисмоний шахслар маблағ билан эмас,

балки энг минимал ресурс – меҳнат (иш куч)лари билан иштирок этишлари тўғридан-тўғри даромад олишнинг рентабеллигини оширишга хизмат қилади. Шу боисдан, жисмоний шахсларга микрокредитларнинг тақдим этилиши банк рискларини оширишга олиб келади.

Шу ўринда, М.Дрехман ва М.Жуселиус томонидан 27 та, хусусан 19 та ривожланаётган мамлакат юзасидан амалга оширилган тадқиқотларда аҳоли кредит қарздорлиги бўйича қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичини аҳолининг жами соф даромадига нисбатан ҳисобланганда 5-20 фоиз ораликда шаклланганлиги аниқланган. Бунда, тизимли банк инқирози юз берган деярли барча ҳолатларда мазкур инқирозлар юз беришидан олдин Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичининг деярли бир хил даражагача (20 фоиздан юқори) кўтарилганлиги кузатилган. Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, банк рискларининг юзага келишида аҳоли даромадларининг кредит қайтара олиш имкониятини доимий мониторинг қилиш ва унда кўрсатилган мезонларни инобатга олиш долзарб ҳисобланади⁵⁴.

2.4- ва 2.5-жадвал маълумотларини таҳлил этиш орқали Асака АТБ ва ТИФ Миллий банк кредитларининг валюта таркибини ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Тижорат банклари томонидан хорижий валюталарда ажратилаётган кредитларнинг асосий мақсади Ўзбекистонга импорт қилинувчи технологияларни жалб этилиши билан боғлиқдир. Ўз навбатида, хорижий валюталарда бериладиган кредитлар ҳажмининг ортиб бориши мамлакат тўлов балансининг салбий қолдиғи ошишига олиб келиши мумкин. Жумладан, 2020 йилнинг 1 январ ҳолатига тўлов баланси молиявий ҳисоб қисмининг қолдиғи салбий бўлиб, 6,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Бу эса, хорижий валютадаги инвестициялар жалб этилиши ошганлигини аниқлатади. Бизнингча, жорий даврда бу каби сальдоларнинг мавжуд бўлиши истиқболда ижобий қолдиқ пайдо бўлишига замин яратади, қачонки хорижий маблағлар

⁵⁴ Каралиев Т. Усмонов Б. Аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юки таҳлили ва уни оптималлаштириш//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – Т.: 2020. - № 1, февраль.

истеъмолга эмас, балки қўшимча қиймат яратишга йўналтирилиши зарур ҳисобланади.

2.4-жадвал

«Асака» АТБ кредит портфели валюта таркиби

	2015	2016	2017	2018	2019
<i>Узоқ муддатли</i>					
Сўм, млн. бирликда	2 135 536	2 253 567	3 653 454	5 555 936	9 935 953
АҚШ доллари, млн. бирликда	313	849	1 422	1 957	1 097
Евро, млн. бирликда	11	10	30	98	280
Япон иенаси, млн. бирликда	-	-	-	22 344	22 855
<i>Қисқа муддатли</i>					
Сўм, млн. бирликда	361 154	272 886	205 466	225 645	552 564
АҚШ доллари, млн. бирликда	2	0	10	1	17
Евро, млн. бирликда	2	3	3	4	28

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида “Банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узоқ муддатли ресурслар олиб келиши зарур. Миллий банк ва Ипотека банк бу йил ўз евробондларини чиқариши мақсадга мувофиқдир” деб таъкидлаб ўтдилар.

Юқоридаги тадқиқотларимизда таъкидлаганимиздек, танланган тижорат банкларида узоқ муддатли кредитларнинг улуши сезиларли даражада катта улушга эkanлиги маълум. 2.4-жадвалдан ҳам кўришиб турибдики, Асака АТБ томонидан ажратилган кредитларда узоқ муддатли кредитларнинг ҳажми сезиларли даражада катта эkanлиги маълум бўлмоқда. 2018-2019 йилларда Япониянинг «The Bank of Tokyo-Mitsubishi UFJ, LTD.», «SMBC», «Mizuho» и «ING» каби банкларининг 20 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги синдициялашган кредитлари ҳисобига кредит линияси келишувига эришилган бўлса,

“Навоиазот” АЖ базасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 577 млн. АҚШ доллари ҳисобида ҳам шартномалар имзоланган⁵⁵.

Умуман олганда, хорижий валюталардаги кредитларнинг барқарор динамикага эга бўлмаётганлигини кўриш мумкин. Масалан, Япония иенасида 2018-2019 йилларда линиялар очилган бўлса, қисқа муддатли даврда АҚШ долларидаги кредитлар 2016 йилда кузатилмаган. Шу билан бирга, узок муддатли даврда 2015-2019 йилларда АҚШ долларидаги кредитлар 2019 йилга келиб камайган бўлса, евродаги кредит линиялари кескин ошиш тенденциялари юзага келган. Қисқа муддатли даврда эса, барча хорижий валюталарда кредит портфеллари ҳажми кескин ошиши билан ифодаланган (2.4-жадвалга қаранг).

Хулоса қилиб айтганда, хорижий валютадаги кредит линияларининг барқарор шакллантирилиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги. Айрим йилларда трендлар ошган бўлса, айрим даврларда пасайиш ҳолатлари кузатилган. Шу нуқтаи назардан, динамик барқарорликга эришишда кредит портфели валюта таркибини шакллантиришда АҚШ доллари ва евронинг ўзаро нисбатини тенглаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Сабаби, ушбу икки валюта доимий тарзда ўзаро нисбатидаги ўзгариш банкларнинг кредит портфелига жиддий таъсир кўрсатмайди. Бунда бир валютадаги курснинг салбий ҳолати иккинчи валютадаги курснинг ижобий ўзгариши билан акс этишини инобатга олиш зарур бўлади. Мисол учун, АҚШ доллари еврога нисбатан қадрсизланиши натижасидаги йўқотиш евронинг барқарорлашиши билан тўлдирилишига шарт-шароит яратилади.

2.5-жадвал маълумотларида ТИФ Миллий банкнинг кредит портфели валюта таркибини ўзида акс эттиради. Мазкур банкда Асака АТБга нисбатан вазият анча бошқача тарзда шаклланганлигини кузатиш мумкин. Эътиборли жиҳати 2019 йилга келиб ТИФ Миллий банк томонидан АҚШ долларида

⁵⁵ Проведена пресс-конференция «о проведенных работах банком «асака» по привлечению иностранных кредитных линий». https://www.asakabank.uz/ru/press-centr/meropriyatiya/provedena_press_konferenciya_o_provedennyh_rabotah_bankom_asaka_po

ташқари валюталарда кредитлар тақдим этиш ҳолати шаклланганлиги ва унинг ҳажми АҚШ долларига нисбатан катта бўлганлигини ижобий баҳолаш мумкин. Умуман олганда, 2019 йилда қисқа муддатли АҚШ долларидagi кредитларнинг ҳажми ҳам кескин ўсишни ўзида акс эттирган бўлса, ушбу даврда узоқ муддатли АҚШ долларидagi кредитлар камайиш тенденциясини ўзида акс эттирган.

2.5-жадвал

ТИФ Миллий банкнинг кредит портфели валюта таркиби

	2015	2016	2017	2018	2019
<i>Узоқ муддатли</i>					
сўм, млн. бирликда	2 190 476	3 034 459	5 267 550	9 084 026	17 772 890
АҚШ доллари, млн. бирликда	6 082 078	8 036 307	24 304 499	31 708 915	28 571 500
Бошқа валюта, млн. бирликда	1 530 196	1 813 857	4 778 822	5 069 941	6 646 650
<i>Қисқа муддатли</i>					
Сўм, млн. бирликда	169 419	117 289	755 255	632 910	913 087
АҚШ доллари, млн. бирликда	2 958	3 597	75 711	77 785	338 147
Бошқа валюта, млн. бирликда	0	0	0	0	746 278

Тижорат банклари кредит потенциали, шунингдек, эквивалентига кўра миллий ва хорижий валютада бўлади. Бу эса миллий ва хорижий валютада қай даражада маблағлар мавжуд эканлигидан далолат беради. Бугунги кунда Марказий банк томонидан миллий ва хорижий валютада жалб этилаётган депозитларга нисбатан бир хил мажбурий захира талабномалари ўрнатилиши тижорат банкларининг хорижий валютадаги кредит потенциалига салбий таъсир қилмоқда⁵⁶.

Тадқиқотлар асосида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

⁵⁶ Отамуродов Х. Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришни оптимизация қилиш масалалари//Бизнес-Эксперт журнали. – Т. 2019. - №3(135)-2019.

– танланган банкларда хорижий валюталардаги кредитлар ҳажми турли миқёсда шаклланмоқда. ТИФ Миллий банкда хорижий валютадаги кредитлари ҳажми сезиларли даражада юқори бўлмоқда;

– 2017 йилда хорижий валютадаги кредитларнинг ҳажми сезиларли даражада ортишни бошлаган;

– кредит портфели валюта таркибини диверсификация қилинмаганлиги риск даражасини ошириб, валюта курсларига нисбатан сезувчанликни ошишига олиб келмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозим, валюта курсининг нобарарорлиги банклар активлари сифатига жиддий таъсир кўрсатиши Fitch Ratings томонидан ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилди. Fitch Ўзбекистон банкларининг турли сценарийларда сўм курси пастлашувига бардошлилигини баҳолади. Агентлик баҳосига кўра, «Асака» банки курснинг 20 фоизга пастлашига дош бера олади, бироқ улар қўшимча капитал ёки баландроқ даражада пастлаш кузатилган тақдирда, белгиланган талаблардан чекинишга заруратни келтириб чиқариши мумкинлигини қайд этди. Сўмнинг девальвацияси банкларнинг хорижий валютада номинацияланган инфляция активлари орқали капиталлашувига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, бироқ, агентлик тахминига кўра, бу таъсир мўътадил бўлади. Девальвация "Асакабанк"да (54%) юқори даражада бўлган валюта кредитлари сифатининг ёмонлашувига олиб келиши ҳам мумкин⁵⁷.

Тадқиқотимиз учун танланган тижорат банкларининг кредит амалиётини таҳлил қилишда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар трендларини ўрганишда давом этамиз. Ушбу банклар учун ўхшаш хусусият бўлиб 2017 йилда кредитлаш ҳажмининг ошиш тенденциясининг вужудга келганлиги билан ифодаланади.

2.6-жадвалда Асака АТБнинг жисмоний шахсларга ажратилган кредитлари ҳажмини кўриш мумкин. 2015-2018 йилларда истеъмол кредитлари жиддий ўсиш суръатларини акс эттирмаган бўлсада, 2019 йилга

⁵⁷ Fitch: Ўзбекистоннинг кўплаб банклари сўм курсининг пасайишига бардошли. 11 май 2017 й. <https://www.gazeta.uz/uz/2017/05/11/fitch/>

келиб 2018 йилга нисбатан 15 баробатга ортганлигини қайд этиш лозим. Умуман олганда, 2019 йилда ўтган 4 йилдаги истеъмол кредитларига нисбатан 3,9 баробар катта ҳажми ташкил этган.

2.6-жадвал

«Асака» АТБ банкида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар тақсимланиши, млн. сўм

Кредит тури	2015	2016	2017	2018	2019
Истеъмол кредити	21 595	37 700	226 839	99 266	1 496 393
Жумладан,					
Техника сотиб олишга	1 709	8 154	7 147	17 992	27 054
Бошқа мақсадларда	19 886	29 546	26 828	61 604	404 288
Автокредит	-	-	192 863	19 670	1 065 051
Ипотека кредит	158 148	192 526	330 231	421 168	1 087 214
Бошқа кредитлар	13 788	7 419	206 133	68 661	154 017

Истеъмол кредитининг кескин ортиб кетишига асосий сабаблардан бири автокредитнинг жадаллик билан амалиётга жорий этилишига бевосита боғлиқ ҳисобланади. 2015-2016 йилларда автокредит асосида жисмоний шахсларга кредитлар тақдим этилмаган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу турдаги кредитнинг ривожланиш тенденциялари шакллана бошлаган. Ўз навбатида, 2018 йилдаги пасайиш автокредитларнинг пасайиши билан изоҳланади. Сабаби, техника сотиб олишга ва бошқа мақсадларда берилган кредитлар ўсиши кузатилган бўлсада, жамидаги пасайиш автокредитлар билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Эндиликда, ипотека кредитлари тўғрисидаги тенденцияларга эътибор берсак, Асака АТБ томонидан берилган ипотека кредитлари юқори улушга эга бўлмасада, динамик ривожланиши барқарорликни кўрсатган. Хусусан, 2015-2019 йилларда ўсиш тенденциялари кузатилиб, 2019 йилда кескин ўсиш юзага келган. Таъкидлаш лозим, 2019 йилда истеъмол кредити ҳажми ипотека

кредитлари ҳажмидан сезиларли катта бўлган. Бундан хулоса қилиб айтганда, ипотека бозори юқори ривожланганликни акс эттирайди.

Бу борада, доц. Б.Сатторовнинг “ипотекани молиялаштиришнинг ҳажми ва ўсиш динамикаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати ва унинг асосида изчил амалга оширилаётган ҳозирги даврдаги ипотекани ривожлантириш талабларига ҳозирча тўлиқ жавоб бера олмаяпти, яъни ипотекани ўртача молиялаштириш ҳажмининг ЯИМдаги улуши жуда кам миқдорда (0,33 %) бўлганлиги учун миллий ипотека бозорининг иқтисодиётдаги ўрни жуда паст⁵⁸” мазмундаги илмий хулосаси ҳам ипотека кредити механизмини ривожлантиришни тақозо қилишини исботлаб беради.

Бизнингча, қиймат нуқтаи назаридан Асака АТБ томонидан берилган ипотека кредитининг истеъмол кредитидан кам бўлиши мазкур банк тизимида ипотека бозорида фаол иштирок этилмаганлигини англатади. Шунингдек, истеъмол кредити бозоридаги асосий урғу автокредитнинг шаклланиши билан ўз ифодасини топмоқда. Ушбу муаммоларнинг мавжудлиги кредитларнинг ўзаро нисбати ва уларнинг диверсификациясига эътибор бериш муҳим ҳисобланади.

ТИФ Миллий банк томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётини кўрадиган бўлсак, 2018-2019 йиллардаги рақамлар бу борадаги анча кучайганлигини кўрсатиб турибди (2.7-жадвалга қаранг).

Асака АТБдан фарқли ўлароқ жисмоний шахсларни кредитлашда ТИФ Миллий банкнинг кредит сиёсати нисбатан барқарор эканлигини қайд этиш мумкин. Шунингдек, автокредитлар 2015-2017 йилларда ҳам мавжуд бўлганлигини, 2018-2019 йилларда бир неча баробар ўсганлигини кўриш мумкин.

2.7-жадвал

ТИФ Миллий банкнинг жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар тақсимланиши, млн. сўм

⁵⁸ Сатторов Б.К. Ўзбекистонда ипотека қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш йўллари: и.ф.н. ... автореферат. –Т.: ТМИ, 2012. -24 б.

Кредит тури	2015	2016	2017	2018	2019
Истеъмол кредити	36 329	39 978	122 107	832 284	1 288 129
Жумладан,					
Техника сотиб олишга	5 694	4 557	44 388	301 447	401 906
Бошқа мақсадларда	29 608	35 068	77 433	242 219	239 091
Автокредит	1 026	353	286	288 619	647 133
Ипотека кредит	699 201	1 095 990	1 498 136	2 153 517	2 750 226
Бошқа кредитлар	58 669	66 753	270 185	303 239	507 115

Бизнингча, жисмоний шахслар истеъмолини молиялаштиришнинг кредит механизмининг ривожланишида ислохотларнинг янги босқичга олиб чиқиладиганлиги билан боғлиқ. Бу биринчидан, аҳоли даромадларининг ошаётганлиги билан изоҳланади. Иқтисодиётдаги қоидага кўра, аҳоли даромадларининг ошиши уларнинг келажакдаги даромадлари ҳисобидан жорий истеъмолларни оширишга хизмат қилади, деб таъкидланади. Шунга кўра, 2017-2018 йилларда ўтган йилларга нисбатан аҳоли умумий даромадлари ўсиши мос равишда 19 ва 28 фоизни ташкил этган. Кўриниб турибдики, аҳоли даромадларини ошиши уларнинг истиқболдаги даромадлари ҳисобидан жорий истеъмолни кредитлар асосида таъминланиши юзага келмоқда.

Қайд этиш керакки, ипотека кредитларини ажратиш истеъмол кредитларига нисбатан катта улушни ташкил этган. Жумладан, 2019 йилда ипотека ҳажми истеъмол кредити ҳажмига нисбатан деярли 2 баробарга катта ҳажми ташкил этган.

И.Қуллиев “қишлоқ жойларда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини ривожлантириш учун “Ғаллабанк” АТБни қайта ташкил этиб, фаолият йўналиши қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишига қаратилган “Қишлоқ қурилиш банк” АТБни ташкил этилиши Ўзбекистонда ипотекали кредитлаш

ва ипотека кредитлари бозорини фаоллашувига замин яратди⁵⁹” деб таъкидлаб ўтади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда 2020 йилдан бошлаб ипотека бозорини ривожлантиришда алоҳида ислохотларнинг амалга оширилиши бу борадаги тадбирларни янги bosқичга олиб чиқмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5886-сонли фармонининг қабул қилиниши банкларнинг ипотека сиёсатини янада такомиллаштиришга бўлган заруратни кўрсатиб берди.

Шу билан бирга, 2020 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги навбатдаги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга биноан, бирламчи бозордаги қурилиш тўлиқ тугалланмаган уйлар учун ҳам ипотека кредити берилиши белгилаб берилди. Эътиборли жиҳати ушбу қарор билан ипотека кредитлари муддатлари 15 йилдан 20 йилга қадар узайтирилди.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида танланган банклар кредит портфелларида қуйидаги муаммолар мавжудлиги таъкидлаш лозим:

– кредит валюта таркибининг нобарқарорлиги ёки битта валютага боғлиқлик миқёсининг юқорилиги;

– истеъмол кредитларида автокредитларнинг улуши юқорилиги, инсонларнинг маиший техникаларни кредитга сотиб олишга бўлган қизиқиши юқори эмаслигини англатади. Бунга фоизлар юқорилиги ва муддатлар қисқалиги сабаб бўлаётган бўлиши мумкин;

– ипотека кредитларининг кредит бозоридаги улуши юқори эмаслиги, инсонларнинг уй бозоридаги иштирокини пасайишига сабаб бўлаётганлигини кўриш мумкин;

⁵⁹ Қуллиев И.Я. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётини такомиллаштириш//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2017 йил

Бизнингча, банклар томонидан кредитлар тақдим этишда банк рискларини минималлаштириш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

– кредитлар валюта таркибида маълум валютанинг доминантлигига йўл қўймаслик учун валюта таркиби диверсификациясини таъминлаш;

– истеъмол кредитлари аҳолининг даромадларига боғлиқ равишда ўсишини инобатга олиб, уларнинг муддати ва фоизларини янада оптималлаштириш ва “содик мижозлар”га алоҳида тарифларни шакллантириш;

– ипотека кредитини тақдим этишнинг инсон ёшига нисбатан чегараланган даражасини белгилаш ва бунда ёши катталашиб боргани сари ипотека кредити муддатини қисқартириш имконини яратиш лозим. бу эса, ипотека кредити қопланишини таъминлашга ёрдам беради;

– ипотека муддатини олувчи томонидан таклиф этиш имконини тақдим этиш. Бунда, олувчи қисқароқ муддатни танлаши орқали (масалан, 20 йилнинг ўрнига 10 йил) кредит фоиз ставкасини пасайтиришга таъсир кўрсатиш имконини яратиш лозим;

– ипотека кредитига олинган мулкнинг мулк ҳуқуқини (мерос) тамойилини киритиш орқали кредит тўловларини давом эттиришга бўлган шароитни яратиш. Бу эса, ипотека олувчи томонидан кредит тўлиқ қайтарилмаганда (вафот этганда) унинг бошқа оила аъзоларининг даромадлари ҳисобидан тўланиши уларда мулк ҳуқуқи пайдо бўлишига имкон бериш билан банк рискини пасайтиришга эришиш.

2.3. Ўзбекистон тижорат банклари активлари сифатининг амалдаги ҳолати ва унинг банк рискларига таъсири таҳлили

2020 йилнинг биринчи чорагида коронавирус пандемиясининг тарқалиши билан молия институтларининг фаолиятида ҳам қатор мураккабликлар юзага келиши бошланди. Асосий қийинчиликлардан бири – бу тижорат банклари активларининг қайтиши билан боғлиқ ҳолатларининг мураккаблашиши ҳисобланмоқда. Жумладан, тижорат банкларидан олинган кредитларнинг қайтиши учун жисмоний ва юридик шахсларнинг тўловга қобиллиги билан боғлиқ вазиятнинг нобарқарорлашуви ортидан банк активлари сифатининг ўзгаришига таъсирлар юзага келиши мумкин эди.

Шундай бўлишига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан мамлакатимиз банкларининг молиявий рисклардан ҳимоялаш ва вазиятни барқарорлашувига қадар белгиланган меъёрларни четлаб ўтишга рухсат бериши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистонда карантин жорий қилинишининг дастлабки кунлариданоқ “кредит таътилларини” тақдим этишни барча тижорат банкларига тавсия қилди.

Натижада, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан “банклар томонидан жисмоний шахсларни тўлов муддати келган кредитларининг 75 фоизи, юридик шахсларни эса 58 фоизи бўйича тўлов муддатлари узайтириб берилди. Бу, ўз навбатида, банкларга пул оқимларининг кириб келиши пасайиши ҳисобига уларнинг кредитлаш имкониятининг маълум бир даражада қисқаришига олиб келади⁶⁰”, деб таъкидлаб ўтилди.

Умуман олганда, активлар сифатини бошқаришга нисбатан бир қанча ёндашувлар ҳам келтирилган бўлиб, уларнинг аксарияти халқаро стандартларни ўзида акс эттиради. и.ф.д., доц. Б.Т.Бердияров ўзининг монографиясида активлар сифатини баҳолаш мезонига эътиборни қаратади. Таъкидланишича, CAMELS рейтинг тизими томонидан ишлаб чиқилган мезонларга эътиборни қаратиш муҳим ҳисобланади. Тижорат банкларининг активлари сифати 5 фоиздан 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган шкала бўйича

⁶⁰ Пул-кредит сиёсати шарҳи 2020 йил 1-чорак. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. https://cbu.uz/upload/iblock/6a8/Monetary_Policy_Report_2020Q1_Uz.pdf

баҳоланади. Бунда активларнинг сифати тижорат банкининг рискка тортилган активлар суммасини жами капиталга бўлиш йўли билан улушни аниқлаш орқали баҳоланади. Ўз навбатида, активлар сифати кучли-қониқарли-ўртача-чегаравий-қониқарсиз тарзида акс эттирилиши ва 50 фоиздан ошиқни ташкил этганда қониқарсиз тарзда таснифланиши таъкидлаб ўтилади. Бу эса, активлар ва капиталнинг ўзаро уйғунликда шаклланиши муҳим эканлигини англатиши қайд этилган⁶¹.

Ўзбекистонлик тадқиқотчилардан Н.Карабаев ўзининг мақоласида муаммоли активларга нисбатан ёндашувни келтириб ўтади⁶². Унга кўра, Муаммоли активларни камайтириш учун қуйидаги чораларни кўриш тавсия этилади:

- муаммоли активлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган низом талабларига қабътий риоя қилиш;
- муаммоли активларни юзага келган кундан бошлаб, ҳар бирига алоҳида ёндашилган ҳолда, улар билан белгиланган тартибда ишлаш;
- муаммоли активлар билан ишлашда кредит комиссияси масъулиятини ошириш;
- кредит портфелини муддат, мақсад, тармоқ, молиялаш манбаси, кредит таъминоти бўйича диверсификация қилишни таъминлаш;
- муаммоли кредитларни оқилона шартларда реструктуризация қилишни йўлга қўйиш;
- банклар томонидан инвестиция қилишда энг аввало унинг қайтишини, даромадлилигини, яшовчанлигини ва эртанги кунга ишончини тўғри баҳолай билиш;
- муаммоли активларни камайтиришда суд ва ижро органлари билан ҳамкорликда самарали ишлашни йўлга қўйиш.

⁶¹ Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. Монография. – Т.: Молия, 2020. -170 б.

⁶² Карабаев Н.А. Тижорат банклари рейтингига муаммоли активларни таъсири//“UzBridge” электрон журнали. – Т. 2020. –№1. – Б.37-45. Электрон манба: <http://uzbridge.eyuf.uz/maqolalar/153884.pdf>

Рус олимларидан Д.Чичуленков банк активларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида қуйидаги фикрларни келтириб ўтади⁶³:

- турли (фоизли ва фоизсиз) шакллардаги тўғридан- тўғри даромадларни шакллантиришга хизмат қилади;
- вакиллик ҳисобварақлардаги ва кассадаги пул маблағлари бўйича банк ликвидлигини таъминлашга ёрдам беради;
- банкнинг фаолият олиб бориши учун зарурий шарт-шароитларни ташкил этиб беради (бино ва асосий воситалар в.х.).

М. Байбородина ўзининг диссертация авторефератида банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш омилларига эътибор қаратади. Унинг хулосалари молиявий барқарорликни таъминлашда банк активлари сифатини самарали бошқариш ва уни оптималлаштиришга қаратилган тавсиялар асосида шакллантирилган. Банк активларини самарали бошқариш орқали банкнинг рақобатбардошлиги ошиши, молиявий хизматлар қамровини оширишга имкон бериши алоҳида қайд этиб ўтилади⁶⁴.

Бизнингча, банк активларини бошқариш ва уларнинг сифатини янада такомиллаштиришда унинг тизимлаштирилиши ва баҳоланишига нисбатан тавсия этилган мезонларни жорий этиш муҳим ҳисобланади. Бу эса, банк активларини таҳлил этиш ва муаммоли активларни шаклланишига шароит яратадиган ҳолатларни олдиндан аниқлаш ва баҳолаш орқали молиявий рискларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда тижорат банклари активлари сифатини таснифлаш ва уларни бошқаришга нисбатан қўйилган меъёрий мезонлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги “Тижорат

⁶³ Чичуленков Д.А. Совершенствование управления портфелем банковских активов: автоферат ... к.э.н. – М.: ФА при правительстве РФ., 2009. - 32 с.

⁶⁴ Байбородина М.Н. Слияния и присоединения кредитных организаций в стратегии достижения лидерства на рынке банковских услуг: автоферат ... к.э.н. – М.: ФГБОУ ВПО «Государственный университет управления», 2012. - 32 с.

банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 14/5-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) қарори билан тартибга солинади.

2.8-жадвал

«Асака» АТБнинг активлар сифати таркиби, млн. сўм

Кўрсаткич	2015	2016	2017	2018	2019
Стандарт	3 704 049	6 737 971	17 595 866	23 802 594	22 947 068
Субстандарт	196 943	305 393	1 291 151	3 230 437	4 570 917
Қониқарсиз	15 533	19 228	139 656	273 923	230 126
Шубҳали	68 336	48 967	84 449	60 958	236 962
Умидсиз	9 263	6 465	8 626	118 699	188 274

Асака АТБнинг активлари таркибида стандарт таснифга эга бўлган активларнинг улуши 2018 йилдан бошлаб туша бошлаган. Ушбу кўрсаткич 2015 йилда жамига нисбатан 92,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2018-2019 йилларда мос равишда 86,6 ва 81,4 фоизга тенг бўлган. Ўз навбатида, субстандарт, шубҳали ва умидсиз активларнинг улушида ўсиш кузатилган бўлиб, субстандарт активларнинг ҳажми 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 1,34 трлн. сўмга ортганлигини кўриш мумкин .

Ушбу тенденциянинг вужудга келиши банкнинг капитал захираларни яратишга бўлган эҳтиёжини оширишга ва натижада банк рискнинг ортишига олиб келиши мумкин. Эътиборли жиҳати, 2018 йилдан бошлаб умидсиз таснифидаги активларнинг ўсишида кескин ўзгаришларни кўриш мумкин. Жумладан, умидсиз активлар 2017 йилда 8,7 млрд. сўм бўлган бўлса, 2018 йилда 118,7 млрд. сўмни ташкил этган. 2018 йилда ўтган йилга нисбатан ўсиш 13,6 баробарга тенг бўлган. Бу эса, Асака АТБнинг фаолиятида фойда

миқдорининг пасайишига ва банкнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

2.9-жадвал

«Асака» АТБ банк активлари ва захирали таркиби, млн. сўм

	2015	2016	2017	2018	2019
Муаммоли активлар	93 131	74 660	232 731	453 580	655 362
Махсус захиралар	146 509	149 173	448 416	506 577	1 054 311
Стандарт активларга яратилган захарилар	-	-	19 067	19 067	70 890
Шартлари қайта кўриб чиқилган активлар	123 024	180 328	107 721	123 212	101 442
Таъминланмаган активлар	12 397	0	77 990	216 227	419 070
Ишончли (эътимодли) активлар	12 397	-	-	-	-

Асака АТБнинг фаолиятида активлар сифатини таҳлил этадиган бўлсак, муаммоли активларнинг ҳажми мос равишда 2017 йилдан кескин ўзгаришни бошлаган. 2017 йилда ўтган йилга нисбатан муаммоли активлар 158 млрд. сўмга ортган. Шу билан бирга, 2019 йилда 2017 йилга нисбатан 2,8 баробар муаммоли активлар ўсишда давом этган.

Хулоса қилиб айтганда, активларни бошқаришда юқори сифат таснифини сақлаб қолиш ва банк рискларини янада пасайтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлиги юқори эмас. Шу нуқтаи назардан, активлар (танланга банкларда асосан – кредитлар) йўналтирилишини янада диверсификация қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бу эса, кредит бериш амалиётида тажрибадан ўтган ва синалган усулларни қўллаш орқали мижозларга кредитлар тақдим этишни тақозо этади. Айталик, кредит скоринг методини қўллаш орқали мижозларнинг тўлов қобилиятини янада чуқурроқ ўрганишни жорий этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/20-сонли “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори (Адлия вазирлигидаги рўйхат рақами 2696-2, 27.04.2018 й.)нинг қабул қилиниши стандарт активларга нисбатан яратиладиган захирларга бўлган талабни оширишга олиб келди. Ушбу қарор билан стандарт активларга яратиладиган захиралар уларнинг қолдиқ қийматининг 1 фоизи ҳажмида бўлиши белгилаб берилди.

Натижада эса, стандарт активлар учун шакллантирилган захиралар 2017 йилдан бошлаб юзага кела бошлаган. Жумладан, 2017-2018 йилларда ушбу кўрсаткич ўзгармай қолган бўлса, 2019 йилга келиб 3,7 баробарга ошганлигини кўриш мумкин. Ижобий трендлардан бири сифатида шартлари қайта кўриб чиқилган активларнинг улуши 2015-2019 йилларда кескин ортиб кетмаганлиги, аксинча баъзи йилларда ушбу рақамнинг пасайиш тенденциясига эга бўлаётганлиги банк-мижоз ўртасида кредит шартномалари юқори савияда тузилаётганлигини ўзида акс эттиради .

Тадқиқотимизда муаммоли активлар (M_a)га кўпроқ қайси турдаги кредитлар таъсир қилмоқда? мазмунидаги саволни корреляцион таҳлил қилиш орқали жавобини излашга ҳаракат қилдик. Бунинг учун биз кичик бизнесга микрокредитлар (K_m) ва жисмоний шахсларга ажратилган кредитларни (J_k) ҳажмини ўзгарувчи омил сифатида олган бўлсак, муаммоли активларни ўзгармас омил тарзида таҳлилимизни амалга оширдик.

Регрессион таҳлил учун Microsoft Excel дастурининг имкониятларидан фойдаландик. Натижада, 2.1 ва 2.2-формулада акс этган боғлиқни олдик (1 ва 2-иловалар)

$$M_a = 2995,3 \times K_m - 110864 \quad (2.1)$$

$$M_a = 205,4 \times J_k + 116169 \quad (2.2)$$

Кичик бизнесга микрокредитларнинг таъсири ($R^2=0,82$) жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг таъсири ($R^2=0,75$)га нисбатан кам эканлигини кўришимиз мумкин. Умуман олганда, жисмоний шахсларга ажратилаётган кредитларнинг тақсимоли муаммоли активларнинг тақсимоли билан уйғунлик касб этаётганлигини таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, муаммоли активларнинг юзага келишининг ҳар бир сўмида жисмоний шахсларга кредитлар ҳажмининг улуши каттароқ эканлигини қайд этиш мумкин.

Умуман олганда, Асака АТБ фаолиятида активларни бошқариш ва бу орқали банк рискларини камайтириш борасидаги трендларни юқори баҳолашга барча омиллар етарли, деб ҳисобламаймиз. Унинг сабаби сифатида кўйидагиларни келтириш мумкин:

- субстандарт, шубҳали ва умидсиз сифатига эга бўлган активлар охириги йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, банкнинг капитали етарлигига бўлган талаб ва рискнинг ортишига олиб келмоқда;

- муаммоли активлар ҳажми ҳам ортиш трендига эга бўлмоқда;

- махсус захиралар ҳажмининг ортиши активларнинг умумий ҳажмининг ортиш билан уйғун тарзда шаклланмоқда;

- шартлари қайта кўриб чиқилган активлар ҳажми бошқа сифатдаги активларга нисбатан барқарорлик касб этмоқда ва шартномалар тузилишида тажрибанинг барқарорлигини кўрсатмоқда;

- муаммоли активларнинг жами активлардаги улуши 2,3 фоизни ташкил этмоқда;

- муаммоли активларнинг юзага келишида жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг таъсири кичик бизнесга микрокредитлар таъсирига нисбатан катта бўлмоқда. Бу эса, жисмоний шахсларга кредитлар тақдим этиш шартларини қайта кўриб чиқиш ёки умуман бу турдаги кредитларни беришни оптималлаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда ТИФ Миллий банкнинг активлари сифатини таснифланиши ва уларга таъсир этувчи омилларни кўриб чиқамиз.

2.10-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2015-2019 йилларда стандарт тарзда таснифланган активлар улуши 93 фоиз атрофида сақланиб қолмоқда ва кескин ўзгаришни акс эттирмапти. Субстандарт ва шубҳали активларнинг 2019 йилга келиб ўтган йилга нисбатан пасайиши кузатилган бўлса, умидсиз активларнинг улуши ошганлигини кўриш мумкин. Бу эса, 2017-2018 йилларда қониқарсиз ва шубҳали активларнинг ошганлиги билан бевосита боғлиқ, деб ҳисоблаш мумкин.

2.10-жадвал

ТИФ Миллий банкнинг активлар сифати таркиби, млн. сўм

Кўрсаткич	2015	2016	2017	2018	2019
Стандарт	10 626 489	13 764 840	36 084 367	45 030 551	53 770 811
Субстандарт	524 096	375 262	2 144 871	1 693 625	1 871 910
Қониқарсиз	62 187	30 257	199 419	414 941	495 573
Шубҳали	59 734	41 032	143 269	292 288	222 480
Умидсиз	64 138	70 489	314 638	349 601	639 123

ТИФ Миллий банк ихтиёридаги муаммоли активларнинг ҳажми 2019 йилга келиб 442,8 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, ушбу рақам 2018 йилга нисбатан 97,1 млрд. сўмга пасайганлигини кўриш мумкин. Умуман олганда, мазкур банк фаолиятида банк рискларини бошқаришга нисбатан ижобийроқ ёндашув мавжуд эканлигини қайд этиш мумкин. Масалан, шартлари қайта кўриб чиқилган активларнинг пасайиш тенденцияси сезиларли даражада бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Ўз навбатида, Асака АТБдаги муаммоли активларнинг юзага келишида таъсир этувчи омилларнинг баъзиларини корреляцион таҳлилни амалга

оширганимиз каби ТИФ Миллий банкда ҳам айнан ушбу кўрсаткичлар – кичик бизнесга микрокредитлар ва жисмоний шахсларга кредитларнинг муаммоли активларнинг шаклланишидаги ўрнини баҳолаб чиқамиз. Натижада, 2.3 ва 2.4-формулада акс этган боғлиқни аниқладик (3-4 иловалар).

2.11-жадвал

ТИФ Миллий банк активлари ва захиралари, млн. сўм

	2015	2016	2017	2018	2019
Муаммоли активлар	175 092	149879	381428	539 872	442 779
Махсус захиралар	150 343	136 132	650 100	766 060	1 074 219
Стандарт активларга яратилган захарилар	-	-	117 309	201 238	306 837
Шартлари қайта кўриб чиқилган активлар	117 417	107 433	240 730	352 203	105 693
Таъминланмаган активлар	328 915	304 303	1 599 289	554 691	649 578
Ишончли (эътимодли) активлар	-	-	-	-	-

$$M_a = 0,577 \times K_m + 165738 \quad (2.3)$$

$$M_a = 0,176 \times J_k + 119873 \quad (2.4)$$

Бунда:

M_a - муаммоли активлар;

K_m - кичик бизнесга ажратилган микрокредитлар;

J_k - жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар.

Асака АТБдан фарқли равишда, кичик бизнесга ажратилган микрокредитларнинг таъсири ($R^2=0,46$) жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг таъсири ($R^2=0,71$)га нисбатан юқори бўлаётган бўлсада, муаммоли активларнинг шаклланишидаги боғлиқлик ўртачадан паст эканлигини кўришимиз мумкин. Умуман олганда, жисмоний шахсларга ажратилаётган кредитларнинг тақсимоти муаммоли активларнинг тақсимоти билан уйғунлик касб этаётганлигини таъкидлаш лозим.

Тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

– танланган банкларда активларнинг сифатини таснифлашда турли тенденциялар юзага келмоқда;

– Асака АТБда активлар сифатини бошқариш билан айрим мураккабликлар мавжуд бўлиб, улар банк рискларини шакллантиришга замин тайёрлаши мумкин;

– ТИФ Миллий банк активлари сифати бирмунча оптимал даражада шаклланган бўлиб, муаммоли активларнинг жами активлардаги улуши 0,77 фоиз ташкил этиши молиявий барқарорликни акс эттириб беради;

– танланган банкларда активларнинг нобарқарорлашувини аниқлашга қаратилган регрессион таҳлиллар жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг сезиларли таъсири мавжудлигини кўрсатмоқда;

– банк активлари сифатини самарали бошқаришда уларнинг капитал билан уйғун равишда бўлишига эришиш. Бунда, активларга ҳажмига нисбатан капитал ҳажмининг ортда қолмаслик чораларини кўриш муҳим, деб ўйлаймиз.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Диссертациямизнинг иккинчи бобида олиб борган изланишларимиз орқали қуйидаги илмий хулоса ва тавсияларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

1. Мамлакатимизда муомаладаги пул массасини таҳлил этсак, монетизация коэффициенти (пул муассасини ЯИМга нисбати) 2019 йилда 17,8 фоиз атрофида бўлганлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида, август ойида валюта депозитларининг кўпайганлиги миллий валютадаги депозитларнинг камайишига олиб келганлиги билан изоҳланади. Ушбу тенденция аҳолининг хорижий валюта сотиб олишга бўлган қайфиятини оширишга хизмат қилган. Ушбу жараёнда валюта бозоридаги ялпи талаб ортиши билан юзага келган. Фикримизча, монетизация коэффицентининг бу каби мураккаб вазиятда бўлиши уни барқарорлаштириш заруратини келтириб чиқаради. Бу эса, уни

шакллантиришнинг икки воситасидан бири бўлган банк қўйилмалари таркиби ва уни ривожлантириш имкониятларини таҳлил этишни тақозо этади. Бу билан, кредит қўйилмаларини муддат ва ҳажм нисбати бўйича портфелини такомиллаштириш, шунингдек банк рискларини тўғри баҳолашни талаб этади.

2. Таъкидлаш лозимки, кредит портфелида хорижий валютадаги кредитларнинг юқори бўлиши қуйидаги мураккабликларни келтириб чиқариш мумкин:

– хорижий мамлакатлар иқтисодиётидаги муаммоларнинг миллий банк тизимига кўчиши тезлашишиш мумкин. бу эса, банк рискинни ортишига олиб келиши мумкин;

– хорижий валютадаги кредит олганларнинг тўлов қобилияти мамлакатдаги девальвациянинг давом этиши натижасида тушиши мумкин. Натижада эса, банк активлари сифатининг пасайиши юзага келишига шароит яратилади.

3. Бизнингча, саноат, ва айниқса енгил саноатни кредитлашда давлат жамғармаси кредит линияларидан фойдаланиш назарда тутилмоқда. Ушбу кредит линиялари орқали амалга оширилган кредит қўйилмаларини қайтаришда 1 йилгача бўлган муддат енгилликларини берилиши енгил саноат корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш давлат томонидан алоҳида эътибор билан таъминланиши белгилаб берилмоқда. Шунингдек, ушбу маблағларни жамғармага қайтарилишида тижорат банкларига ҳам уйғун равишда муддат енгилликларини берилиши тижорат банклари активлари сифатини пасайтирмасликка бўлган эътиборни ўзида акс эттиради.

4. Тадқиқотимизнинг мазкур қисми юзасидан амалга оширган изланишларимиз ва ўрганишларимиз асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

– банкларнинг кредит каналлари орқали иқтисодиётни қўшимча маблағлар чиқарилиши инфляцияга жиддий таъсир кўрсатмайди, сабаби Ўзбекистонда монетизация коэффициенти юқори эмас. Шу боисдан, банклар

томонидан юқори илмий сиғимкор ишлаб чиқариш тармоқларини кредитлашни кенгайтириши тавсия этилади;

– тижорат банкларининг кредит портфели таркибида, айниқса ТИФ Миллий банкда хорижий валюталар асосида берилган кредитларнинг ҳажми йирик улушга эга бўлмоқда. Бу эса, валюта сиёсати ва халқаро иқтисодий муносабатларга бўлган банк рисклари сезувчанлигини ошишига сабаб бўлиши мумкин;

– банklar фаолияти саноат соҳаси, айниқса Асака АТБ кредитлаш амалиётида сезиларли йирик улушга эга бўлмоқда, лекин ТИФ Миллий банкда транспорт ва коммуникация тармоғи ҳам устуворлик касб этмоқда;

– моддий ва техник таъминотни кредитлаш танланган банklar учун устувор кредитлаш тармоғи сифатида акс этмагани йўқ, унинг жамидаги улуши энг кичикни ташкил этмоқда;

– ўрганилган даврда танланган банklarнинг энг сезиларли рискларидан бири – бу кредит қўйималарининг тармоқлар кесимида диверсификация қилинмаганлиги ва айрим тармоқларнинггина етакчилик қилиши буни янада ортишига олиб келмоқда;

– танланган банklar давлат банклари бўлганлиги сабабли давлат дастурлари ва ислохотларини амалга оширишда ўзининг ўрнига эга бўлмоқда ва кредит линияларини ташкил этилишида уларнинг ролига эътибор қаратилмоқда.

5. Олиб борилган тадқиқотлар асосида танланган банklar кредит портфелларида қуйидаги муаммолар мавжудлиги таъмидлаш лозим:

– кредит валюта таркибининг нобарқарорлиги ёки битта валютага боғлиқлик миқёсининг юқорилиги;

– истеъмол кредитларида автокредитларнинг улуши юқорилиги, инсонларнинг маиший техникаларни кредитга сотиб олишга бўлган қизиқиши юқори эмаслигини англатади. Бунга фоизлар юқорилиги ва муддатлар қисқалиги сабаб бўлаётган бўлиши мумкин;

– ипотека кредитларининг кредит бозоридаги улуши юқори эмаслиги, инсонларнинг уй бозоридаги иштирокини пасайишига сабаб бўлаётганлигини кўриш мумкин;

6. Бизнингча, банклар томонидан кредитлар тақдим этишда банк рискларини минималлаштириш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

– кредитлар валюта таркибида маълум валютанинг доминантлигига йўл қўймаслик учун валюта таркиби диверсификациясини таъминлаш;

– истеъмол кредитлари аҳолининг даромадларига боғлиқ равишда ўсишини инобатга олиб, уларнинг муддати ва фойзаларини янада оптималлаштириш ва “содиқ мижозлар”га алоҳида тарифларни шакллантириш муҳим ҳисобланади;

– ипотека кредитини тақдим этишнинг инсон ёшига нисбатан чегараланган даражасини белгилаш ва бунда ёши катталашиб боргани сари ипотека кредитини муддатини қисқартириш имконини яратиш лозим. Бу эса, ипотека кредити қопланишини таъминлашга ёрдам беради;

– ипотека кредити муддатини мижоз томонидан таклиф этиш имконини тақдим этиш. Бунда, олувчи қисқароқ муддатни танлаши орқали (масалан, 20 йилнинг ўрнига 10 йил) кредит фойз ставкасини пасайтиришга таъсир кўрсатиш имконини яратиш лозим;

– ипотека кредитига олинган мулкнинг мулк ҳуқуқини (мерос) тамойилини киритиш орқали кредит тўловларини давом эттиришга бўлган шароитни яратиш. Бу эса, ипотека олувчи томонидан кредит тўлиқ қайтарилмаганда (вафот этганда) унинг бошқа оила аъзоларининг даромадлари ҳисобидан тўланиши уларда мулк ҳуқуқи пайдо бўлишига имкон бериш билан банк рискини пасайтиришга эришиш.

7. Тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

– танланган банкларда активларни сифатини таснифлашда турли тенденциялар юзага келмоқда;

– Асака АТБда активлар сифатини бошқариш билан айрим мураккабликлар мавжуд бўлиб, улар банк рискларини шакллантиришга замин тайёрлаши мумкин;

– ТИФ Миллий банкнинг активлари сифати бирмунча оптимал даражада шаклланган бўлиб, муаммоли активларнинг жами активлардаги улуши 0,77 фоиз ташкил этиши молиявий барқарорликни акс эттириб беради;

– танланган банкларида активларнинг нобарқарорлашувини аниқлашга қаратилган регрессион таҳлиллар жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг сезиларли таъсири мавжудлигини кўрсатмоқда;

– банк активлари сифатини самарали бошқаришда уларнинг капитал билан уйғун равишда бўлишига эришиш. Бунда, активлар ҳажмига нисбатан капитал ҳажмининг ортда қолмаслик чораларини кўриш муҳим, деб ўйлаймиз.

III-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА РИСКНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Тижорат банклари фаолият рискни камайтиришда капитал монандлиги барқарорлигини таъминлаш

Молиявий барқарорлик тушунчаси бугунги кунда кўп иқтисодий адабиётларда кенг мунозарага сабаб бўлмоқда. Молиявий барқарорлик бу молия тизими, хусусан, молия бозорлари ва молиявий институтлар тизимининг беқарор иқтисодий шароитда асосий функцияларини бажара олиш қобилиятига айтилади⁶⁵. 2008 йилда жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирозининг содир бўлиши кўплаб молия ташкилотлари, хусусан, тижорат банкларида асосий функцияларни бажара олмаслик хавфини юзага келтирди. Бунинг асосий сабаби сифатида банкларнинг молиявий барқарорлиги етарли даражада таъминланмаганлиги кўрсатилди. Бу инқироздан кейин бутун дунёда молия институтларининг барқарорлик кўрсаткичларига кескин талаблар жорий қилинди.

Банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2010 йил ҳалқаро Базель қўмитасининг янги талаблари ишлаб чиқилди ва Базель III талаблари шу йилнинг ўзида Европа банк тизими амалиётига жорий қилинди. Базель қўмитаси банкларнинг бир нечта молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлари, хусусан, банк капитал етарлилигига қўйилган минимал талаблари (minimum capital ratio), ликвидлилик кўрсаткичи (liquidity coverage ratio) ва бошқа кўрсаткичларга қўйилган янги талабларни жорий қилди.

Банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда хорижий олимлар томонидан кўплаб изланишлар олиб борилган. Банкларнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича илк илмий изланиш олиб борган олим Гарвард университетининг молия ва банк иши бўйича профессори Оливер М.В. Спрагус⁶⁶ ҳисобланади. Унинг тадқиқоти банк мижозларининг ишончини

⁶⁵ Frederic S. Mishkin "The Economics of Money, Banking, and Financial Markets", page 216, 11th edition 2016.

⁶⁶ Oliver M. Sprague History of Crises under the National Banking System. Augustus m Kelley Pubs; New issue of 1910 ed edition (June 1, 1968)

ошириш орқали банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ғоясини илгари сурди. Сўнгги йилларда илм-фаннинг ривожланиши банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича янги методлар яратилди. Энг сўнгги замонавий компьютер дастурларига асосланган методлар бугунги кун амалиётида қўлланилмоқда.

Колумбия университети профессори банк молия соҳаси етук мутахассисларидан бири Фредерик С. Мишкиннинг таъкидлашича⁶⁷, банк тизимидаги маълумотларнинг ноаниқлик ҳамда ишончсизлик даражалари ошиши банкларнинг молиявий барқарорлигини пасайтиради.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Т.И.Бобакуловнинг фикрича, банклар молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили банк актив ва пасивлари ўртасида уларнинг муддати ва ҳажми бўйича мутаносиблигини таъминлаш ҳисобланади.

Проф. А.Амонов ва PhD Д.Нафасов банкларда молиявий барқарорликни таъминлаш банк таваккалчилигини бошқаришга боғлиқ эканлигини қайд этиб ўтишади. “Тижорат банклари таваккалчиликларини бошқариш усуллари – бу банкнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун таваккалчиликларни бошқариш, уларнинг хавфсиз даражасининг таъминланганлигини баҳолашга хизмат қиладиган ёндашув ва тенгликлар мажмуидир⁶⁸” тарзидаги иқтисодий таърифни шакллантиришади.

Тижорат банклари молиявий барқарорлик кўрсаткичларини ҳисоблашдан асосий мақсад фойдаланувчиларни молиявий институт қай даражада барқарор фаолият юритиши ҳақида маълумот билан таъминлаш ҳисобланади. Бу кўрсаткичларнинг халқаро даражада қиёслаш, кўрсаткичнинг моҳиятини кенгроқ ёритишга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, Халқаро валюта фонди экспертлари томонидан 1992 йил молиявий барқарорликни ҳисоблаш кўрсаткичлари биринчи марта ишлаб

⁶⁷ Frederic S. Mishkin “The Economics of Money, Banking, and Financial Markets”, page 216, 11th edition 2016.

⁶⁸ Амонов А., Нафасов Д. Банк таваккалчиликларини бошқариш усулларининг долзарб жиҳатлари// "Biznes - эксперт" журнали. – Т. 2016. - №7(103)-2016. Манба: <http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/43424-bank-tavakkalciliklarini-boshqarish-usullarining-dolzarb-jihatleri>

чиқилди ва тавсия этилди. 2002 йилда ва сўнгги марта 2006 йилларда баъзи ўзгартиришлар киритилди. Бу молиявий барқарорлик кўрсаткичлари жами 39 та бўлиб улар 2 та гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ асосий кўрсаткичларни (банк тизимида оид) ўз ичига олади ва 12 та молиявий кўрсаткичдан ташкил топган. Иккинчи гуруҳга кирувчи 27 та кўрсаткич, нобанк молия ташкилотлари, корхоналар ва уй хўжаликларининг молиявий барқарорлигини ҳисоблашда қўллашга тавсия этилган. Тижорат банклари фаолияти тадқиқот объекти бўлгани сабабли биринчи гуруҳ кўрсаткичларини ўрганишни лозим топдик.

3.1-жадвал

Халқаро валюта фондининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари⁶⁹

Категория	Кўрсаткич
Капитал монандлиги	Умумий капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати Биринчи даражали капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати Муаммоли кредитларга ажратилган захира ажратмаларининг активларга нисбати
Активлар сифати	Муаммоли кредитларнинг умумий кредитлардаги улуши
Даромад ва фойдалилик даражаси	Активларнинг даромодлилилик даражаси (ROA) Акциядорлик капиталининг даромадлилилик даражаси (ROE) Фоизли даромаднинг ялпи фойдадаги улуши Фоизсиз харажатларнинг ялпи фойдадаги улуши
Ликвидлилилик даражаси	Ликвидли активларнинг умумий активлардаги улуши Ликвидли активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати
Хорижий валюта билан боғлиқ риск даражаси	Банк соф очик валюта позициясининг капиталга нисбати

3.1-жадвалда келтирилган тавсиялар Халқаро валюта фондининг тавсиялари бўлиб, бугунги кунда Европа марказий банки томонидан

⁶⁹ Adam Gersl and Jaroslav Hermanek, "Financial stability indicators: Advantages and disadvantages of their use in the assessment of financial system stability", page 69.

амалиётда кўллаб келинмоқда. Ушбу келтирилган тавсияларни Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда ўрганиб чиқдик. Қуйида уларнинг таркиби келтирилган. 3.1-жадвалда келтирилган кўрсаткичлардан капитал монандлиги кўрсаткичи бирдан содир бўладиган молиявий йўқотишларга банкнинг қай даражада молиявий бардошлигини кўрсатса, активлар сифати эса банкнинг тўловга қай даражада қобиллигини ифодалайди. Даромад ва фойдалилик кўрсаткичлари банк капиталига таъсир этмаган ҳолатда йўқотишларни қоплай олиш даражасини кўрсатади. Ликвидлилик даражаси нақд пул муаммосини банк қай даражада бартараф этишини ифодалайди. Хорижий валюталардаги риск банкнинг хорижий валюталардаги активларининг бозор баҳолари ўзгариши банк фаолиятига қай даражада таъсир қилишини ифодалайди.

3.2-жадвал

Банклар фаолият самарадорлиги устувор кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар гурухи	Кўрсаткич	Устуворлик	Ўртача	Улуши	Гуруҳ устуворлиги	Улуши
Рентабеллик	ROA	1	5	0,33		
	ROE	2	4	0,27		
	Сотув рентабеллиги	3	3	0,2	1	0,4
	Кўшилган қиймат	4	2	0,13		
	Меҳнат рентабеллиги	5	1	0,07		
Капитал	Етарлилик	1	3	0,5		
	Мультипликатор	2	2	0,33	2	0,3
	Ҳимояланганлик коэффициенти	3	1	0,17		
Ликвидлик	Жорий ликвидлик	1		1	3	0,2
Активлар сифати	Активлар сифати	1		1	4	0,1

Банклар учун рискнинг олдини олиш ёки молиявий барқарорликни таъминлашда капиталнинг аҳамияти юқори ҳисобланади. Масалан, рус олими Е.Трофимова банклар рақобатбардошлигини таъминлашда рискларнинг олдини олиш муҳим эканлигига эътибор қаратиб, банкнинг молиявий барқарорлигини акс эттирувчи бешта асосий кўрсаткични баҳолаб беради⁷⁰ (3.2жадвалга қаранг).

Е.Трофимованинг тадқиқотларидан кўриниб турибдики, банкларда молиявий барқарорликни таъминлашда бир катор кўрсаткичларни тизимлаштирган ҳолда амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Унинг фикрича, банкларда активларнинг сифати ва капитал етарлилиги каби кўрсаткичлар рискларни олдини олишда алоҳида рол ўйнаши қайд этиб ўтилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, тадқиқотимиз давомида олиб борилган тадқиқотлар доирасида активлар (асосан кредитлар) сифати ва капиталнинг монандлилиги каби кўрсаткичларни таҳлил этдик. Шу жиҳатдан олиб қараганда, таклиф ва тавсияларни ҳам ушбу ўрганишлар доирасида ишлаб чиқилишига ҳаракат қиламиз.

3.3-жадвал

«Асака» АТБ активлари таваккалчилик даражаси бўйича гуруҳлари, фоизда

Таваккалчилик даражаси	2015	2016	2017	2018	2019
I гуруҳ — таваккалчилик даражаси 0 фоиз;	18,00	14,57	10,89	4,57	6,58
II гуруҳ — таваккалчилик даражаси 20 фоиз;	12,78	30,36	52,43	54,79	30,84
III гуруҳ — таваккалчилик даражаси 50 фоиз;	1,73	1,89	1,02	0,99	3,02
IV гуруҳ — таваккалчилик даражаси 100 фоиз;	62,91	50,67	34,43	38,58	55,99
V гуруҳ — таваккалчилик даражаси 150 фоиз;	4,58	2,51	1,22	0,53	3,21

⁷⁰ Трофимова Е.А. Оценка эффективности деятельности коммерческого банка в условиях межбанковской конкуренции: автореферат ... к.э.н. – Екатеринбург. Уральский федеральный университет, 2016. – 24 с.

VI гуруҳ — таваккалчилик даражаси 200 фоиз;	-	-	-	0,0005	0,22
VII гуруҳ — таваккалчилик даражаси 300 фоиз	-	-	-	0,54	0,16
Жами	100	100	100	100	100

3.3-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Асака АТБнинг активлари таваккалчилик даражасини таҳлил этадиган бўлсак, 2015-2019 йилларда активларнинг рисклилик даражаси ортиб бориш тенденцияси намоён этаётганлигини кўриш мумкин. Рисклилик даражаси мавжуд бўлмаган активлар улуши 2015 йилда 18 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 6,6 фоизга тенг бўлган. Шунингдек, рисклилиги 20 фоиз бўлган активларнинг улуши 2017-2018 йилларда 50 фоиздан ортиқни ташкил этган. Таъкидлаш лозим, рисклилиги 200 фоиз ва ундан ортиқ бўлган активлар 2017 йилга қадар мавжуд бўлмаган бўлса, 2018 йилдан бошлаб юзага келишни бошлаган.

Бизнингча, Асака АТБда активларнинг рисклилик даражаси ортиб бориш тенденцияси акс эттирмоқда. Айниқса, рисклилиги мавжуд бўлмаган активлар улуши пасайиш хусусиятига эга бўлса, 20 фоиз рискли активларнинг улуши сезиларли даражада ўсишни ифодалаб берган. Бу эса, активларни бошқаришга нисбатан замонавий ёндашувни талаб этади.

3.4-жадвал

ТИФ Миллий банкнинг активлари таваккалчилик даражаси бўйича гуруҳлари, фоизда

Таваккалчилик даражаси	2015	2016	2017	2018	2019
I гуруҳ — таваккалчилик даражаси 0 фоиз;	18,92	14,44	7,81	4,16	6,70
II гуруҳ — таваккалчилик даражаси 20 фоиз;	47,31	52,98	57,09	53,21	44,22
III гуруҳ — таваккалчилик даражаси 50 фоиз;	-	-	-	-	0,39
IV гуруҳ — таваккалчилик даражаси 100 фоиз;	0,39	0,36	0,17	2,93	1,06
V гуруҳ — таваккалчилик даражаси 150 фоиз;	32,87	32,06	34,75	39,42	45,72

VI гуруҳ — таваккалчилик даражаси 200 фоиз;	0,50	0,16	0,18	0,28	1,90
VII гуруҳ — таваккалчилик даражаси 300 фоиз				0,000015	
Жами	100	100	100	100	100

3.4-жадвал маълумотларида ТИФ Миллий банкнинг активлари рисклиликлари даражасини кўришимиз мумкин. ТИФ Миллий банкда ҳам рискли мавжуд бўлмаган активларнинг улуши 2015-2019 йилларда тушган, айниқса 2018 йилда 4 фоизга қадар етган. Лекин 20 фоизли риск даражасига эга бўлган активлар 2019 йилга келиб пасайиши кузатилган. Эътиборли жиҳати, 200 фоизли риск даражаси бўлган активлар 2016-2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлиб, 2019 йилда сезиларли ўсишни акс эттирган. Яна таъкидлаш лозим, 50 фоиз рисклиликлари эга бўлган активлар 2019 йилга келибгина юзага келган бўлиб, ушбу тоифадаги активлар бошқаруви самарали бўлганлигини кўрсатиб беради.

Умуман олганда, банклар фаолиятидаги рискларни бартараф этишда мамлакатимиз тижорат банклари, хусусан танланган банклар амалиётида баъзи муаммолар мавжуд эканлигини қуйида қайд этиб ўтиш мумкин:

- активлар (кредитлар)нинг маълум топ доирадаги йўналишларда тўпланиб қолаётганлиги;
- миждозларнинг кредитга тўлов қобилиятини (кредит скоринг) аниқлаш тизимини тўлақонлик жорий этилмаганлиги;
- муаммоли активларнинг юзага келишида микрокредитларнинг улуши юқори бўлиш эҳтимоллигининг мавжудлиги;
- рискка тортилган активлар таркибида юқори таваккалчилик хусусиятидаги активларнинг ўсиш тенденциясига эга бўлаётганлиги;
- банкларнинг капитал етарлилигини баҳолашда илғор хориж тажрибаларни инобатга олиш зарурияти мавжудлиги;

– танланган банкларнинг фаолиятида охириги йилларда активларнинг ошиб бориш тенденцияси юқори бўлаётганлиги капитал монандлигига нисбатан ёндашувни такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Активларнинг рискка тортилганлиги натижасидаги салбий оқибатларнинг олдини олиш ва юмшатиш юзасидан назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган мезонлардан фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичнинг асосий омили сифатида банк капиталининг етарлилиги билан аниқланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 14/3-сонли (Адлия вазирлиги рўйхат рақами 2693-сон) қарорининг қабул қилиниши муҳим ҳисобланади.

Ушбу ҳужжат билан банклар активларининг рисклилик даражасининг гуруҳларга ажратилиши мезонлари (3.1-3.3-жадваллардаги кўрсаткичлар) белгиланган бўлиб, банклар томонидан активлар, айниқса кредитларни жойлаштиришдаги йўналишларга эътибор қаратилган. Активларни жойлаштириш жараёнида юзага келадиган рисклар оқибатларини юмшатиш ва олдини олиш мақсадида банк капитали монандлигига расмий талаб белгиланган.

3.5-жадвал

«Асака» АТБнинг капитали монандлилик кўрсаткичлар, млн. сўм

	2015	2016	2017	2018	2019
Регулятив капиталга, (K1)	748 007	895 468	2 876 843	2 762 539	5 901 803
I даражали капиталга, (K2)	692 788	836 176	2 813 952	2 662 642	5 382 907
I даражали асосий капиталга	-	-	-	2 658 901	5 379 166

Мазкур ҳужжатга кўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб банклар таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда капитал

монандлиги (K1)нинг энг кичик даражасини 0,13 (13,0 фоиз) миқдорда таъминлашлари шарт. Ўз навбатида, капитал монандлиги регулятив капиталнинг рискка тортилган активлардаги улушини аниқлаш орқали баҳоланади.

3.5-жадвал маълумотларидан Асака АТБнинг 2019 йилдаги капитал монандлигини аниқласак 20 фоизни ташкил этаётганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Тадқиқотимизнинг 2-бобида кўриб ўтганимиздек, активлар ҳажмининг 2017 йилдан бошлаб ошиши ушбу даврдан бошлаб регулятив капиталнинг ҳам оширишга бўлган заруратни кўрсатиб берган. Масалан, 2019 йилда регулятив капитал ҳажми 2016 йилга нисбатан 6,6 баробарга ошганлиги ҳам капитал монандлигини ошириш тенденциясини ўзида акс эттирмоқда.

3.6-жадвал

ТИФ Миллий банк капитали монандлиги кўрсаткичлари, фоизда

	2015	2016	2017	2018	2019
Регулятив капиталга, (K1)	18,9%	19,3%	18,5%	14,3%	31,9%
I даражали капиталга, (K2)	14,2%	14,5%	14,5%	12,9%	25,6%
I даражали асосий капиталга	14,2%	14,5%	14,5%	12,9%	25,6%

ТИФ Миллий банкнинг капитал монандлигини таҳлил этиш учун 3.6-жадвал маълумотларидан фойдланамиз. ТИФ Миллий банкнинг капитал монандлиги коэффиценти 2015-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган расмий меъёрларга тўлиқ ҳолда таъминлаб борилган, 2019 йилга келиб эса, капитал монандлиги ёки регулятив капитал ҳажмининг сезиларли даражада ошганлигини кўриш мумкин.

Бизнингча, капитал монандлигини таъминлашда активларнинг ўсиши билан бирга олиб бориш, уларнинг кескин ортиб кетишига йўл қўймаслик мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Агар активларнинг ўсишидан капитал ўсиши ортда қоладиган бўлса, мазкур ҳолатда банкларнинг мажбуриятлари ўсиши

юзага келади. Натижада, банкларнинг рискга учраш даражаси сезиларли даражада ортишига шароит юзага келади. Бу эса, молиявий барқарорликка жиддий таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали банк рискларининг таъсир қилиш доирасининг олдини олинади. Юқоридаги тадқиқотларимиз натижасидан қуйидаги хулосаларга эга бўлдик:

биринчидан, даромад келтирмайдиган активларнинг жами активлардаги улуши юқорилиги;

иккинчидан; риск даражаси юқори бўлган активлар ҳажмининг жами активлардаги улуши жуда юқори;

учинчидан, банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга оширадиган инвестицион операцияларининг ривожланмаганлиги;

тўртинчидан; банк активларининг даромад даражасининг пастлиги (ROA).

Хориж тажрибасини (хусусан, Германия ва Япония банк тизимини) ўрганиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

– банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг молиявий инструментлар, хусусан, барқарор ресурс жалб қилишни таъминловчи қимматли қоғозлар олди-сотдисини амалга ошириш учун кенг йўл очиш;

– банклар актив ва пассивларини самарали бошқаришнинг янги усулларини (масалан, Германия ва Японияда кенг қўлланилувчи дериватив курулларни) амалиётга жорий қилиш;

– молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида Япония ва Германия амалиётида кенг қўлланилувчи секьюритизациялаш усулларидан кенг фойдаланиш;

– актив ва пассивлар муддати ҳамда ҳажми ўртасидаги муносабатликни таъминлаш.

3.2. Тижорат банклари фаолиятида рискларни бошқариш усулларини такомиллаштириш

Тижорат банкларида рискларни бошқариш усуллари банкнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолиятлар йиғиндисини ўзида акс эттиради. Бунда молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш ва унга қатъий амал қилиш муҳим ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, банк фаолиятидаги рискларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат бўлади.

Биз тадқиқотимиз давомида банкларнинг кредит фаолияти, активларнинг сифати ва капиталнинг етарлилиги бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилиб ўтдик. Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни ҳам ушбу йўналишда шакллантирилишига ҳаракат қиламиз.

Жаҳон тажрибасида банк рискларини бартараф этишнинг Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга тавсия этилган кўрсаткичлар тизими муҳим роль ўйнайди. 1974 йилда АҚШ, Япония ва Европа мамлакатлари иштирокида Швейцариянинг Базель шаҳрида банк фаолияти молиявий барқарорлигига нисбатан қўйилган мезонлар ишлаб чиқилишига дастлабки қадамлар қўйилган.

Базель кўмитасининг асосий эътибори банкнинг капитал етарлилиги кўрсаткичига қаратилади. 1988 йилдаги Базел-І талабларига кўра, капитал етарлилиги кредит рискига нисбатан 8 фоиз бўлиши жорий этилди. Базел-ІІ доирасида ишлаб чиқилган банк молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари тизими таркиби учтадан иборат бўлиб, улар капиталнинг етарлилиги (минимал талаблар), назорат жараёни ва бозордаги фаолият кабилар билан ифодаланади. Ўз навбатида, капиталга нисбатан қўйилган минимал талабларни ҳисоблашда қуйидагиларни инобатга олиш назарда тутилган:

1. Кредит рискинни стандартлашган ёндашув билан (Standardized approach –SA) ҳисоблаш.
2. Ички рейтинг асосидаги ёндашув билан (Internal rating based approach – IRB) ҳисоблаш.
3. Секьюритизация усули билан ҳисоблаш.
4. Операцион рискинни инобатга олиш билан ҳисоблаш.
5. Молиявий инструменти савдо портфели рискинни баҳолаш.

Банклар ушбу методларнинг биронтасини ихтиёрий тарзда танлаши мумкин. Умуман олганда, Базел-II қоидалари бўйича капитал етарлиликка қўйилган минимал меъёр 8 фоиз атрофида сақлаб қолинган бўлсада, рискка тортилган – кредит, бозор ва операцион активларнинг умумий ҳажмига нисбатан ҳисобланишини жорий этган.

Кредит рискиннинг стандартлашган ёндашув асосида аниқлаш рейтинг (S&P, Moody's ва Fitch) агентликлари томонидан берилган баҳолар орқали амалга оширилиши мумкин. Ички рейтинг асосидаги ёндашувда эса, банклар ўзлари мустақил тарзда рискларни баҳолашлари мумкин бўлади. Шу боисдан, кредит рискинни аниқлаш ва баҳолашда дефолт ҳолатининг эҳтимоллиги (PD – Probability of Default), дефолт ҳолатидаги йўқотиш (LGD-Los given Default), дефолт рискин доирасидаги активлар (EAD-Exposure at Default) ва сўндиришнинг реал муддати (M-Maturity) каби кўрсаткичларни инобатга олиш тавсия этилади.

Умуман олганда, Базел-II талаблари доирасида ушбу кўрсаткичларни ҳисоблашга нисбатан бирламчи ва иккиламчи доирада амалга оширилади. Бирламчи ҳолатда банк кредит рискинни ўзи мустақил баҳолашни амалга оширса, иккиламчи ҳолатда регулятор томонидан белгиланган мезонларга риоя қилиш орқали амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, банк, айниқса кредит рискинни аниқлаш ва баҳолашда ташқи ва ички ҳисоблаш механизмлари ўртасидаги чегарани аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бизнингча, кредит рискинни аниқлашда икки ёндашувни кўриш мумкин. Бунда, банк ўзи мустақил тарзда

мижознинг кредит лаёқатини баҳолайди. Лекин кредитларнинг рискка тортилга активлари таркибидаги мезонига нисбатан ёндашув Марказий банк томонидан белгиланган. Бу эса, кредит рискинни тўлақонли баҳолашга имкон бермаслиги мумкин.

Бу эса, банкларда рискка тортилган активларни бошқаришда халқаро стандартларни инобатга олиш заруратини келтириб чиқаради. Ушбу тенденциянинг яна бир қатор сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Ўзбекистонда кредит олувчиларнинг (жисмоний ва юридик шахсларнинг) тўловга қобиллигини баҳоловчи миллий рейтинг тизимининг шаклланмаганлиги;

- мавжуд рейтинг агентликларининг молиявий рисклар бўйича ҳисоботлари жорий даврга нисбатан ортда юриши. Натижада эса, банклар кредит рискларини жорий даврда мустақил баҳолаши заруратини доимий хусусиятга эга бўлишига олиб келади;

- Ўзбекистон миқёсида мижозларнинг кредит рискинни баҳолашда турлича ёндашувларнинг мавжудлиги. Масалан, чакана кредитлар тақдим этилишида жисмоний шахсларнинг айрим банкларда 6 ойлик, айрим банкларда 1 йиллик даромадлари тўғрисида маълумотларни талаб этилиши билан изоҳлаш мумкин.

Юқорида келтирилган омилларнинг мавжудлиги боис қуйидаги чоратadbирларни амалга ошириш лозим, деб ўйлаймиз:

- банк рискларини дефолт эҳтимоллиги ва дефолт ҳолатидаги йўқотишларини баҳолаш механизмини жорий этиш;

- дефолт эҳтимоллигини аниқлашга қаратилган молиявий кўрсаткичлар тизимини шакллантириш ва уларни баҳолашга қаратилган услубий қўлланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

- дефолт ҳолатида йўқотишлар ва уларни ўрнини қоплашнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам молиявий асосларини такомиллаштириш. Бунда банк рискларини камайтириш учун дефолтга сабаб бўлувчи омилларни олдиндан

аниқ белгилаш. Ушбу омиллар мавжуд бўлганда активларни муомалага чиқармаслик.

Базель-III талабларининг вужудга келиши 2008-2009 йиллардаги жаҳон молиявий инқирозининг юз бериши билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Сабаби, мазкур инқирознинг вужудга келиши дефолт ҳолатини аниқлаш ва баҳолашнинг ўзи етарли эмаслигини кўрсатиб берди. Натижада, банкларнинг капитал етарлилигига нисбатан янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо қилди. Мазкур янги ёндашув банк тизимини такомиллашган молиявий меъёрларга амал қилишни шакллантириб берди. Ушбу мезонларга тўхталишдан олдин банкларни мустақил тарзда кредит рискинни аниқлаш ва уни баҳолашга нисбатан айрим ёндашувларимизни шакллантиришга ҳаракат қиламиз.

Олдинги параграфларимизда амалга оширган тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, жисмоний шахсларга ва кичик бизнес субъектларига ажратилаётган кредитлар муаммоли активларни юзага келишида асосий омил бўлиб қолаётганлигини кўриш мумкин. Шу боисдан, Базель қўмитасининг юқоридаги тавсияларини инобатга олган ҳолда банк фаолиятидаги рискларнинг олдини олишда кредит олувчиларнинг тўлов қобилиятини баҳолаш муҳим, деб ҳисоблаймиз. Сабаби, кредит мажбуриятларини ўз вақтида бажарилмаслиги банк рискларини ортишига олиб келади.

Ю.Кудрявцева ўзининг тадқиқотида кредит скоринг моделини таклиф этиб, кредит рискинни аниқлашни шакллантиришга ҳаракат қилган⁷¹. Унга кўра, кредитнинг қуйидаги элементлар асосида риск даражасини аниқлашни асослаб беради: кредит муддати (0,3), кредит суммаси (0,3), кредитлаш механизми (0,05), таъминот сифати (0,2), кредит маблағининг улуши (0,05) ва кредит қиймати – фоизи (0,1).

Жисмоний шахсларнинг кредит рискларини олдиндан аниқлаш ва уни баҳолаш учун маълум ўрганишларни амалга ошириш зарур ҳисобланади.

⁷¹ Кудрявцева Ю.В. Развитие рынка кредитных услуг населению в России: автореферат ... к.э.н. – М.: Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации, 2011. – 26 .

Бунинг учун жисмоний шахснинг кредитга тўлов қобилиятини аниқлаш мақсадида қуйидаги муҳим кўрсаткичларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

– йиллик ўртача даромад – иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, молия бозоридан (депозит, дивиденд шаклида) даромадлар;

– йиллик ўртача харажатлар – истеъмол харажатлари, кредит бўйича (асосий ва фоиз) тўловлари ва бошқа харажатлар.

Ўз-ўзидан маълум бўладики, келтириб ўтилган икки кўрсаткич ўртасидаги профицит миқдорнинг кредит тўлов қобилиятини мавжуд эканлигини кўрсатиб беради. Аксинча банк томонидан кредит тақдим этилиши мақсадга мувофиқ эмаслигини англатади. Шу нуқтаи назардан, ушбу ҳолатда Блек-Шоулз моделига асосланган баҳолашни татбиқ этишни тавсия этамиз. Ушбу моделда Стенфорд университетининг молия бўйича профессори Майрон Шоулз ва Фишер Блек ҳаммуаллифлигида ишлаб чиқилган опционлар нархининг ўзгариши ва у билан боғлиқ рискларни баҳолашга қаратилган ҳисоб-китоблар акс этирилади. Ўз навбатида, М.Шоулз 1997 йилда “деривативлар баҳосини аниқлашнинг янги методи” мавзусидаги тадқиқот натижалари учун иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофотига лойиқ топилади.

Биз ушбу моделда опционнинг хусусиятларини татбиқ этишда баъзи ўзгаришларни киритишга эътибор бердик. Бунда, банк миқдори ўзининг даромадларининг маълум қисмини банкка “сотади”, ўз ўрнида банк мазкур жараёнда жисмоний шахс (миқдор)га “товар”-кредитни тақдим этади. Бунинг моҳияти жисмоний шахс ўзининг соф даромадлари (профицит сальдо) ҳисобидан “товар” – кредитни сотиб олиши мумкинлиги ёки йўқлигини кўрсатиб беради. Ушбу ҳолатда кредитнинг умумий нархи – фоиз ва асосий қарз бўйича – “товар”-кредит даври (опционни сотиб олиш куни) бўйича ҳисобланади. Бу эса, опционларни сотиб олиш ёки сотиб олмаслик тўғрисидаги қарорни қабул қилиш жараёнини Блек-Шоулз модели асосида кредитга тўлов қобилиятини аниқлашга моҳиятан татбиқ этишга имкон беради.

Кредитга тўлов қобилиятини аниқлашга қаратилган моделни қуйидагича (3.1-формула) шаклда бўлишини таклиф этамиз:

$$L_k = (D_{ж} \times e^{\delta t} + D_{и} \times e^{\delta_{и} t}) \times N(d_1) - (X_{ж} + X_k \times e^{rtk}) \times N(d_2) \quad (3.1)$$

L_k – мижоз (жисмоний шахс)нинг кредитга тўлов лаёқатлилиги (қобиллиги) кўрсаткичи;

$D_{ж}$ – жами даромадлар, $D_{и}$ – депозит ва дивиденд даромадлари;

δ – жами даромадлар билан боғлиқ риск, $\delta_{и}$ – депозит ва дивиденд билан боғлиқ риск;

$X_{ж}$ – жами истеъмол харажатлари, X_k – мижознинг кредитни тўлаш билан боғлиқ харажатлари;

r – кредит бўйича фоиз ставкаси, t – кредит муддати.

1-формулада келтирилган рискларни инобатга олишда иш ҳақи билан ва молиявий инвестициялар билан боғлиқ омилларни инобатга олиниши муҳим ҳисобланади.

Биринчидан, иш ҳақи билан боғлиқ рискларни ҳисоблашда жамғаришга мойиллик кўрсаткичини (меҳнат стажининг узлуксиз ва барқарор деб ҳисобланганда) инобатга олиш зарур, деб ўйлаймиз. Даромадни жамғаришга мойиллигида қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

$$Ж_m = \frac{\Delta И}{\Delta Д} = \frac{И_1 - И_0}{Д_1 - Д_0} \quad (3.2)$$

Бунда, $Ж$ – жамғариш; $И$ – истеъмол ва $Д$ – даромад.

Бунда даромад билан боғлиқ рискни бешта гуруҳга ажратамиз. Ўз навбатида жамғариш 0 ва 1 оралиғида ўзгариши мумкин бўлади ва 1 га яқинлашиш ижобий ҳисобланади. Улар:

$Ж=1$ бўлганда - риск даражаси мавжуд бўлмайди;

$Ж=0,5$ бўлганда – риск даражаси ўртачадан паст бўлади;

$Ж=0$ бўлганда – риск ўртача бўлади;

$Ж>0,5$ бўлганда – риск ўртачадан юқори бўлади;

$Ж<0,5$ бўлганда – риск юқори бўлади.

Жамғаришга мойиллик коэффициентлари билан жисмоний шахсларнинг даромадларини рискка тортилганлик даражасини аниқлаш мумкин бўлади. Бу билан эса, кредит тўловга қобиллигини аниқлашда Блек-Шоулз моделида иш ҳақи билан боғлиқ рискларни инобатга олишга имкон беради.

Жисмоний шахсларнинг молиявий инвестициялари билан боғлиқ даромадлари ($\delta_{и}$) рискларини эса қуйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин бўлади:

$$\delta_{и} = \delta_{б} + \sum_{n=1}^n \delta_{т} \quad (3.3)$$

$\delta_{б}$ – инвестицион қўйилма (депозит) базавий ставкаси, $\delta_{т}$ – тузатиш коэффициентлари (инфляция, дефолт ва бошқалар).

Мижоз (жисмоний шахс)нинг кредитга тўлов лаёқатлилиги (қобиллиги) кўрсаткичини юқорида келтириб ўтилган формулалар орқали аниқланганда унинг тебранишини қуйидагича баҳолаш лозим бўлади. Агар лаёқатлилиги $L_{к} \geq 0$ бўлганда мижозга кредит такдим этиш мумкин бўлади. аксинча, $L_{к} < 0$ бўлса, қуйидаги учта қарордан бирини кўриб чиқишни тавсия этамиз:

- кредит бўйича фоиз ставкаларини камайтириш имконини кўриб чиқиш;
- кредит бўйича муддатларни узайтириш имконини кўриб чиқиш;
- кредит такдим этмаслик.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида банкларда рискларни камайтириш ва уларнинг активлари сифатини пасайтиришига сабаб бўлувчи омилларни бартараф этишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Унда жисмоний шахсларга такдим этиладиган кредитлар билан боғлиқ пайдо бўлувчи рискларни олдиндан аниқлаш ва баҳолашга қаратилган ёндашувларни амалиётга жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Ўз навбатида, мижоз (жисмоний шахс)ларнинг даромадлари билан боғлиқ бўладиган рискларни аниқлашга қаратилган ёндашув (Блек-Шоулз модели)га ҳамоҳанг тарзда хулқ-атворни баҳолаш ҳам муҳим ҳисобланади.

Ўз навбатида, кредит портфели бўйича шакллантириладиган капитал монандлилиги кўрсаткичини кўриб чиқсак. Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июнда “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 14/3-сонли қарори билан регулятив капиталнинг монандлиги рискка тортилган активларга нисбатан 13 фоиздан кам бўлмаслиги белгилаб берилган.

Мазкур мезоннинг мавжудлиги рискка тортилган активларга нисбатан капиталнинг улушини тартибга солиб туришда муҳим ҳисобланади. Ушбу қарор билан капитал монандлиги қуйидаги 3.4-формула билан ҳисобланиши қайд этиб ўтилган:

$$K_M = \frac{K_p}{P_a} \quad (3.4)$$

K_M – капитал монандлиги, K_p – регулятив капитал, P_a – рискка тортилган активлар.

Ушбу 3.4-формулани ўзгартирган ҳолда регулятив капиталнинг ҳажми ўзгаришини захиралар шакллантириш бўйича харажатлар (Z_x)га боғлиқлигини аниқлашда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$K_p = \Delta K_M \times P_a = \frac{\Delta K_M}{K_M} \times K_M \times P_a = \frac{\Delta K_M}{K_M} \times Z_x \quad (3.5)$$

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган мезон асосида формулалардаги баъзи ўзгаришларни амалга ошириш орқали тижорат банклари учун регулятив капиталнинг захаралар шакллантириш харажатларига боғлиқлигини аниқлашга ҳаракат қилдик. Унга кўра, регулятив капиталнинг минимал ҳажмига қўйилган талаблар ошиб бориши билан захираларни шакллантириш билан боғлиқ харажатлар ҳам ошиб боришини аниқлашда. Аксинча, капитал монандлигининг ўтган йилга нисбатан ўзгариши эса, захараларни шакллантириш харажатлари улушини кўп бўлиши зарурлигининг олдини олмоқда.

Фикримизча, регулятив капитал таркибида II даражали капиталнинг барқарор улушга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Сабаби, жорий даврдаги II даражали капитал истиқболда I даражали капиталнинг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилади.

Бизнингча, капитал етарлилигини асосий омили сифатида банкнинг капитал рентабеллигини аниқлаштириш ва уни активларнинг рентабеллиги орқали уйғунлаштириш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун, капитал рентабеллигини баҳолашда ёрдам берувчи Дюпон тенгламасини амалиётда фойдаланиш учун татбиқ этиш, бизнингча, долзарб масала ҳисобланади.

Унинг учун биз қуйидаги ҳисоблашларни амалга оширишимиз мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Активларнинг рентабеллиги – ROA (Return on assets):

$$ROA = \frac{C_{\phi}}{P_a} \quad (3.6)$$

C_{ϕ} – соф фойда (кредит фоизлари ҳисобидан шаклланган), P_a – рискка тортилган активлар (активларнинг ўртача қиймати, йил боши ва охирига нисбатан олинади ёки муддат доирасида). Бунда рискка тортилган активлар таркибида кредит портфелининг ҳажми қамраб олинади.

Дюпоннинг икки омили тенгламаси кўрсаткичларидан фойдаланиб, ялпи фойда (Y_{ϕ} – миждозлар томонидан кредитни қайтаришдан тушум инобатга олинади, бунда кредит бўйича асосий қарз ва фоиз тўловлари назарда тутилади) омилини киритиш орқали қуйидаги ўзгаришни амалга оширамиз:

$$ROA = \frac{C_{\phi}}{P_a} = \frac{C_{\phi}}{Y_{\phi}} \times \frac{Y_{\phi}}{P_a} \quad (3.7)$$

2. Капиталнинг рентабеллиги эса, қуйидаги 8-формула билан ифодаланишини инобатга олган ҳолда 3.4 ва 3.7-формула билан боғлиқликда ўзгаришларни амалга оширамиз:

$$ROE = ROA \times K_k = \frac{C_{\phi}}{Y_{\phi}} \times \frac{Y_{\phi}}{P_a} \times \frac{P_a}{K_p} = ROA \times \frac{1}{K_m} \quad (3.8)$$

Бунда, K_k – капитализация коэффициенти..

3.4-3.8 формулалардаги ҳисоблаш ва ўзгаришлар доирасида амалга оширилган ўрганишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан капитал монандлигига нисбатан ўрнатилган мезон активларнинг рентабеллигига тўғри пропорционал, капитал рентабеллигига тескари пропорционал эканлиги қайд этилди;

– кредитлар ҳисобидан қайтган фоиз тўловларининг қайтган асосий қарз суммасига нисбати – фойда меъёри бўлишини ва ушбу кўрсаткичнинг мамлакатда активларнинг қимматлигини англантишини билдиради;

– кредитнинг қайтарилган ҳажми умумий кредит портфелидаги улуши активларнинг айланувчанлигини англатади ва ушбу рақамнинг ортиши – банк рискларининг камайишига шароит яратади;

– рискка тортилган активларнинг капиталдаги улуши капитализация кўрсаткичини билдириб, ушбу кўрсаткичнинг ортиши – банкларда рискнинг купаётганлигини англантишини юзага чиқаради.

Тадқиқотларимиз асосида таъкидлаш лозимки, банклар фаолиятидаги рискларни юзага келиши кредит портфели ҳажми, унинг таркиби, фоиз тўловларининг улуши, қайтарилаётган кредитлар асосий қарзининг рискка тортилган активлардаги улуши каби кўрсаткичлар билан ҳамоҳанг экан. Шу нуқтаи назардан, активлар ва капитал ўртасидаги мувофиқлик мувозанатини таъминлаш банк рискларининг олдини олишдаги энг асосий омил бўлиб хизмат қилар экан.

3.3. Банк рискларининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари

Ҳозирги молиявий глобализация шароитида интеграциялашиш жараёнларининг тобора кучайиб бораётгани, мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги муносабатларининг интенсив ривожланиб бориши шароитида банк тизимини эътиборсиз қолдиришимиз мақсадга мувофиқ эмас. Бугунги кунда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк хизматларини сифатли амалга ошириш, шу жумладан асосий

банкларнинг анъанавий хизмат тури бўлган кредит операцияларининг намунали даражада бўлиши ҳар бир мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида банк тизимини янада мустаҳкамлаш, ликвидлилигини ошириш, молиявий барқарорликни яхшилаш, миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, банк хизматларини ривожлантириш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш ҳам назарда тутилган. Банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини янада ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг инвестициявий фаоллигини рағбатлантириш, шунингдек умумқабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишни таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида Ўзбекистон Банклар ассоциацияси республика банкларига нисбатан депозит ва кредит сиёсати соҳасига қўйилаётган меъерий талабларни янада такомиллаштиришни бошлади.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши авваламбор, унда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари билан чамбарчас боғлиқ. Банк тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Республикамиз банк фаолияти, тижорат банклари ривожланиши, уларнинг эркинлашуви жуда мураккаб муҳитда, яъни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий рақобат муҳитида шаклланмоқда. Бугунги кунда банк фаолиятини эркинлаштириш шароитида банклараро рақобатнинг кучайиши ва унинг такомиллашуви заруриятга айланиб бормоқда.

Банк ўз фаолияти давомида молиявий операцияларни амалга оширади. Ушбу жараёнда эса банклар турли рискларга учрайди ва улардан

ҳимояланишга ҳаракат қилади. Бу эса банкларда рискларни юзага келишига шарт-шароит яратувчи ҳолатларни ўрганишни ва уларни олдиндан аниқлашга қаратилган чораларни кўришни тақозо этади.

Тадқиқотларимиз асосида банк рискларини юзага келишида таъсир этувчи омилларни икки гуруҳга ажратишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- иқтисодий омиллар;
- ноиқтисодий омиллар.

Иқтисодий омиллар банк рискларини келтириб чиқариши кўплаб олим ва мутахассислар томонидан ўрганилган бўлиб, унинг айримларини олдиндан аниқлаш имкони мавжуд бўлиши мумкин. Ноиқтисодий омилларни эса, банк ўзининг фаолиятида олдиндан прогноз қила олмаслиги ва уни баратаф этиш иқтисодий чоралар билан таъминланмаслиги мумкинлиги масаланинг долзарблигини акс эттиради.

Олдинги параграфларимизда банк рискларининг турлари ва уларни бартараф этишга қаратилган таҳлилларни амалга оширдик. Натижада банк рискларини олдиндан аниқлаш ва оқибатларини бартараф этишга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдик.


Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда банк рискларини юзага келтириши мумкин бўлган иқтисодий омилларнинг айримларини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси РЕПО операцияларида иштирок этиши. Марказий банкнинг 2020 йил 15 июлдаги маълумотларига кўра РЕПО операциялари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 15 фоизни ташкил этмоқда. Мазкур ставканинг мамлакатда мавжуд инфляцион кутилма миқдори⁷² 15,5 фоиздан кам бўлиши тижорат банкларининг молия бозоридан манфаатдорлигини пасайтиришга ўзининг таъсирини кўрсатади. Бошқача айтганда, тижорат банклари Марказий

⁷² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Пул-кредит шарҳи 2020 йил 1-чорак. Электрон манба: https://cbu.uz/upload/iblock/c97/Monetary_Policy_Report_2020Q1_Uz.pdf

банкнинг облигацияларини сотиб олишлари билан ўз активлари кадрсизланиши rischi билан тўқнаш келишлари мумкин.

Натижада, давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш учун иқтисодий чоралардан кўра, маъмурий чораларнинг таъсири кўпроқ бўлишини юзага чиқаради. Бу эса, тижорат банкларининг мамлакатдаги мавжуд макроиқтисодий ҳолатнинг таъсирига тушишларига олиб келади.



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари


3.1-расм. Ўзбекистонда инфляция прогнози, ўтган йилнинг мос ойига нисбатан фоизда

Шунингдек, инфляцион кутилмаларнинг мавсумий характерга эга бўлиши ҳам банклар фаолиятида рискларни юзага келишидаги омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Масалан, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан боғлиқ нарх кутилмаларининг пасайиши ёки аксинча қиш ойларида бунинг кўтатилиши банкларнинг активлари қийматига таъсир қилади .

Бизнингча, инфляцион кутилмаларнинг молия бозоридаги фоиз ставкаларидан юқори бўлиши тижорат банклари фаолиятидаги рискларни янада кучайишига олиб келади ва бу банк активлари қийматининг камайишига жиддий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, депозит фоиз ставкалари, инфляция ва валюта курсининг ўзаро нобарқарор равишда боғланганлиги банкларда рискни бошқариш стратегияларини самарали ишлашига шарт-шароит яратмайди.

3.1-расмдан кўриниб турибдики, инфляция кутилмалари тижорат банкларининг депозит ставкалари билан катта фарққа эга эмас. 2020 йил биринчи ярим йилигида ўртача депозит ставкаси 18-19 фоизни ташкил этади.



Манба: Марказий банк

3.2-расм. Аҳолининг мuddатли депозитлари ўсиши динамикаси, ўтган йилга нисбатан фоизда

Депозит ставкалари йиллик миқдори инфляциянинг йиллик даражаси билан тенг бўлиши ёки қисман фарқ қилиши депозитнинг молиявий жозибардорлигига жиддий таъсир кўрсатади. Бу эса банклар томонидан депозитлар орқали маблағлар жалб этишни хавф остида қолдиради.

Шунингдек, валюта курсининг девальвацион жараёнлари сезиларли ўсиб бориши аҳолининг депозитга бўлган интилишини сусайтиради. Масалан, АҚШ долларининг миллий валютага нисбатан қадрини ошиб бориши аҳоли жамғармаларини депозитларда эмас, балки хорижий валюталарда сақлашга бўлган интилиши ортиб боради. Бу эса, депозитларнинг жозибардорлигини пасайтирувчи иккинчи омил сифатида акс этади.

Эътибор берсак, 2019 йилда хорижий ва миллий валютадаги депозитларнинг ўсиши биринчи ярим йилликда барқарор динамикага эга бўлганлигини кузатиш мумкин. 2019 йилнинг август ойига келиб миллий валютадаги хорижий валютага нисбатан девальвацияси сезиларли ўсганлигини кўриш мумкин. 2019 йилнинг тўртинчи чораги ва 2020 йилнинг январиди хорижий валютадаги депозитлар ўсган бўлса, миллий валютадаги депозитлар эса пасайган .

2020 йилнинг февраль ойидан бошлаб хорижий валютадаги депозитларнинг ҳам камайиш тенденцияси юзага келган. Бизнингча, ушбу тенденциянинг асосий омили – бу жаҳонда пандемик ҳолатнинг юзага келиши натижасида аҳоли даромадларининг вақтинча йўқотилиши ёки камайиш ҳолатлари билан изоҳлаш мумкин. Сабаби, аҳолининг аксарият қисми миллий валютадаги даромадлари камайиши хорижий валюталарни сотиш тенденциясини янада тезлаштирди. Натижада, хорижий валюта депозитлари камайди.

Умуман олганда, депозитларнинг ҳам хорижий ҳам миллий валютадаги ҳажмининг пасайиш тенденциялари ривожланиши банкларнинг маблағ жалб қилиши борасидаги амалиётларини камайишига олиб келмоқда. Бу эса, банкларнинг пасив операцияларини хавф остида бўлишига таъсир кўрсатмоқда.

Фикримизча, мамлакат тўлов балансининг жорий операциялар қисмидаги нобарқарорлик девальвацион жараёнларга ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Шу билан бирга, инфляцион кутилмаларнинг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Бу эса ўз навбатида, тижорат банкларининг пасив операциялар ёки депозитлар жалб этишдаги жозибадорлигини барқарорлаштиришга салбий таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Банкларда рискларни юзага келишида ноиқтисодий омилларни таъсири ҳам мавжуд бўлиб уларни инобатга олиш зарур, деб ўйлаймиз. Уларнинг баъзиларини қуйида кўриб чиқамиз.

Биринчидан, молиявий саводхонлик даражаси. Банклар фаолиятида харажатларни ошиши ёки қўшимча вақт талаб этувчи омил – бу банк-мижоз муносабатларини ташкил этишда саводхонлик масаласи ҳисобланади.

Молиявий саводхонлик категорияси Ўзбекистонда долзарб масалалардан бирига айланиб улгурди. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам сезиларли тадбирлар амалга оширмоқда. Хусусан, молиявий саводхонликни оширишга қаратилган портал (www.finlit.uz)нинг ишга туширилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, Ўзбекистон Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 августдаги қарори билан Ўзбекистон Молиявий оммабоплик альянсига (Alliance for Financial Inclusion) аъзо бўлиб кириши назарда тутилди.

Молиявий саводхонлик категорияси ўзбекистонлик олим ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, унга нисбатан илмий ёндашувлар шакллантирилган. Жумладан, проф. Н.Х.Жумаев “Бозор, пул ва кредит” журналидаги мақоласида молиявий саводхонликнинг аҳамияти ва бу борада илғор хорижий тажрибаларга эътибор берган⁷³. Хусусан, АҚШ, Австралия, Буюк Британия, Бразилия ва Хитой каби илғор давлатларнинг тажрибаларини Ўзбекистонда қўллаш юзасидан ўзининг қимматли хулосаларини асослаб берган. АҚШ ва Буюк Британия тажрибаларининг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидлаб ўтилган:

- ёш ота-оналарга ёрдам бериш;
- мактабларда ва бошқа таълим муассасаларида таълимни ташкил этиш (масалан, Ёшлар молиявий таълими гуруҳи томонидан машғулотлар ташкил этиш);
- молиявий саводхонликни ошириш учун онлайн хизматларни ишлаб чиқиш;

⁷³ Жумаев Н.Х. Рақамли иқтисодий ривожлантириш мамлакатга нима беради//«Бозор, пул ва кредит» журнали, 2018. - №10. Электрон манба: <https://finance.uz/index.php/uz/fikrlar-va-kejslar/4062-uzbekistonda-moliyaviy-savodxonlikni-oshirish-istiqbollari-va-xorijiy-tajribaning-tatbiq-etilishi>

- шахсий маблағлардан фойдаланиш бўйича маслаҳат бериш;
- индивидуал ёндашувга алоҳида урғу бериш;
- молиявий масалалар бўйича ишонч телефони линияларини яратиш;
- мактабларда молиявий кўникмаларни шакллантириш.

Шунингдек, тадқиқотчи М.Обилов ўзининг мақоласида “аҳоли молиявий саводхонлиги – мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, юқори ўсиш суръатлари, фаол тадбиркорлик ҳамда тўлиқ бандлик даражасига эришишнинг муҳим шарти” деб таъкидлаб ўтади⁷⁴.

Юқоридаги илмий хулосаларда эътибор аҳолининг молиявий саводхонлик даражасига қаратилган. Бизнингча, банк рискларини юзага келишида банк ходимларининг ҳам молиявий саводхонлик даражасини белгилаш ва унга нисбатан қўйиладиган мезонларни шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Шу боисдан, банк ходимларининг молиявий саводхонлиги банк рискларини юзага келишида бирламчи ноиқтисодий омиллардан бири ҳисобланади. Унинг натижасида қуйидаги рискли ҳолатлар юзага келиши мумкин:

- мавжуд макроиқтисодий вазиятни тўғри баҳоламаслик натижасида актив ва пассив операцияларнинг нобарқарор тарзда амалга оширилиши;
- миждозларнинг мурожаатларига биноан мавжуд кредит ва депозит сиёсатини тушунарли ва содда тарзда етказиб бера олмаслиги;
- миждозларнинг кредитга тўлов қобилиятини аниқлаш ва баҳолашни самарали амалга ошира олмаслик;

Келтириб ўтганимиз саводхонлик билан боғлиқ ҳолатларнинг мавжуд бўлиши тижорат банкларида операцияларнинг рискларининг юзага келишига олиб келади. Ўз навбатида, банклар томонидан рискларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш имкониятларини баҳолаш каби тадбирларни амалга

⁷⁴ Обилов М.Р. Аҳолининг молиявий саводхонлиги: мазмуни, аҳамияти ва асосий жиҳатлари//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил

ошира олишмайди. Банклар учун операцион рискларнинг вужудга келиши тизимли рискларни вужудга келишига ҳам олиб келади.

Иккинчидан, банкларда интернет тармоғининг нобарқарорлиги rischi. Маълумки, бизнинг асримиз ахборот асри ҳисобланади. Бу эса, банкларнинг хизматларини масофадан амалга оширишга бўлган зарурият ва имкониятни юзага чиқаради. Ўз навбатида, интернет билан камраб олиниш миқёси банк хизматларини онлайн тақдим этишдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. онлайн банк хизматларининг долзарблиги айниқса 2020 йилдаги коронавирус пандемияси даврида намоён бўлди.

Маълумки, 2020 йилнинг биринчи чораги сўнгги кунларидан бошлаб Ўзбекистонда карантин чоралари жорий этилди. Натижада, жисмоний ва юридик шахсларнинг молиявий хизматларга бўлган талабини масофадан туриб таъминлаш тақозо этилди.

Умуман олганда, интернет тармоғи билан боғлиқ қуйидаги айрим муаммоли ҳолатлар юзага келиши мумкин:

– Амалда бўлган масофавий банк хизматлари интернет тармоғида узилишлар юзага келиши натижасида тўлиқ етказиб берилмаслик rischi юзага келади;

– пандемия шароитида банк хизматларини тўлиқ онлайн шаклга ўтказиш таъминланмаганлиги сабабли банк-мижоз муносабатларида “узилиш” пайдо бўлиш rischi;

– банклар томонидан берилган истеъмол кредитларини қайтаришда аҳолининг катта қатламида онлайн хизматлардан фойдаланмаслик натижасида кредитларни қайтариш билан боғлиқ рисклар;

– интернет тармоғининг фавқулодда узилиб қолиш билан боғлиқ ҳолатнинг юзага келиши банк хизматларини яқунланишига шарт-шароит яратиб бермайди.

Бу борада, PhD З.Мамадияров қуйидаги илмий хулосаларни келтириб ўтади⁷⁵.

– республикамизнинг барча ҳудудларида интернет хизматининг сифатли ишлашини таъминлаш ва интернет тезлигини ошириш;

– жисмоний шахслар учун «Мобил-банкнинг» ва «СМС-банкнинг» хизматларини фақат банк пластик карталари орқали эмас, балки, тўғридан-тўғри банкдаги депозит ҳисобрақамларига улаш имкониятларини кўриш;

– мамлакатимизда ташқи хизмат кўрсатиш воситалари билан таъминланиш даражаси пастлиги, яъни ҳудудларда банк карталари ва уларга хизмат кўрсатувчи жиҳозлар (тўлов терминали, инфокиоск ва банкоматлар) сонини кескин ошириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, банк рискларни юзага келтиришда интернет тармоғининг ҳам таъсири мавжуд экан. Шу боисдан, мамлакат миқёсида онлайн хизматларни тақдим этилиши интернет сифатига чамбарчас боғлиқ экан.

Учинчидан, электр таъминотидаги узилишлар. Маълумки, банкларда иш фаолиятининг тўлақонли амалга ошиши кўп жиҳатдан электр таъминотининг узликсизлиги билан боғлиқ ҳисобланади. Масалан, 2020 йил 8 январда Жаҳон банки томонидан иқтисодий ўсишга бағишланган маърузасида Марказий Осиё мамлакатларидаги электр таъминотидаги тенденциялар тўғрисида хулосалар келтириб ўтилди. Жумладан, Ўзбекистонда хўжалик юритувчи субъектларнинг электр таъминотидан узилиб қолиш эҳтимоллиги унинг йириклашиб бориши билан тескари пропорционал эканлигини қайд этиб ўтади⁷⁶.

Мазкур ҳолатнинг юзага келиши банк хизматларини тақдим этилишига жиддий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир банк муассасаси

⁷⁵ Мамадияров З.Т. Ўзбекистонда масофавий банк хизматлари ва уларни ривожлантириш истикболлари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019 йил

⁷⁶ World Bank. 2020. Global Economic Prospects, January 2020: Slow Growth, Policy Challenges. Washington, DC: World Bank. p. 89.

биноларида электр таъминотини муқобил энергия билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тўртинчидан, банк пластик карталарига хизмат кўрсатувчи (Узкард) фаолиятидаги тўхталишларнинг юзага келиши. Маълумки, тижорат банкларининг пластик карталарига хизмат кўрсатиш Uzcard (Узкард) томонидан амалга оширилади.

Мамлакатимизда ушбу тўхталишларнинг юзага келиб туриши вақти-вақти билан кузатилмоқда. Жумладан, мазкур хизмат 2019 йил март ойида Халқ сўзи газетасида бу тўғрисида айрим таҳлилларни кўриш мумкин. 2019 йил 7 март куни ҳамда 2018 йилнинг 15 сентябрдан 17 сентябргача бутун республика бўйича ишламай қолганди. Натижада икки кун мобайнида миллионлаб ўзбекистонликлар харид қобилиятидан маҳрум бўлиб қолишди. Тизим ишдан чиқиши Ўзбекистондаги 18 миллиондан ошiq пластик карта муомаласига таъсир кўрсатди. Ушбу носозлик оқибатида давлат, турли ҳисоб-китобларга кўра, уч кунда тахминан 27 миллиард сўм пул йўқотган⁷⁷.

Кўриниб турибдики, мазкур тўхталишларнинг вужудга келиши банклар фаолиятида ҳам рискларни келтириб чиқаришига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмоқда.

Бизнингча, юқорида қайд этиб ўтилган иқтисодий ва ноиқтисодий омиллар натижасида юзага келадиган рискларни олдиндан аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларни кўриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, мазкур риск омилларини бартараф этиш банкларнинг молиявий барқарорлигига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Тадқиқотимизнинг учинчи бобида олиб борган тадқиқот ва изланишларимиз натижасида қуйидаги хулосаларни олдик:

⁷⁷ Uzcard яна ишламай қолди. Компания бунинг сабабларини маълум қилди. Халқ сўзи газетаси. 7 март 2019й. <http://xs.uz/uzkr/post/uzcard-yana-ishlamaj-qoldi-kompaniya-buning-sabablarini-malum-qildi>

1. Банклар фаолиятидаги рискларни бартараф этишда мамлакатимиз тижорат банклари, хусусан танланган банклар амалиётида баъзи муаммолар мавжуд эканлигини қуйида қайд этиб ўтиш мумкин:

- активлар (кредитлар)нинг маълум топ доирадаги йўналишларда тўпланиб қолаётганлиги;
- миждларнинг кредитга тўлов қобилиятини (кредит скоринг) аниқлаш тизимини тўлақонлик жорий этилмаганлиги;
- муаммоли активларнинг юзага келишида микрокредитларнинг улуши юқори бўлиш эҳтимоллигининг мавжудлиги;
- рискка тортилган активлар таркибида юқори таваккалчилик хусусиятидаги активларнинг ўсиш тенденциясига эга бўлаётганлиги;
- банкларнинг капитал етарлилигини баҳолашда илғор тажрибаларни инобатга олишнинг зарурати мавжудлиги;
- танланган банкларнинг фаолиятида охириги йилларда активларнинг ошиб бориш тенденцияси юқори бўлаётганлиги капиталнинг монандлигига нисбатан ёндашувни такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

2. Банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали рисклар таъсир қилиш доирасининг олдини олинади. Юқоридаги тадқиқотларимиз натижасида қуйидаги хулосаларга эга бўлдик:

- биринчидан, даромад келтирмайдиган активларнинг жами активлардаги улуши юқорилиги;
- иккинчидан; риск даражаси юқори бўлган активлар ҳажмининг жами активлардаги улуши жуда юқорилиги;
- учинчидан, банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга оширадиган инвестицион операцияларининг ривожланмаганлиги;
- тўртинчидан; банк активлари даромадлилик даражасининг пастлиги (ROA).

3. Хориж тажрибасини (хусусан, Германия ва Япония банк тизимини) ўрганиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

– банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг молиявий инструментлар, хусусан, барқарор ресурс жалб қилишни таъминловчи қимматли қоғозлар олди-сотдисини амалга ошириш учун кенг йўл очиш;

– банклар актив ва пассивларини самарали бошқаришнинг янги усулларини (масалан, Германия ва Японияда кенг қўлланилувчи дериватив курулларни) амалиётга жорий қилиш;

– молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида Япония ва Германия амалиётида кенг қўлланилувчи секьюритизациялаш усулларидан кенг фойдаланиш;

– актив ва пассивлар муддати ҳамда ҳажми ўртасидаги муносибликни таъминлаш.

4. Мижоз (жисмоний шахс)нинг кредитга тўлов лаёқатлилиги (қобиллиги) кўрсаткичини юқорида келтириб ўтилган формулалар орқали аниқланганда унинг тебранишини қуйидагича баҳолаш лозим бўлади. Агар лаёқатлилиқ $L_k \geq 0$ бўлганда мижозга кредит тақдим этиш мумкин бўлади. аксинча, $L_k < 0$ бўлса, қуйидаги учта қарордан бирини кўриб чиқишни тавсия этамиз:

– кредит бўйича фоиз ставкаларини камайтириш имконини кўриб чиқиш;

– кредит бўйича муддатларни узайтириш имконини кўриб чиқиш;

– кредит тақдим этмаслик.

5. Капитал монандлиги ва активлар рентабеллигини уйғунлиги бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан капитал монандлигига нисбатан ўрнатилган мезон активларнинг рентабеллигига тўғри пропорционал, капитал рентабеллигига тесқари пропорционал эканлиги қайд этилди;

– кредитлар ҳисобидан қайтган фоиз тўловларининг қайтган асосий қарз суммасига нисбати – фойда меъёри бўлишини ва ушбу кўрсаткичнинг мамлакатда активларнинг қимматлигини англатишини билдиради;

– кредитнинг қайтарилган ҳажми умумий кредит портфелидаги улуши активларнинг айланувчанлигини англатади ва ушбу рақамнинг ортиши – банк рискларининг камайишига шароит яратади;

– рискка тортилган активларнинг капиталдаги улуши капитализация кўрсаткичини билдириб, ушбу кўрсаткичнинг ортиши – банкларда рискнинг купаётганлигини англатишини юзага чиқаради.

ХУЛОСА

Банк рискларини бошқариш усулларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотимизни амалга ошириш натижасида қуйидаги илмий хулоса ва таклифларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

1. Банклар бошқа кредит ташкилотларга нисбатан рискдан кўп ҳимояланувчи ёки қочувчи бўлишлари керак. Бунинг сабаби шундаки, банк бошқа кредиторларга нисбатан ўз маблағи билан эмас, балки жалб қилинган маблағлар, яъни жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинча банкда турган маблағлари билан ишлайдилар. Банкнинг кредит бериш имкони у жалб қилган ресурсларга боғлиқ бўлади. Банк ўз навбатида, жалб қилинган маблағларни талаб қилинган вақтда мижозга қайтариб бериш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу имконият эса банк фаолиятида мавжуд рискларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

2. Фикримизча, тижорат банклари кредит портфели диверсификациясини кенгайтириш ва кредит қўйилмаларидан самарали фойдаланиш банкларни универсаллаштиришда ва рақобатбардошлигини оширишда ёрдам беради ҳамда кредит рискни пасайтиришни таъминлайди. Банк ликвидлигини бошқаришда ва Марказий банк томонидан иқтисодий нормативга риоя этиш мақсадида жалб қилинган ва жойлаштирилган маблағларни муддати бўйича диверсификация қилиш натижасида, ўз кредит операцияларини режалаштиришга ёрдам беради. Бу билан тижорат банки зарур бўлган ликвидлилик даражасини ушлаб турган ҳолда максимал даражада юқори даромадга эришади. Кредит портфелини шакллантириш жараёни оптимал кредит сиёсатини аниқлаш нуқтаи-назаридан унинг диверсификацияланишини кўзда тутди. Кредитларнинг бир неча мижозлар ичида жамланиш даражаси ва кредитлашнинг умумий ҳажми ошиши билан банк кредит rischi ҳам ўсиб боради.

3. Фикримизча, банк рискларини баҳолашда маълум бир методнинг мутлоқ устунлигини мавжуд деб қараш тўлиқ ўзини оқламайди. Сабаби, биз кўриб ўтган рискни баҳолаш методлари молиявий фаолиятнинг турли

жиҳатларини тизимлаштириш ва баҳолашга қаратилган хусусиятни ўзида акс эттиради. Шу нуқати назардан, мамлакатимизда макроиктисодий мувозанатни таъминлаш учун макропруденциал ва мажмуавий усулларни қўллаш имкониятларини тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади. Рискларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда рискни баҳолаш, уни назорат қилиш методи ва амалга ошириш йўли муҳим роль ўйнар экан.

4. Таъкидлаш лозимки, кредит портфелида хорижий валютадаги кредитларнинг юқори бўлиши қуйидаги мураккабликларни келтириб чиқариш мумкин:

– хорижий мамлакатлар иқтисодиётидаги муаммоларнинг миллий банк тизимига кўчиши тезлашиши мумкин. Бу эса, банк рискинни ортишига олиб келади;

– хорижий валютадаги кредит олганларнинг тўлов қобилияти мамлакатдаги девальвациянинг давом этиши натижасида тушиши мумкин. Оқидатда эса, банклар активлари сифатининг пасайиши юзага келишига шароит яратилади.

5. Бизнингча, банклар томонидан кредитлар тақдим этишда банк рискларини минималлаштириш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

– кредитлар валюта таркибида маълум валютанинг доминантлигига йўл қўймаслик учун валюта таркиби диверсификациясини таъминлаш;

– истеъмол кредитлари аҳолининг даромадларига боғлиқ равишда ўсишини инобатга олиб, уларнинг муддати ва фоизларини янада оптималлаштириш ва “содиқ мижозлар”га алоҳида тарифларни шакллантириш муҳим ҳисобланади;

– ипотека кредитини тақдим этишнинг инсон ёшига нисбатан чегараланган даражасини белгилаш ва бунда ёши катталлашиб боргани сари ипотека кредитини муддатини қисқартириш имконини яратиш лозим. Бу эса, ипотека кредити қопланишини таъминлашга ёрдам беради;

– ипотека кредити муддатини мижоз томонидан таклиф этиш имконини тақдим этиш. Бунда, кредит олувчи қисқароқ муддатни танлаши орқали (масалан, 20 йилнинг ўрнига 10 йил) фоиз ставкани пасайтиришга таъсир кўрсатиш имконини яратиш лозим;

6. Мижоз (жисмоний шахс)нинг кредитга тўлов лаёқатлилиги (қобиллиги) кўрсаткичини юқорида келтириб ўтилган ҳисоб-китоб формулалари орқали аниқланганда унинг тебранишини қуйидагича баҳолаш лозим бўлади. Агар лаёқатлилиқ $L_k \geq 0$ бўлганда мижозга кредит тақдим этиш мумкин бўлади. Аксинча, $L_k < 0$ бўлса, қуйидаги учта қарордан бирини кўриб чиқишни тавсия этамиз:

- кредит бўйича фоиз ставкаларини камайтириш имконини кўриб чиқиш;
- кредит бўйича муддатларни узайтириш имконини кўриб чиқиш;
- кредит тақдим этмаслик.

7. Капитал монандлиги ва активлар рентабеллигининг уйғунлиги бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан капитал монандлигига нисбатан ўрнатилган мезон активларнинг рентабеллигига тўғри пропорционал, капитал рентабеллигига тескари пропорционал эканлиги қайд этилди;

– кредитлар ҳисобидан қайтган фоиз тўловларининг қайтган асосий қарз суммасига нисбати – фойда меъёри бўлишини ва ушбу кўрсаткичнинг мамлакатда активларнинг қимматлигини англантишини билдиради;

– кредитнинг қайтарилган ҳажми умумий кредит портфелидаги улуши активларнинг айланувчанлигини англатади ва ушбу рақамнинг ортиши – банк рискларининг камайишига шароит яратади;

– рискка тортилган активларнинг капиталдаги улуши капитализация кўрсаткичини билдириб, ушбу кўрсаткичнинг ортиши – банкларда рискнинг купаётганлигини англатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонун ва қонуности ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида (янги таҳрири)”ги ЎРҚ-582-сонли қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида (янги таҳрири)”ги ЎРҚ-580-сонли қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрдаги “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги ЎРҚ-578-сонли қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида каранавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир кенг қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ-4649-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 май “Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4453-сонли қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги “2018 — 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3422-сонли қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “«Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сонли қарори
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ”Каранавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт

тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5969 сон Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5177-сонли фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755-сонли фармони.

12. , Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5886-сонли фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 14/5-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) қарори

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 14/3-сонли (Адлия вазирли рўйхат рақами 2693-сон) қарори

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари. Пул-кредит сиёсати шарҳи 2020 йил 1-чорак. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. https://cbu.uz/upload/iblock/6a8/Monetary_Policy_Report_2020Q1_Uz.pdf

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 декабр 2017 йил.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”. 2017 йил.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, “Ўзбекистон”. 2016 йил.

III. Асосий адабиётлар

16. Adam Gersl and Jaroslav Hermanek, “Financial stability indicators: Advantages and disadvantages of their use in the assessment of financial system stability”, page 69.

17. Charles Collier, Sean Forbush, Daniel A. Nuxoll, and John O’Keefe The SCOR System of Off-Site Monitoring Its Objectives, Functioning, and Performance. FDIC Banking Review, 2003, volume 15, No. 3. p. 6.

18. Fitch: Ўзбекистоннинг кўплаб банклари сўм курсининг пасайишига бардошли. 11 май 2017 й. <https://www.gazeta.uz/uz/2017/05/11/fitch/>

19. Frederic S. Mishkin “The Economics of Money, Banking, and Financial Markets”, page 216, 11th edition 2016.

20. Frederic S. Mishkin “The Economics of Money, Banking, and Financial Markets”, page 216, 11th edition 2016.

21. Oliver M. Sprague History of Crises under the National Banking System. Augustus m Kelley Pubs; New issue of 1910 ed edition (June 1, 1968)

22. Абдуллаев А. Тижорат банкларининг ликвидлик рискинн бошқариш//Бозор, пул ва кредит журналин. – Т., 2017. - №10. – Б.36-41.

23. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш: и.ф.д. ... автореферат. – Т.: БМА, 2000. – 46 б.

24. Абдурахмонов О.Б. Фоиз рискин ва уни минималлаштириш йўллари: и.ф.н. ... автореферат. -Т.: БМА, 2007. – 22 б.

25. Акбаров Ҳ.М. Жаҳон валюта тизимининг ривожланиш босқичлари ва глобал молиявий барқарорлик//Молия ва банк иши электрон илмий журнал. – Т., 2019. - №2, март-апрел. -Б.3-7.

26. Амонов А., Нафасов Д. Банк таваккалчиликларини бошқариш усулларининг долзарб жиҳатлари// "Biznes - эксперт" журнали. – Т. 2016. - №7(103)-2016. Манба: <http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/43424-bank-tavakkalciliklarini-boshqarish-usullarining-dolzarb-jihatleri>

27. Атамуродов Т.Т. Давлат харидини ташкил этиш назарий асосларива услубий шарт-шароитлари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019 йил

28. Ахмедов М.У. Тижорат банклари узоқ муддатли ресурсларининг иқтисодиёт ривожини таъминлашдаги аҳамияти//Иқтисод ва молия журнали. –Т.2011. -№6. – Б.43-46.

29. Байбородина М.Н. Слияния и присоединения кредитных организаций в стратегии достижения лидерства на рынке банковских услуг: автоферат ... к.э.н. – М.: ФГБОУ ВПО «Государственный университет управления», 2012. - 32 с.

30. Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. Монография. – Т.: Молия, 2020. -170 б.

31. Бобокулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммо ва ечимлар. -Т.: Фан ва технология, 2007. – 184 б.

32. Бозоров Р.Ҳ. Тижорат банки молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил этиш амалиёти//Молия ва банк иши электрон илмий журнали. – Т.: БМА, 2019 сентябр-октябр. – 5-сон. – Б.4-10.

33. Вахабов А.В.. Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикаси банк тизими мустақиллик йилларида//Иқтисодиёт ва молия журнали. – Т.: 2011. - №9. – Б.33-37.

34. Вишнеvский А.А. современные тенденции развития структурoобразующих институтов банковского права: сравнительно-правовое

исследование: автоеферат ... д.ю.н. – Москва. Национального исследовательского университета «Высшая школа экономики, 2014. – 43 с.

35. Вяткин В.Н., Гамза В.А., Маевский Ф.В. Риск менеджмент: Учебник. – 2-е изд., перераб. И доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019. – 365 с.

36. Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. –Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 335 б.

37. Давыденко А.К. Совершенствование системы управления внутренними рисками коммерческого банка: автоеферат ... к.э.н. – Москва. Российской академии предпринимательства, 2011. – 25 с.

38. Давыденко А.К. Совершенствование системы управления внутренними рисками коммерческого банка: автоеферат ... к.э.н. – Москва. Российской академии предпринимательства, 2011. – 25 с.

39. Додиев Ф.У. Тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўллари//Иқтисод ва молия журнали. – Т.: 2014. -№3. Б.23-29.

40. Егоркин Е.А. Зарубежные методические подходы, применяемые для оценки финансовой устойчивости региональной банковской системы//Региональной проблемы преобразования экономики. – М.: 2014. - №11. С. -143-147. www.rppe.ru

41. Жўраев И.И. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш: и.ф.б.ф.д. (PhD) диссертация автореферати. – Т.: ТМИ, 2020. – 56 б.

42. Закирходжаева Ш.А. Суғурта ташкилотлари ва тижорат банкларининг ҳамкорлик йўналишларини ривожлантириш истиболлари//Иқтисод ва молия. – Т., 2015. -№3. – Б. 45-53.

43. Ибрагимов Д.Р. дилинг операцияларини амага оширишда валюта рискларини баҳолашни такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. ... автореферат. -Т.: БМА, 2010. – 26 б.

44. Игамбердиев С.Х. Инвестицион банklar фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферати. – Т. ТДИУ, 2018. – 61 б.

45. Идиев Н,Ф, Тижорат банклари аудиторлик рискларини баҳолашни такомиллаштириш: и.ф.н. ... автореферат. -Т.: БМА, 2011. – 22 б.

46. Кайгородцев А.А. Повышение уровня монетизации Российской экономики как фактор экономического роста //Научное обозрение. Экономические науки. – 2019. – № 3. – С. 11-14; URL: <https://science-economy.ru/ru/article/view?id=1010> (дата обращения: 29.04.2020).

47. Карабаев Н.А. Тижорат банклари рейтингига муаммоли активларни таъсири//“UzBridge” электрон журнали. – Т. 2020. –№1. – Б.37-45. Электрон манба: <http://uzbridge.eyuf.uz/maqolalar/153884.pdf>

48. Карабаев Н.А. Тижорат банклари фаолиятини camels рейтинг тизими асосида баҳолаш амалиёти ва уни такомиллаштириш// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2017 йил

49. Каралиев Т. Усмонов Б. Аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юки таҳлили ва уни оптималлаштириш//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – Т.: 2020. - № 1, февраль.

50. Каримов Н.Ф. Риски и проблемы формирования прибыли коммерческих банков: автореферат ... к.э.н. – Т.: БФА, 1998. – 23 с.

51. Кибардина Ю.С. Международная деятельность российских банков в условиях трансформации мировой банковской системы: автореферат ... к.э.н. – Москва. Институте региональных экономических исследований, 2013. – 21 с.

52. Круи М., Галай Д., Марк Р. Основы риск-менеджмент: -М.: Издательство Юрайт, 2019. – 390 с.

53. Кудрявцева Ю.В. Развитие рынка кредитных услуг населению в России: автореферат ... к.э.н. – М.: Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации, 2011. – 26 .

54. Курбанов И. Стресс-тестирование как современный метод управления рисками в коммерческих банках: опыт США////Бозор, пул ва кредит. – Т., 2015. -№7. – Б. 52-56.

55. Қоралиев Т., Қодиров Э. Халқаро ҳисоб-китоблардаги рискларни бошқариш масалалари//Молия журнали. – Т., 2014. - №3. – Б.52-55.

56. Қуллиев И.Я. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётини такомиллаштириш//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2017 йил
57. Лаврушин О.И. Банковское дело. - М.: Финансы и статистика. 2001. – 342 с.
58. Мажидов Ж. Тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлик рискининг бошқаришнинг такомиллаштириш йўллари//Молия журнали. -Т., 2017. -№4. – Б.57-61.
59. Мирзаев Ф.И. Молия бозори операциялари рискларини баҳолаш усуллари (қимматли қоғозлар бозори мисолида): и.ф.н. ... автореферат. -Т.: БМА, 2002. – 22 б.
60. Муминова Э.А.Тижорат банкларида ипотека кредити рискларини бошқаришни такомиллаштириш: и.ф.н. ... автореферат. -Т.: БМА, 2011. – 22 б.
61. Насриддинов Ф.Н. Тижорат банкларида риск-менежмент тизимини такомиллаштириш йўллари: и.ф.н. ... автореферат. -Т.: ТДИУ, 2012. – 26 б.
62. Нафасов Д.Б. Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. (PhD) диссертация автореферати. – Т.: ТМИ, 2017. – 56 б.
63. Отамуродов Х. Тижорат банклари кредит портфели ва уни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2017 йил
64. Отамуродов Х. Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришни оптимизация қилиш масалалари//Бизнес-Эксперт журнали. – Т. 2019. - №3(135)-2019.
65. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. - М. ИКС “ДИС”, 1997. - с. 186.
66. Проведена пресс-конференция «о проведенных работах банком «асака» по привлечению иностранных кредитных линий». <https://www.asakabank.uz/ru/press->

centr/meropriyatiya/provedena_press_konferenciya_o_provedennyh_rabotah_bank
om_asaka_po

67. Пшеничников В.В. Природа банковских рисков и пути их снижения автореферат ... к.э.н. – Т.: БФА, 2000. – 23 с.

68. Рабыко И.Н. Методика оценки управления стратегическим риском банка//Иқтисод ва молия илмий-амалий журнал. – Т., 2018. - №5(113). – Б. 27-32.

69. Раҳматов Х.У. Тижорат банклари активларини макро ва микро тақсимоти инструментларини қўллашнинг асосий жиҳатлари//Молия ва банк иши электрон илмий журнали. – Т.: БМА, 2019 сентябр-октябр. – 5-сон. – Б.36-41.

70. Рустамов Д.Р., Абдуллаева М.Ҳ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида риск менежментидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2018 йил

71. Сатторов Б.К. Ўзбекистонда ипотека қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш йўллари: и.ф.н. ... автореферат. –Т.: ТМИ, 2012. -24 б.

72. Тожиев М.М. Банк рисклари ва уларни бартараф қилишнинг долзарб масалалари//Иқтисод ва молия илмий-амалий журнал. – Т., 2018. - №8(116). – Б. 14-17.

73. Тожиев М.М. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш риск бошқарувининг муҳим омили сифатида //Иқтисод ва молия илмий-амалий журнал. – Т., 2018. - №7(115). – Б. 14-17.

74. Трофимова Е.А. Оценка эффективности деятельности коммерческого банка в условиях межбанковской конкуренции: автореферат ... к.э.н. – Екатеринбург. Уральский федеральный университет, 2016. – 24 с.

75. Чичуленков Д.А. Совершенствование управления портфелем банковских активов: автореферат ... к.э.н. – М.: ФА при правительстве РФ., 2009. - 32 с.

76. Шеримбетов И. Рискка асосланган аудит ва унинг аҳамияти//Бозор, пул ва кредит. – Т., 2017. -№10. – Б. 4-9.

77. Экономическая безопасность России: Общий курс: Учебник / Под ред. В.К. Сенчагова. 2-е изд. — М.: Дело, 2005. — 896 с.

78. Якубова А.А. Управление банковскими рисками в Российской Федерации посредством страхования: автореферат ... к.э.н. — М.: ФБГОУ ВПО «Государственный университет управления», 2012. — 25 с.

ВЫВОД ИТОГОВ

1-илова

<i>Регрессионная статистика</i>	
Множественный R	0,905527023
R-квадрат	0,81997919
Нормированный R-квадрат	0,759972253
Стандартная ошибка	121978,13
Наблюдения	5

Дисперсионный анализ

	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	<i>Значимость F</i>
Регрессия	1	2,03313E+11	2,03313E+11	13,66474003	0,034359214
Остаток	3	44635992629	14878664210		
Итого	4	2,47949E+11			

	<i>Коэффициенты</i>	<i>Стандартная ошибка</i>	<i>t-статистика</i>	<i>P-Значение</i>	<i>Нижние 95%</i>	<i>Верхние 95%</i>	<i>Нижние 95,0%</i>	<i>Верхние 95,0%</i>
Y-пересечение	-110864,019	124271,7011	-0,892109933	0,438060473	-506352,0351	284623,997	-506352	284624
Переменная X 1	2995,332504	810,2972264	3,696584915	0,034359214	416,6050894	5574,05992	416,6051	5574,06

ВЫВОД ИТОГОВ

2-илова

<i>Регрессионная статистика</i>	
Множественный R	0,868046
R-квадрат	0,753504
Нормированный R-квадрат	0,671339
Стандартная ошибка	142733,3
Наблюдения	5

Дисперсионный анализ

	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	<i>Значимость F</i>
Регрессия	1	1,87E+11	1,87E+11	9,1706	0,056387
Остаток	3	6,11E+10	2,04E+10		
Итого	4	2,48E+11			

	<i>Коэффициенты</i>	<i>Стандартная ошибка</i>	<i>t-статистика</i>	<i>P-Значение</i>	<i>Нижние 95%</i>	<i>Верхние 95%</i>	<i>Нижние 95,0%</i>	<i>Верхние 95,0%</i>
У-пересечение	116169,1	88520,32	1,312344	0,28078	-165542	397880,3	-165542	397880,3
Переменная X 1	205,3557	67,8122	3,0283	0,056387	-10,453	421,1644	-10,453	421,1644

ВЫВОД ИТОГОВ

3-илова

<i>Регрессионная статистика</i>	
Множественный R	0,679298005
R-квадрат	0,46144578
Нормированный R-квадрат	0,281927706
Стандартная ошибка	144022,4505
Наблюдения	5

Дисперсионный анализ

	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	<i>Значимость F</i>
Регрессия	1	53317882286	53317882286	2,570469763	0,207206581
Остаток	3	62227398728	20742466243		
Итого	4	1,15545E+11			

	<i>Коэффициенты</i>	<i>Стандартная ошибка</i>	<i>t-статистика</i>	<i>P-Значение</i>	<i>Нижние 95%</i>	<i>Верхние 95%</i>	<i>Нижние 95,0%</i>	<i>Верхние 95,0%</i>
У-пересечение	165738,2031	125169,0216	1,324115192	0,277310456	-232605,4873	564081,894	-232605	564081,9
Переменная X 1	0,577422137	0,360153119	1,603268463	0,207206581	-0,568745825	1,7235901	-0,56875	1,72359

ВЫВОД ИТОГОВ

4-илова

<i>Регрессионная статистика</i>	
Множественный R	0,839824
R-квадрат	0,705304
Нормированный R-квадрат	0,607073
Стандартная ошибка	106537,4
Наблюдения	5

Дисперсионный анализ

	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	<i>Значимость F</i>
Регрессия	1	8,15E+10	8,15E+10	7,179999	0,075078
Остаток	3	3,41E+10	1,14E+10		
Итого	4	1,16E+11			

	<i>Коэффициенты</i>	<i>Стандартная ошибка</i>	<i>t-статистика</i>	<i>P-Значение</i>	<i>Нижние 95%</i>	<i>Верхние 95%</i>	<i>Нижние 95,0%</i>	<i>Верхние 95,0%</i>
Y-пересечение	119872,9	94261,17	1,27171	0,293111	-180108	419854	-180108	419854
Переменная X 1	0,175508	0,065499	2,679552	0,075078	-0,03294	0,383956	-0,03294	0,383956